

Абдурахмон Бодиров



**САМАРҚАНД ИККИНЧИ
ЖАҲОН УРУШИ
ЙИЛЛАРИДА**

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Самарқанд вилоят ҳокимлиги
Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси

СамДУ қошидаги 2 сон академик лицей

Абдурахмон Бодиров

Самарқанд Иккинчи жаҳон
уруши йилларида

Самарқанд – 2015

“Zarafshon” нашриёти ДК

УДК: 821.512.133-1

63.3(5Ў-2Сам)

Б91

Бодиров, Абдурахмон

Самарқанд Иккинчи жаҳон уруши йилларида / А.Бодиров. – Самарқанд:

Zarafshon, 2015.-124б.

КБК: 63.3(5Ў-2Сам)

Масъул муҳаррир:

Қ.К.Ражабов -тарих фанлари доктори,
Ўзбекистон ФА Тарих институти
“Ўзбекистоннинг совет даври тарихи”
бўлими бошлиғи.

Тақризчилар:

Ш.С.Ғафоров - тарих фанлари
доктори, А.Навоий номидаги номидаги
Самарқанд давлат университети профессори
И.М.Сандов - тарих фанлари доктори,
А.Навоий номидаги номидаги Самарқанд
давлат университети профессори

Мазкур китобда Иккинчи жаҳон уруши даврида Самарқанд вилоятининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳозиргача илмий истеъмолга киритилмаган архив ҳужжатлари, вақтли матбуот ва турли адабиётларни ўрганиш асосида ёритилган.

Китобда вилоят аҳолисининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қишлоқ хўжалигида, саноатда, кенг кўламдаги қурилиш ишларида кўрсатган фидокорона меҳнатлари, фронтдаги жасоратлари ёритиб берилган.

Китоб тарих фани ўқитувчилари, олий ўқув юрти талабалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари, қолаверса, Самарқанд тарихига қизиқувчи барча китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ISBN 978-9943-4513-9-1

© А. Бодиров

© “Zarafshon” нашриёти ДК, 2015.

М у н д а р и ж а

КИРИШ4

I БОБ.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Самарқанд вилоятида ижтимоий-сиёсий ҳаёт7

1.1 Моддий ва маънавий кучларнинг фронтга сафарбар этилиши.....7

1.2 Самарқандликларнинг фронтдаги жангчиларга ва кўчириб келтирилган аҳолига ёрдами.....11

1.4. Фашистлар босқинидан озод қилинган ҳудудларга самарқандликларнинг байналмилаллик ёрдами..43

1.3 Самарқандлик жангчиларнинг фашизмни тор-мор этишдаги иштироки.....47

II БОБ.

Уруш йилларида Самарқанд вилояти саноати ва қишлоқ хўжалиги ..60

2.1 Самарқанд саноатининг ривожланиши ва ўзгаришлар.....60

2.2 Вилоят қишлоқ хўжалиги.....65

2.3. Самарқанд меҳнаткашларининг Фарҳод ГЭСи қурилишидаги иштироки.....77

III БОБ.

Уруш йилларида Самарқандда фан, маориф ва маданият.....83

3.1. Илм-фан ривожини ва олий таълим.83

3.2 Халқ маорифи.95

3.3. Адабиёт ва санъат ғалаба учун хизматда.106

Хулоса.....116

Фойдаланилган манбалар ва адабётлар рўйхати119

КИРИШ

Дунё халқлари бошига беҳисоб кулфатлар келтирган, ўзининг оловли домига бутун-бутун қитъаларни, мамлакатларни тортган Иккинчи жаҳон урушининг бошланганига етмиш беш йилдан ошди ва фашизм устидан қозонилган буюк ғалабага эса етмиш йил тўлди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда бутун бир янги авлод туғилиб вояга етди. Оловли жанггоҳлардан омон қайтган кўлтиқтаёқли уруш фахрийларининг, фронт орқасида кунни тунга улаб, ғалаба учун тер тўкканларнинг сафлари эса бугунги кунда анча сийраклашиб қолди. Қирғинбарот уруш садолари тобора биздан узоклашиб бораётган бўлса-да, ўша воқеалар рўй берганига қанчалар кўп йиллар ўтган бўлмасин, барибир, инсоният уларни ҳеч қачон унутмайди.

Президентимиз Ислом Каримов 2011 йилнинг 9 май куни Тошкентдаги Хотира майдонида Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтириб, ўз нутқида шундай деган эди: “Иккинчи жаҳон уруши, унинг жароҳатлари эл-юрт хотирасида умрбод сақланади. Кўпни кўрган, жафоқаш халқимиз бу урушда не-не асл фарзандларидан, оиланинг таянчи ва суянчи бўлмиш қанча-қанча навқирон ўғлонларидан жудо бўлган.

Агар уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллиони урушда бевосита иштирок этган. Ёш гўдак ва болаларни, қариялар ва аёлларни ҳисобга олмаганда, халқимизнинг 40 фоиздан кўпроғи қўлига қурол олиб, жанг-у жадалларда қатнашган. Ва бу даҳшатли қирғинда қарийб 500 минг юртдошимиз, яъни урушда қатнашганларнинг 30 фоизи ҳалок бўлганини инобатга оладиган бўлсак, эришилган ғалабанинг қадр-қиммати нечоғлик баланд экани, Ўзбекистон халқининг фашизмга қарши курашга қандай катта ҳисса қўшгани яққол аён бўлади.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким, ҳеч қачон унутмаслигини истардим, қолаверса талаб қилардим”.¹

Маълумотларга кўра, фашизмга қарши жангларда 70 минг нафар самарқандлик аскар ҳалок бўлган. Фрондан эсон-омон ёки ярадор ҳолда қайтганлар сони эса 100 минг нафарни ташкил этган. Таассуфки, аини пайтда улардан атиги 391 нафаригина ҳаёт.²

Фашистлар Германиясининг 1939 йил 1 сентябрь куни Польшага бостириб кириши билан бошланиб, Иккинчи жаҳон урушида 61 давлат қатнашди ва Ер юзи аҳолисининг 80 фоизини, яъни 1,7 миллиард кишини ўз гирдобига тортди.³

Уруш ҳаракатлари 40 мамлакатнинг ҳудудида олиб борилди. Ҳарбий қисмларга 110 миллион киши чакирилди. Урушдан кўрилган моддий зарар инсоният учун 1 триллион 16 миллиардга тушди. Иккинчи жаҳон уруши 50 миллионга яқин кишининг ёстигини қуритди.⁴

Урушдан сўнг 95 миллион киши ногирон бўлиб қолди. Олимларнинг ҳисобларига қараганда, Иккинчи жаҳон уруши йилларида туғилиш 175 миллион кишига камайиб кетди. Фашистлар собиқ иттифокдаги қарийб 1700 шаҳар ва посёлкани, 70 минг қишлоқни харобага айлантирди, 65 минг километр темир йўлни, 32 мингга яқин саноат корхоналарини вайрон қилдилар, 6 миллиондан ортиқ бинони ёндирдилар ва култепага айлантирдилар. Салкам 25 миллион кишини бошпанасиз қолдирдилар, 98 минг колхоз, 1876 совхозни издан чиқариб, яроқсиз қилиб ташладилар, 2890 МТС (машина трактор станцияси – А.Б) ни порглатиб, 17 миллион бош қорамол ва 7

¹ Karimov I.A. Demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini shakllantirish mamlakatimiz taraqqiyotining asosiy mezonidir. – T.: O'zbekiston, 2011. T. 19. – B. 301.

² E'tibor, ehtirom, e'zoz// “Xalq so'zi”, 2014 yil 10 may. №91 (6021)

³ Usmonov Q., Sodiqov M. O'zbekiston tarixi (1917-1991-yillar) Akademik litsey va kasb-hunar kollejlari 1-bosqich o'quvchilari uchun darslik/ Ma'sul muharrir: Q.Rajabov. – T.: “Sharq”, 2011. – B. 116.

⁴ Каранг. М.Мамадазимов. Ядро уруши – телбаликдир. – “Шарк юлдузи”, 1987 йил, 7 сон. – Б. 186.

миллион йилқини ҳайдаб кетдилар. Урушга кетган харажатлар йўқотилган даромадлар билан кўшиб ҳисоблаганда 2 триллион 600 миллиард сўмни ташкил этади. Халқ меҳнати билан яратилган мамлакат миллий бойлигининг деярли 30 % ини уруш алангаси ютиб юборди.¹

Ўзбекистон халқи Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронтларда ва мамлакат ичкарасида мислсиз қаҳрамонлик кўрсатиб, фронт ва мамлакат ичкарасининг мустаҳкам бирлигини таъминлади, ўз Ватанининг эркинлиги ва озодлиги учун, бугун биз кечираётган осуда ҳаёт учун, мусаффо осмонимиз учун ҳеч нарсани, ҳатто ўз жонини ҳам аямади. Бу нарсалар жаҳон тарихидаги энг қонли, энг даҳшатли қирғин бўлган Иккинчи жаҳон урушида халқимизнинг собиқ Иттифок халқлари қаторида фашизм устидан тўла ва узил-кесил ғалаба қозонишида муҳим роль ўйнади.

Мазкур китобда Самарқанд вилояти меҳнаткашларининг Иккинчи жаҳон уруши йилларида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳамда ўша даврдаги катта қурилиш ишларида кўрсатган фидокорона меҳнатлари, фронтдаги жасоратлари ёритилади.

¹ Гафуров З., Бегимкулов Д. Ватан тақдирини ўйлаб... Т.: "Ўқитувчи", 1990. – Б. 66.

Г БОБ

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Самарқанд вилоятида ижтимоий-сиёсий ҳаёт

1.1. Моддий ва маънавий кучларнинг фронтга сафарбар

этилиши

Фашистлар Германияси Ғарбий Европадаги 10 та давлатни – Польша, Чехословакия, Югославия, Бельгия, Голландия, Люксембург, Дания, Норвегия, Австрия ва Францияни босиб олгандан кейин 1941 йил 22 июнь куни ҳужум қилмаслик тўғрисидаги шартномани бузиб, уруш эълон қилмасдан СССР га ҳоинона ҳужум қилди.

Уруш бошланганлиги тўғрисидаги хабар етиб келган кунидек Ўзбекистоннинг барча шаҳарлари ва туманларида, корхона ва муассасаларида митинглар ва йиғилишлар бўлиб ўтди. Ишчилар, хизматчилар, деҳқонлар, зиёлилар, талаба ёшлар ўз Ватанларини ҳимоя қилишга, душман билан юзма-юз жангларда босқинчиларни тор-мор этиш учун фронтга боришга, ғалабани таъминлаш учун мамлакат ичкарисида фидокорона меҳнат қилишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Урушнинг биринчи кунлариданоқ самарқандликлар ҳам дарҳол фронтга жўнатишларини сўраб ҳарбий комиссарликларга ариза бердилар. Самарқанд аҳолиси шаҳар ва вилоят ҳарбий комиссарликларига дарҳол фронтга жўнатишларини сўраб 1316 та ариза топширди. 1941 йилнинг 4 августига келиб, бундай аризалар сони 2988 тага етди. Шу аризалардан 613 таси хотин-қизлардан эди.¹

1941 йилнинг 23 июнида “Колхозчи” (уруш йилларида 1941 йил ноябрда Новороссийскдан кўчириб келтирилган “Красный двигатель” заводи то мустақилликкача шундай номланган, ҳозир эса “Алпомиш” номида) заводидаги митингга 500 ишчи-хизматчи қатнашди. Сўзга чиққан кўнгиллилар қаторида душманга қарши курашиш учун фронтга жўнашга тайёр эканликларини изҳор

¹ Самарқанд тарихи. Икки томлик. Т.2. Масъул муҳаррир И.М.Мўминов Т: Фан, 1970, Б.194.

этдилар. Шу куни Ўзбекистон Давлат Университети (ҳозиги СамДУ)да бўлиб ўтган митингда “Менинг ёшим анчага бориб қолган, - деди доцент Шварцбурд. Юрт фарзанди сифатида жоним бор экан, ўзимни фронтга сафарбар деб биламан”.

Кекса олимнинг бу сўзлари “университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари қалбидаги ватанпарварлик туйғуларини жўш урдириб юборди. 24 июнда 650 киши иштирокида шойи тўқиш фабрикасида митинг ўтказилди. Унда икки жангчининг отаси – илғор ишчи Мўминов: “Ёшимга қарамай, керак бўлса қўлимга қурол олиб, жанг қилишга тайёрман”, деди. Бундай йиғилишлар нон заводида, халқ хўжалиги институтида, собиқ Чкалов номли босмахонада, 2 вино заводида ва маҳаллаларда ҳам катта кўтаринкилик билан ўтди.¹

Уруш йиллари давомида бутун вилоятда ҳаммаси бўлиб етти марта умумий ҳарбий таълим машқлари ўтказилди, меҳнаткашлардан 200 мингга яқин киши ҳарбий тайёргарликдан ўтди. Армиянинг бешта ҳарбий академияси: М.С.Киров номидаги Ҳарбий медицина академияси, Ҳарбий химия академияси, Ҳарбий денгиз академияси, Ҳарбий ветеринария академияси, Ф.Е.Дзержинский номидаги Артиллерия академияси уруш йилларида Самарқандга кўчириб келтирилган эди. Бундан ташқари, бир қанча ўрта ҳарбий ўқув юртлари, Воронеж алоқа билим юрти, 2 Харьков танк билим юрти ва авиация мактаблари ҳам Самарқандга кўчириб келтирилди. Ўқув юртларининг ҳаммаси юқори малакали ҳарбий мутахассислар тайёрлаш билан шуғулланди.²

Уруш йилларида Самарқанддаги корхоналарнинг ҳаммаси ўз ишларини уруш даври талабига мувофиқ қайта кўриб чиқди. Завод ва фабрикаларда зарбдорчасига меҳнат қилиш, гвардиячи бригада номини олиш ҳаракати авж олди. Бу ватанпарварлик

¹ Аминов Х., Иброҳимов Н. Самарқанд – фронтга. Самарқанд. “Сўғдиён”, 1994. – Б. 10-11.

² Самарқанд тарихи. Икки томлик. Т-2. Масъул муҳаррир И.М.Мўминов Т: Фан, 1970, Б.203.

ташаббуси қатнашчилари бир сменада икки-уч нормани бажардилар.

Самарқанддаги фабрика, заводларга аёллар ҳам келиб ишлай бошлади. 1941 йилнинг охирига келиб, икки ярим мингдан ортик аёл завод ва фабрикаларда ишлади. Улар энг мураккаб жараёнларни ўзлаштириб олдилар ва эркаклар ўринларини билдирмай меҳнат қилдилар.

Самарқандда ўнлаб жанговар қисмлар тузилди. Вилоят ҳудудида 83-, 100-отлик дивизиялар 90-алоҳида миллий ўқчи бригада, 73-, 213-ўқчи дивизиялар, захирадаги 24-ўқчи бригада, 27-алоҳида автоматчилар батальони, 682-қурилиш батальони таркиб топди.¹ Бу жанговар қисмлар шахсий таркибнинг ҳамма аъзолари самарқандликлардан иборат бўлмаса-да, кўҳна юртнинг улугворлиги ҳар бирига куч-ғайрат бахш этади. Улардаги юзлаб, минглаб мард ва жасур ўғлонларнинг қадам излари, ҳатто Европанинг бир қатор мамлакатлари тупроғида ҳам қолди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1942 йилда бўлиб ўтган V пленуми қарорига биноан, ишлаб чиқариш корхоналарида, ташкилотларда, ўқув юртлари ва колхозларда ҳарбий тайёргарлик кўриш ва медицина-санитария билимларини ўрганувчи жуда кўп пунктлар ташкил топди. 1941 йилнинг 1 октябрига келиб, маҳаллий ҳаво ҳужумига қарши мудофаа группасида ўқиётганлар сони республика аҳолисининг 47 фоизини ташкил этди.

Самарқанд вилоятида ҳам қисқа вақт ичида 2005 та ўзини ўзи қимоя қилиш гуруҳлари ташкил этилди ва 19270 инструктор тайёрланди.

1941 йилнинг охирларида 516504 киши, 1942 йилнинг февраль ойига келиб 58961 киши ҳарбий тайёргарликка тортилди ва улар бу соҳада яхши таълим олди.²

¹ Хотира. Самарқанд вилояти. Биринчи китоб. Т.: "Ибн Сино", 1994. – Б. 6.

² Пулатов У. Улуг Ватан уруши ғалабасига Ўзбекистон меҳнаткашларининг қўшган хиссалари. Т. "Ўзбекистон", 1967. – Б.48.

Самарқанд шаҳри аҳолисидан урушнинг биринчи йили давомида 10 минг, 1942 йил сентябрь ойдан то йил охиригача 27 минг киши ҳарбий маълумотга эга бўлди. Шаҳардаги Сиёб туманида халқ лашкарлари отрядларига ёзилиш бошланган дастлабки кунёқ бу отрядлар таркибига 3976 киши жангчи бўлиб кирди. Кўн ва 4-вино заводларидаги “Ударник” артелидаги, “Утилпромкомбинат”даги отрядлар машғулотларни уюшқоқлик билан бошладилар. Улар ҳарбий низомни ўргандилар, сафда юриш ва отишни машқ қилдилар, тактика машғулотларида қатнашдилар.

1941 йилнинг 20 июлига қадар шаҳарда халқ лашкарлари отрядларида 19579 кишидан иборат 73 та отряд тузилди.¹ Қисқача қилиб айтганда, Самарқанддаги маҳаллий бошқарув ташкилотлари, корхоналар ва ҳарбий комиссарлик бўлимлари армияга жанговар захиралар тайёрлашда ва аҳолини ҳарбий ишга ўргатишга катта ҳисса қўшдилар.



*Самарқанддаги умумшаҳар антифашистик митингида.
Чапда: ёзувчи С.Айний минбарда. А.Кузьменко тасвирга олган.*

¹ Самарқанд тарихи. Икки томлик. Т-2. Масъул муаррир И.М.Мўминов Т: Фан, 1970, Б.205.



Мамлакатнинг корхона ва колхозларида армиянинг жанговар резервларига тайёргарлик ишлари кетяпти. Сурагда: Самарқанд районидаги собиқ “Октябрь” колхозида жанговар машгулот пайти.



Каттақўрғон ёғ-мой заводи ишчилари винтовканинг моддий қисмларини ўрганяптилар. Машгулотни ўқчилар иши инструктори У.Юнусов олиб бормоқда.

1.2 Самарқандликларнинг фронтдаги жангчиларга ва кўчириб келтирилган аҳолига ёрдами

Иккинчи жаҳон уруши даврида ўзбек халқининг инсонийлик, олийжаноблик, болажонлик фазилатлари уруш кетаётган қудудлардан ва фронтга яқин жойлардан кўчириб келтирилган аҳолига, болаларга кўрсатган очиққўнгиллиги, ҳамдардлиги ва ғамхўрлигида ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети хузурида 1941 йил 10 июлида махсус комиссия тузилди ва маҳаллий советларнинг ижроия қўмиталари қошида тузилган алоҳида

бўлимлар кишиларни ҳисобга олиш ва жойлаштириш билан шуғулландилар. 1941 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Халқ Комиссарлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг республикамизга оммавий равишда кўплаб аҳоли ва болаларни кўчириб келтирилиши муносабати билан “Фронтга яқин жойлардан кўчириб келтирилган болаларни жойлаштириш ҳақида”ги қарори қабул қилинди. Бу қарор муносабати билан Тошкент шаҳридаги марказий темир йўл вокзали қошида “Болаларни эвакуация қилиш марказий пункти” ташкил этилди. Бу пунктнинг Самарқанд темир йўли қошида ҳам эвакуопункт бўлими вужудга келди. Бу эвакуопунктда бир кеча-кундузда минглаб кишилар қабул қилиб олинди.

Кўчириб келтирилган болаларни қабул қилиб олиш, уларни болалар уйларига, коллективларга жойлаштириш, яқка тартибда тарбияга олиш, ўқитиш, ишлаб чиқаришга юбориш, адашиб юрган балоғатга етмаган, қаровсиз қолган болаларни топиб рўйхатга олиш, уларни режали жойлаштириш каби масъулиятли ишларни бажаришда эвакуопункт ходимлари тинимсиз ишлади.

Қисқа вақт давомида Россия, Украина, Белоруссия, Молдавия, Болтиқбўйи республикаларидан кўчириб келтирилган бир миллиондан кўпроқ кишилар ва 200 мингдан зиёд етим болаларни Ўзбекистон халқи ўз бағрига олар экан, шундан 165 минг киши Самарқанд вилоятига жойлаштирилди.

Вилоят меҳнаткашлари кўчириб келтирилган аҳолини бағрикенглик билан қабул қилиб олди. Уларни бошпана ва иш билан таъминлади. Халқ ўз нони, кийим-кечаги, турар жойини кўчиб келганлар билан баҳам кўрди. Кўчириб келтирилганларга Самарқанднинг ўзида олти квартиралар тўртта уй, яхши иситилган олти барак (кўп киши яшайдиган бино-А.Б) қуриб берилди, студентларнинг ётоқхоналари ва бўш квартиралар ажратиб берилди.¹

¹ Самарқанд тарихи. Икки томлик. 2-том. Т.: Масъул муҳаррир И.М. Мўминов “Фан”, 1970 Б.235.

1941 йилнинг октябрь-декабрь ойларида шаҳарга кўчириб келтириляётганлар, айниқса кўпайиб кетди. Кўчиб келганларнинг кўпчилиги қисми Самарқанд шаҳрининг ўзида ўрнашиб қолди. Бу жараён шаҳарда аҳолининг зичлашувига олиб келди, ювенил жойлари, дезинфекция қиладиган камералар етишмаслиги шаҳарда юқумли касалликлар пайдо бўлиш хавфини туғдирди. 1942 йилнинг январиди бу масала шаҳар партия активи йиғилишида муҳокама қилинди ва чора-тадбирлар белгиланди.

1942 йилнинг январь ойида Тошкент шаҳрида жамоатчи хотин-қизларнинг йиғилиши бўлиб ўтади. Йиғилиш қатнашчилари республикамиздаги барча аёлларга қарата муурожаатини қабул қилади. Муурожаатда етим болаларни ўз тарбиясига олишга даъват этилади.

Бу муурожаат ва Ўзбекистон Халқ Комиссарлар Советининг 1942 йил февраль ойида қабул қилган “Фронт ёқасидан кўчириб келтирилган болаларни жойлаштириш тўғрисида”ги қарори республиканинг ҳамма жойида: шаҳар ва қишлоқларда, корхона ва муассасаларда, кўча ва маҳаллаларда кенг ва ҳар томонлама муҳокама қилинди ҳамда ҳамжихатлик билан маъқулланди. Муурожаатда етим болаларни ўз тарбиясига олишга даъват этилар экан, кўплаб оилалар боқувчисиз қолган болаларни ўзларига фарзандликка олдилар, топган-тутганларини улар билан баҳам кўрдилар.

Самарқанд вилоят меҳнаткашлари бу муурожаатга жавобан кизгин иш бошлаб юбордилар. Кўпгина оилалар кўчириб келтирилган ота-онасидан, боқувчисидан ажралган, вақтинча ёки доимий етим бўлиб қолган болаларни ота-оналик меҳри билан қабул қилиб олдилар.

Вилоятдаги собиқ Ф.Энгельс номли колхоз раиси Фотима Қосимова уйида олти фарзанди бўлгани ҳолда фронт ёқасидан кўчириб келтирилган, вақтинча ёки доимий боқувчисидан

ажралган 10 та болани фарзандликка олди.¹ Самарқандлик Ниёз Фузайлов фронтдан оғир ярадор бўлиб қайтгандан кейин, турмуш ўртоғи билан бирга ўқитувчилик қилиб, фарзандлари қатори етти нафар етим болани ҳам тарбиялашди. Вилоятнинг Каттакўрғон шаҳридан бўлган уруш ногирони Абдуҳамид Самадовнинг инсонпарварлиги ва байналминаллиги бутун дунёга овоза бўлди. У урушдан ногирон бўлиб қайтгач, урушнинг охирлари ва уруш тамом бўлгандан кейинги йилларда ўзи ҳали бўйдоқ бўлишига қарамай, болаларнинг кимлиги – тили, ирки ва миллатидан қатъи назар 16 болани олиб тарбиялайди.²

Самарқанд пахта тозалаш заводининг мастери Нуриллаев, шу завод жун машиналари цехининг бошлиғи Прокопович, шоира Раъно Узоқова, Пахтакор туманидаги Қарнаб қишлоқ Советининг раиси Аҳмедов, муаллимлардан Нурманов, Наврўзов ва бошқа кўпгина кишилар кўчириб келтирилган болаларни ўз оилалари тарбиясига олдилар.

Кўчириб келтирилган, ота-онасидан ажраб қолган болаларни жойлаштириш учун вилоят ижроия қўмитаси ва партия комитети қарорига кўра Самарқанднинг қишлоқ туманлари Жомбой, Булунгур, Фориш, Нарпай, Паст Дарғом ва вилоятнинг бошқа туманларида 8 та болалар уйи ташкил этилиб, улар 4270 болани тарбиялашни ўз зиммаларига олдилар. Самарқанд шаҳридаги 11 та болалар уйига кўшимча равишда 660 бола жойлаштирилди.³

1942 йилнинг бошларига келиб Самарқанд шаҳридаги мавжуд 10 та болалар уйида 1512 бола тарбияланди, улардан 590 нафари фронт ёқасидан кўчириб келтирилган болалар эди. Болалар уйида тарбияланувчилар ой сайин кўпайиб, 1943 йил ёз ойларида 1810 кишига етди. Бундан ташқари, Самарқанд шаҳрида поляк

¹ Самарқанд тарихи. Икки томлик. 2-том. Масъул муҳаррир И.М. Мўминов. Т.: “Фан”, 1970. Б.238.

² Турдиев С. Улуг Ватан уруши йилларида Ўзбекистон меҳнаткашларининг кўчириб келтирилган болаларга ғамхўрлиги Т.: “Фан”, 1987. – Б.27.

³ Самарқанд тарихи. Икки томлик. 2-том. Масъул муҳаррир И.М. Мўминов. Т.: “Фан”, 1970. Б.238.

болалари учун болалар уйлари очилди. Москвадан кўчириб келтирилган 120 испан ёшлари учун интернат ишга туширилди.¹

Самарқанд пахта тозалаш заводи жамоаси 16 гўдак учун уй-жой ва ҳамма зарур имкониятларни яратдилар. Самарқанд районидаги мева-консерва заводи жамоаси, Калинин номи қолхоз ва бошқа юзлаб хўжаликлар, идоралар республикамизга келтирилган болаларни тарбиялаш учун болалар муассасаларини ташкил этдилар. Вилоят меҳнаткашлари махсус ташкил этилган болалар уйларига 1100 болани жойлаштирдилар, улар учун ажратилган хоналар керакли нарсалар билан жиҳозланди. Тарбияланувчилар озиқ-овқат, кийим-кечак, кўрпа-ёстиқ, уйинчоқ кабилар билан таъминланиб турилди.

Самарқанд вилояти меҳнаткашларининг инсонийлик фазилатларидан бири шу бўлдики, фронтга яқин туманлардан кўчириб келтирилган 165 минг кишини жойлаштирдилар ва уларга меҳрибонликлар кўрсатдилар. Фақат 1942 йилнинг 20 февралига қадар кўчириб келтирилганлардан 8 минг киши боғишамол туманига жойлаштирилди. Темирйўл туманига немислар босиб олган ҳудудлардан 1663 оила кўчиртириб келинди. Самарқандликлар ота-онасиз қолган 20 мингдан зиёд болани ўз бағрига олдилар.²

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Самарқанд вилояти болаларни қабул қилиб олиш пунктларига 1131 назоратсиз, 1048 даровонсиз қолган ва 83 адашиб юрган, жами 2262 бола топширилди.³

Уруш йилларида Самарқанд вилоятига фронтга яқин ҳудудлар ва уруш кетаётган жойларга эмас, балки урушга тортилган, фашистлар Германияси томонидан босиб олинган давлатлардан келинган болалар ва аҳоли кўчириб келинди. Уларга халқимиз меҳр ва

¹ Тураниев С. Улуу Ватан уруши йилларида Ўзбекистон меҳнаткашларининг кўчириб келтирилган болаларга ғамхўрлиги Т.: "Фан", 1987. – Б.33.

² Азизов, И. Иброҳимов Самарқанд – фронтга. Самарқанд. Сўғдиёна, 1994. – Б.34.

³ Тураниев С. И. Патриотические подвиги трудящихся Самаркандской области в годы Великой Отечественной войны. Самарқанд, 1962. – С.13.

инсонийлик ёрдамини кўрсатди. Кўчириб келтирилганларга ўз уйларидан жой берди, махсус болалар уйлари ташкил қилинди ва интернатларга жойлаштирилди.

Самарқанд вилоятида ташкил этилган болалар уйига поляк болалари жойлаштирилди. Кейинчалик вилоятнинг Нарпай туманида поляк болалари учун яна учта болалар уйи ташкил этилди. Болалар уйини керакли нарсалар билан таъминлаш мақсадида махсус фонд ташкил этилди. Бундан ташқари болалар уйларига оталикдаги хўжалик ёки ташкилотларнинг ёрдами кучайтирилди.

Самарқанд вилоят халқ депутатлари ижроия кўмитасининг 1942 йил 12 майдаги қарори билан Нарпай туманидаги поляк болалар уйининг ёрдамчи хўжалиги учун 500 кг ва Самарқанд шаҳридаги поляк болалар уйининг ёрдамчи хўжалиги учун 500 кг картошка уруғи ажратилди.¹

Самарқанд давлат университети профессори, тарих фанлари доктори Шодмонкул Пиримкулов “Поляк фуқаролари Самарқандда (1941-1946 й.й.)” номли монографиясида поляк фуқароларининг Самарқанд вилоятига кўчиртириб келиниши, жойлаштирилиши ва иш билан таъминланиши, поляк болаларини ўқитиш, уларни тарбиялашни қуйидагича таърифлайди:

“1941 йил 1 октябрдан СССР Ички Ишлар халқ комиссарлиги кўрсатмасига мувофиқ, Ўзбекистон ҳудудига дастлаб 100 минг поляк фуқароларини жойлаштириш кўзда тутилган эди. Шундан 25 000 киши Самарқанд вилояти ҳудудига келиши керак эди.

1941 йилнинг 3 октябрида Самарқанд вилояти ижроия кўмитаси “мутлақо махфий” грифи билан “Вилоят туманларида 25 000 кўчириб келтирилган поляк фуқароларини жойлаштириш ҳақида “№ 30-қарорини қабул қилди. Бу қарорнинг биринчи бандига биноан, вилоят туманларига поляк фуқароларини жойлаштиришнинг қуйидаги тартиби белгиланди:

¹ Самарқанд вилояти давлат архиви (Самарқанд ВДА), 74-фонд, 1-рўйхат, 4407-нш, 330-варак.

Паст Дарғом туманига 3000 киши, Жиззахга – 2500, Қорадарё, Пахтакор, Пайарик, Жомбой ва Булунгур туманларининг ҳар бирига – 2000 кишидан, Нарпай, Окдарё, Зомин, Ғаллаорол ва Митан туманларини ҳар бирига – 1500 кишидан, Каттақўрғон ва Хатирчи туманларига 1000 кишидан жойлаштириши режалаштирилди”.

Ш. Пиримкулов маълумотларига кўра, 1944 йилнинг охири ва 1945 йилнинг бошларида вилоят ҳудудида поляк фуқароларининг сони 13500-13700 киши бўлиб, улар вилоят туманларида қуйидагича жойлашган, яъни Каттақўрғон туманида – 1475 киши, Нарпайда – 920 киши, Паст Дарғомда – 845, Жиззахда – 685, Булунгурда – 560, Пахтакорда – 55, Ғаллаоролда – 430, Хатирчида – 370, Зоминда – 280, Пайарикда – 250, Жомбойда – 164, Қорадарёда – 130, Окдарёда – 120, Комсомол (ҳозирги Гайлок)да – 75, Ургутда – 75, Форишда – 14, Нурота туманида эса 12 киши, шаҳардаги Сиёб туманида – 3658 киши, Темирийўл туманида – 786, Боғишамол туманида эса 537 кишини ташкил этган.¹

Кўчиртириб келган поляк фуқаролари вилоят ҳудудидаги бирик корхона, завод, фабрика, қурилиш объектлари, жамоа ва давлат хўжаликларида фаолият кўрсатган. Уларни Самарқанд шаҳридаги ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар ишчилари орасида Зомин ғаллакорларию, Нарпай пахтакорлари ўртасида, Лангар кончилари ёнида хуллас, саноат ва халқ хўжалигининг фронт учун хизмат қилаётган барча жабҳаларида кўриш мумкин эди. Уруш йилларида Булунгур ва Нарпайга кўчириб келтирилган ва ишлаб чиқариш йўлга қўйилган қанд заводларига 200 га яқин поляк мутахассислари ишга жалб қилинган эди.¹

Вилоят ҳудудидаги поляк фуқароларининг бир қисмини уларда бўлган мутахассислик соҳаси бўйича иш билан

¹ Пиримкулов Ш. Поляк фуқаролари Самарқандда (1941-1946 й.й.). Самарқанд “Зарафшон”, 1999 - й. 19-20.

таъминланишига эришилган. Мисол учун, 1945 йилга келиб вилоятда 54 мухандис, 298 бухгалтер, 114 ўқитувчи, 183 шофёр, 40 нафар типография ходими ва 14 ҳуқуқшунос ўз мутахассисликлари бўйича ишлаганлар. Поляк фуқароларининг бир қисми вилоятдаги ҳарбий саноат корхоналарига ишга жойлаштирилган, жумладан, фронт эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган “Кинап” ва “Красный двигатель” (ҳозирги “Алпомиш”) заводларида улардан 51 киши меҳнат қилган. Вилоят ҳудудидаги Қўйтош кони курилишига поляк фуқароларидан 40 киши, Лангар кони курилишига 50 киши ва Ингичка конига 40 киши ишлаш учун сафарбар қилинган.³

Польша фуқаролари орасида ўз касбининг моҳир усталари бўлган хунармандлар кўпчиликти ташкил этган. Самарқанд вилоятида уларнинг сони 550 дан кўп бўлганлиги, аксарият ҳолларда, польшалик хунармандларга ўзларининг артелларини тузиш имконияти берилган. Вилоят ҳудудидаги артелларда “Ватан”, “Киров” (Самарқанд шаҳрида) “Меҳнат” (Паст Дарғом туманида), “Труд” артелида (Жиззах шаҳрида) 150 дан ортиқ польшалик хунармандлар ўз маҳоратларини намоён қилди.⁴

Умуман олганда, 1945 йилга келиб вилоятдаги 13 мингга яқин польшалик фуқаролардан 4907 киши саноат, қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик, медицина соҳаси, турли таълим тизимлари ва бошқа соҳаларда фойдали меҳнат билан банд бўлганлар.⁵

Самарқанд вилоятида поляк болалари муассасалари 1942 йил бошидан Польша элчихонасининг Ўзбекистондаги ходимлари томонидан ташкил этишга киришилди. Шу йилнинг ўрталарига қадар вилоятнинг Каттакўрғон, Жиззах, Паст Дарғом, Нарпай, Ғаллаорол, Пайариқ, Пахтакор туманларида ва Самарқанд

¹ Самарқанд вилоят давлат архиви, 10 й.ж, 88-варак.

² Самарқанд ВДА, 78-фонд, 12-рўйхат, 68-йиғма жилд, 88-варак.

³ Ўша жойда.

⁴ Самарқанд ВДА, 74-фонд, 12-рўйхат, 68-йиғма жилд, 88-варак.

⁵ Пиримкулов Ш. Поляк фуқаролари Самарқандда (1941-1946 й.й.). Самарқанд “Зарафшон” 1999. – Б. 38.

шаҳрида болалар уйлари фаолият кўрсата бошлайди. Бу болалар уйларида 265 нафар бола бошпана топган эди.¹

1943 йилнинг июль ойида РСФСР Маориф Халқ Комиссарлиги қошида СССРдаги поляк болалари комитети (Комполдет) тузилди. Комполдет ёрдамида поляк болалари кишлоқ жойлардан, район марказларидан шаҳар марказларига, махсус ажратилган жойларга тўпланди. Поляк болалари уйларининг бутун контингенти рўйхатга олиниб, барча болалар тиббий кўриқдан ўтказилди ва 17-18 ёшли 32 нафар бола турли хўжалик ишларига жалб этилди.²

1943 йилнинг август ойидаги маълумотига кўра, Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлигининг Самарқанд вилояти ҳудудида 802 нафар поляк болаларига бошпана берган 9 та болалар уйлари бўлган. Булар Булунғур (56), Паст Дарғом (102), Зирабулоқ (116), Каттақўрғон (100), Красноармейск (ҳозирги Булунғур шаҳарчаси) (100), Пахтакор (37), Пайариқ (65), Нарпай (116) ва Самарқанд шаҳрида (110) жойлашган эди.³

Архив маълумотларига кўра, 1943 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Комполдет кўрсатмаси асосида Самарқанд вилояти ҳудудидаги поляк болалари муассасаларида ҳам ўзгаришлар бўлганлиги кўрсатилади. Маълумотларда келтирилишича, шу даврда Каттақўрғондаги болалар уйи билан Пайариқдаги болалар уйи бирлаштирилган. Ғаллаорол, Паст Дарғом ва Жиззах болалар уйлари тугатилиб, уларнинг тарбияланувчилари Самарқанд шаҳридаги 12-болалар уйига жойлаштирилган.

Манбаларда кўрсатилишича, вилоят ҳудудидаги болалар уйларида 1943 йилнинг 1 июнида 643 нафар, 1944 йил октябрь ойида 696 та ва 1946 йил январь ойига келиб 524 нафар поляк болалари бошпана топганлар.⁴

¹ Ушн жойда, Б. 83.

² Турдиев С. Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон меҳнаткашларининг кўчириб кўчирилган болаларга ғамхўрлиги Т.: "Фан", 1987. – Б.41-42

³ Пиримкулов Ш. Поляк фуқаролари Самарқандда (1941-1946 й.й.). Самарқанд "Зарафшон", 1999. – Б. 88.

⁴ Ушн асар, Б. 90.

Уруш йиллари самарқандликлар кўчириб келтирилган, вақтинча ёки доимий боқувчисидан ажралган болалардан ҳеч нарсасини – турар жойи, озиқ-овқат, кийим-кечагини ҳам, беминнат хизматини, илиқ муносабатини, самимийлиги ва гамхўрлигини, бағрикенглигини, инсоний меҳрибонлигини аямади.

1943 йилда Самарқанд вилояти меҳнаткашлари болаларга ёрдам фондига 8,6 тонна сабзавот, 2,5 центнер қуруқ мева, 200 килограмм шоли, 450 килограмм картошка, 2083 сўм пул, Самарқанд шаҳридаги Й.Охунбобоев номли кўн заводи ишчи ва хизматчилари 23-сон мактаб ўқувчилари учун ишлаб чиқариш чикитларидан 200 жуфт иссиқ жунли пойабзал тикиб топширдилар.¹

Уруш йилларида поляк болаларини ўқитишга ҳам алоҳида эътибор берилди. Комполдет ва Поляк ватанпарварлари уюшмаси 1943 йилнинг 1 октябрига қадар 180 та ўқувчи ва 30 та ўқитувчини рўйхатга олди. Рўйхатга олиш натижасида, Самарқанд вилоятидаги 13 минг поляк фуқароларидан 1817 нафари 16 ёшгача бўлган болалар эди.²

Ўз фаолиятини 1943 йилнинг 1 октябрь куни 180 нафар ўқувчи билан бошлаган Самарқанд шаҳридаги Меҳнат кўчаси 24-уйда бошлаган 2-поляк ўрта мактаби кейинчалик барча мактабларга таянч марказ бўлиб қолди. Бу мактаб ўқувчилар сони жиҳатидан собиқ иттифоқ (СССР)даги энг катта поляк ўрта мактабларидан ҳисобланиб, унда 1943 йил декабрь ойи бошига келганда 220 нафар, 1945 йилга келиб 339 ўқувчи ўқиган.³ Шу йили вилоятнинг Каттақўрғон, Жиззах шаҳарларида, Пахтакор, Мирбозор, Булунғур ва Паст Дарғом ҳудудларида ҳам қатор поляк мактаблари ташкил топди.

¹ Самарқанд тарихи. Икки томлик. 2-том. Т.: “Фан”, 1970. – Б.237.

² Пиримқулов Ш. Поляк фуқаролари Самарқандда (1941-1946 й.й.). Самарқанд “Зарафшон”, 1999. – Б.107.

³ Ўша асар, Б. 107.

Архив маълумотларида келтирилишича, Самарқанд вилояти ҳудудидаги поляк мактабларидаги 66 синфда 1184 нафар поляк болалари таълим-тарбия олишган.

Бу даврда вилоятдаги поляк мактабларини озиқ-овқат билан таъминлаш борасида ҳам бирмунча ишлар амалга оширилган. Маҳаллий ҳокимият ва Польша ватанпарварлари уюшмаси томонидан ўқувчилар сезиларли моддий ёрдам олганлар. 1943 йилнинг иккинчи ярмида Упрособторг юкхонасидан Жиззахдаги поляк мактабига 137 килограмм, Паст Дарғомдаги поляк мактабига 242 килограмм, Самарқанддаги № 2 поляк мактабига эса 694 килограмм озиқ-овқат маҳсулотлари, 250 та бош кийими, 5 та халат, 13 метр газлама берилган.¹

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, собиқ иттифоқ (СССР)нинг бошқа ҳудудларидан фарқли томони шундаки, Самарқанд вилояти ҳудудида уруш давридаги қийинчиликларга қарамасдан, мактаб ёшидаги поляк болаларининг деярли 95 фоизи таълим тизими билан қамраб олинган эди. Бу мактаблар фаолиятини узлуксиз давом эттириш мақсадида республика, вилоят ва шаҳар маорифи тизимлари, маҳаллий ҳокимият вакиллари томонидан ўша давр миқёсидаги жуда катта моддий ёрдам кўрсатилганидир. Вилоят ҳудудида фаолият кўрсатган поляк мактаблари яхши биноларга жойлаштирилди, улардаги ўқув ва тарбиявий ишлар маориф бўлимлари томонидан назорат қилиб турилди. Мактабларга оталиқ ташкилотлар ва хўжалик раҳбарлари томонидан моддий ёрдам кўрсатилиши, маҳаллий ҳокимиятлар ва вилоят маориф бўлими томонидан назорат остига олинганлиги ва уларнинг ёрдами билангина фаолият кўрсатиб турганидан далолат беради.

Маҳаллий ҳокимият ва хўжалик ташкилотлари кўчириб келтирилган болалар соғлиғини сақлашга ҳам алоҳида эътибор қаратган. Уруш даври қийинчиликларига қарамай, болалар

¹ Пиримкулов Ш. Поляк фуқаролари Самарқандда (1941-1946 й.й.). Самарқанд "Зарафшон", 1999. - Б. 121.

соғлиғи учун режали тарзда катта маблағ ажратиб турилди. Бу эса ҳар йили 10 минглаб болаларни соғломлаштириш майдонларида, санатория ва лагерларда, болалар уйларининг ёзги дам олиш жойларида соғликларини мустаҳкамлаб олиш имконини берди.

Самарқанд вилоятида болаларни соғломлаштириш компанияси даврида бир неча минг ўғил-қиз ўз соғлигини мустаҳкамлаб олди. 1943 йилда вилоятда 10570 бола, 1944 йилда 15 минг ва 1945 йилда эса 16345 бола соғломлаштириш компаниясига тортилди ва улар соғлиғи яхшиланди.¹

Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт ёқасидан кўчириб келтирилган, вақтинча ёки доимий ота-онасидан, боқувчисидан ажралган болаларнинг бир қисми Ўзбекистонда, жумладан Самарқанд вилоятида бошпана топди, тарбияланди, вояга етди.

Уруш йилларида, уруш тугагандан сўнг, болаларнинг катта қисми ота-онаси, қариндош-уруғлари бағрига қайтарилди, ишга ўқишга юборилди. Болалар кимлигидан, тили, ирки ва миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон халқи оиласида тарбияланди ва жамиятнинг фаол қурувчилари бўлиб етишдилар.

Урушнинг даҳшатли кунларида Мудофаа фонди тузиш танклар ва самолётлар қуришга, қурол-яроғ ва ҳарбий анжомлар сотиб олиш учун пул ва қимматбаҳо буюмлар тўплаш, армияга иссиқ кийим ва совғалар тўплаш ҳаракатини Самарқанд вилояти аҳолиси кенг авж олдириб юборди. Урушнинг биринчи ойларидаёқ вилоят меҳнаткашлари, асосан ёшлар “Ўзбекистон комсомоли” номли танклар колоннаси қуриш учун 1 миллион сўмга яқин пул тўплашади.

Самарқанд шаҳридаги “Хужум” фабрикаси ишчилари мудофаа фондини ташкил этишга бағишланган митингда “Уруш тамом бўлгунча ҳар ойда мудофаа фондига бир кунлик иш ҳақини бериб турамиз”, - деган қарорга келишди. Бу ташаббуси

¹ Ефимов В. И. Патриотические подвиги трудящихся Самаркандской области в годы Великой Отечественной войны. Самарканд, 1962. – С.152.

вилоятдаги барча завод, фабрика, корхона ва муассасаларнинг ҳамда жамоа хўжалиklarининг ишчи-хизматчилари мудофаа фондига 1941 йил август ойининг 10 куни ичидагина 5500 сўм нақд пул тўплаб бердилар. Қишлоқ хўжалик институтининг ходимлари 30 минг сўмлик облигацияларини мудофаа фондига топширдилар. Ўзбекистон Давлат университетининг ўқитувчи, ишчи ва хизматчилари ҳам шу фондга ўз қўлларидаги давлат заёмлари облигацияларини топширишга ва ҳар ойда бир кунлик иш ҳақларини бериб туришга қарор қилдилар.¹

Танк колоннаси ва самолётлар қуруш учун вилоятда маблаг тўплаш учун ҳаракат авж олиши натижасида Комсомол тумани меҳнаткашлари (ҳозирги Тайлоқ) 4431000 сўм, Ғаллаорол тумани 3519000 сўм, Каттақўрғон тумани 2757000 сўм, Пайарик туманида 2544000 сўм тўпланиб, вилоят бўйича 1942 йилнинг 21 декабригача 40104000 сўм маблаг давлат банкларининг бўлимларига топширилди.²

Фронтга ёрдам кўрсатишдек ватанпарварлик ҳаракатида аҳолининг ҳамма табақалари қатнашди. Ҳар киши қурби етганича халқ ишига ўз улушини қўшишга ҳаракат қилди.

Ҳатто болалар ҳам фронтга, ёрдам фондига ўз хиссаларини қўшишди. Улар темир-терсак йиғишди. Дарсдан бўш вақтларида колхоз далаларида, фермаларда ишлашди, меҳнат қилиб топган пулларини эса умумдавлат фондига топширди. Самарқанд вилоятининг мактаб ўқувчилари уруш йиллари ўзлари ишлаб топган 284 минг сўмни мамлакат мудофаа фондига топширишди.³

Уруш йилларида Ўзбекистонда ҳарбий техника, асосан танк колонналари ва ҳарбий самолёт эскадрилиялари ташкил этишга маблаг тўплаш ҳаракати кенг қулоч отди. Республика меҳнаткашларининг бутун куч-қудрати билан фронтга ёрдам

¹ Самарқанд тарихи. Икки томлик. 2-том. Масъул муҳаррир И.М. Мўминов. Т.: "Фан", 1970. – б. 339

² 40104000 сўм тўпланди. "Ленин йўли" // 1942 йил 22 декабрь № 297 (3221)

³ Иноятов Х. Ғалабага қўшилган хисса. Т., Фан, 1975. – Б.26.

бериш истаклари шу қадар баланд эдики, масалан танк колоннаси ва “�збекистон колхозчиси” ҳарбий самолётлар эскадрилияси барпо этиш учун республика колхозлари 1942 йил декабрининг 6 кунда ўз шахсий жамғармаларидан 260 миллион сўм йиғишди. Ўзбекистон ССР Ер ишлари халқ комиссарлиги маълумотларига кўра, 1943 йил 1 январигача Давлат банки бўлимларига танк колоннаси ва “Ўзбекистон колхозчиси” авиа эскадрилияси куриш фондига 292566 минг сўм тушган. Шундан Самарқанд областига 41402 сўм тўғри келган.¹

Ўзбекистон халқи танк ва самолётлар куриш учун мудофаа фондига 1943 йилнинг 1 апрелигача 368935000 сўм пул тўплаб, Давлат банкига топширди. Шу жумладан, Самарқанд вилояти меҳнаткашлари 51815000 сўм пул тўплаб топширди.²

Иттифоқ ҳукуматининг қарорига мувофиқ 1942 йилнинг 25 июлидан бошлаб 2-пул-буюм лотереяси ўйини ўтказилади. Лотерея билетларини тарқатишдан келадиган маблағлар армия учун қурол-яроғ, ўқ-дори ва анжомлар сотиб олишга сарф қилиниши мақсад қилиб қўйилади.

Вилоят меҳнаткашлари, ишчи-хизматчи ва қишлоқ хўжалик ходимлари ва интеллигенцияси мудофаа қувватини оширувчи иккинчи пул-буюм лотереясига уюшқоқлик билан ёзилдилар. 1942 йилнинг 28 июлига қадар вилоятдаги ишчи-хизматчилар 10833000 сўмга ёзилади ва 7619000 сўмини нақд тўлайдилар.³

Самарқанд вилояти меҳнаткашлари 1942 йил Давлат ҳарбий заёмига 16 апрель кунигача 87575000 сўмлик ёзиладилар. Шу жумладан, колхозчилар 36911000 сўм, ишчи ва хизматчилар 33476000 сўм, колхоз ва қустар ҳунарманд, саноат артеллари 16690000 сўм, умумий ҳисобда, 17287000 сўм нақд пул тўланади. Самарқанд шаҳри бўйича заёмга ёзилиши 19526000 сўмга етди.⁴

¹ Ўша жойда, – Б.28.

² Ўзбекистон меҳнаткашлари танк ва аэропланлар куришга 368935000 сўм топширдилар// “Ленин йўли”. 1943 йил 10 апрель № 78 (3406)

³ Пул-буюм лотереясига ёзилишнинг бориши. “Ленин йўли”// 1942 йил 29 июль. № 179 (3200)

⁴ Самарқанд области заёмга ёзилишини тамом қилди. “Ленин йўли”// 1942 йил 17 апрель № 91 (3115).

1943 йил июнь ойида ўтказилган иккинчи Давлат ҳарбий заёмига Самарқанд вилояти меҳнаткашлари 12 июнга қадар 123358000 сўмга ёзиладилар. Ишчи хизматчилар янги заёмга 12383000 сўмлик, колхозчилар 72782000 сўмлик ёзиладилар. Колхозлар янги заёмга жамоат сармоялари ҳисобидан 17747000 сўмга ёзилади. Облигациялар учун 89349000 сўм нақд пул тўланади.¹

1945 йил май ойининг бошида миқдори 25 миллиард сўм бўлган 20 йиллик муддат билан тўртинчи Давлат ҳарбий заёми чиқарилади.

Самарқанд вилоят меҳнаткашлари 7 май кунигача 160228000 сўм миқдорига ёзилиб, 91126000 сўмини нақд тўлайдилар. Шундан вилоятнинг ишчи-хизматчилари 39755000 сўм миқдорига ёзилиб, 2739000 сўмига ёзилиш пайтида нақд тўлайдилар.

Колхозчилар 88183000 сўмга ёзиладилар ва 72303000 сўмини давлат омонат кассаларига нақд етказиб берадилар. Заёмга ёзилиш ва нақд пул тўлашда Қўшработ ва Ургут туманлари олдинда боради. Самарқанд шаҳар меҳнаткашлари шу муддатгача 23522000 сўм миқдорига янги заёмга ёзиладилар.²

Давлат ҳарбий заёмига ёзилиш учун бошланган оммавий ватанпарварлик ҳаракатида колхоз далаларида жасорат кўрсатиб меҳнат қилган хотин-қизлар ҳам ўрناق бўлишди. Масалан, Қўшработ туманидаги “Октябрь XIII йиллиги” қишлоқ пртелининг раиси Дўстова 10 минг, илғор колхозчи Сувонова эса 15 минг сўмлик заёмга ёзилди.³

Пайариқ туманига қарашли собиқ Карл Маркс колхозининг донгдор механизатори Ҳасанова заёмга ёзила туриб шундай деди: “Менинг ўғлим хозир фронтда душманга қарши бизнинг бахтимиз, озодлигимиз учун жанг қилмоқда. Бундай кунларда

¹ Заёмга ёзилишнинг бориши. “Ленин йўли”// 1943 йил 13 июнь. № 124 (3452)

² Тўртинчи Давлат ҳарбий заёмини чиқариш шартлари. “Ленин йўли”. 1945 йил 9 май. № 85 (3926)

³ “Ленинский путь”. 1 июля 1943 г.

жамғармани сақлаб туриш уят. Менинг жамғармам фронтга, душманни тезроқ енгішга ёрдам берсин”.¹ Ҳасанова 5 минг сўмлик нақд пулга заёмга ёзилди.

Уруш йиллари жангчиларга Ўзбекистон халқи, шу жумладан, Самарқанд вилояти меҳнаткашларининг меҳрибонлиги чексиз бўлди. Душман ҳамласини қайтариб, унинг аскарларини кириб, техникасини ер билан яқсон қилаётган жангчи ва командирлардан ҳеч нарсани аямади, уларга нисбатан муҳаббати ва ғамхўрлиги ошиб борди. Бу муҳаббат ва ғамхўрлигини халқимиз хилма-хил йўллар билан, ажойиб ватанпарварлик анъаналари билан кўрсатди. Бутун республика меҳнаткашлари билан бирга вилоятимизнинг ишчи-хизматчилари ва деҳқонлари, зиёлилари кўп миллионли мудофаа фондини ташкил қилишда фаол иштирок этдилар. Халқимизнинг жангчиларга бўлган меҳр-муҳаббати кўплаб иссиқ кийимлар бериш, совға-саломлар юбориш, жангчиларнинг оилаларига ҳамда уруш ногиронларига ёрдам ва ғамхўрлик қилиш билан ёрқин ифодаланди.

Жангчиларга иссиқ кийим тўплашда вилоятдаги биронта ташкилот ва корхона четда турмади. Самарқанд шаҳридаги лимонад цехининг ишчилари 1 жуфт иссиқ қўлқоп, 2 дона телпак, 10 жуфт иссиқ пайпоқ, 1 дона фуфайка (пахтали ва тугмали калта тўн – А.Б), 1 дона шарф; Ўзбекистон қишлоқ хўжалик институти ходимлари 3 дона пахталик нимча, 1 дона валенка (кигиз этик), 12 дона пахталик шим; Самарқанд консерва заводи ишчилари 12 дона пўстин, 5 дона кигиз этик, 6 дона пахталик шим, 2 дона фуфайка, 3 дона шинел; 4-сон вино заводи ишчилари 22 дона ёстиқ жилди, 115 дона пахталик адёл, 15 дона сочоқ, 3 дона матрас (тўшак), 2 дона мовут гимнастёрка; 1-сон вино заводи ишчилари 10 жуфт ботинка, 4 дона кигиз этик, 2 дона мовут гимнастёрка, 49 дона пахталик пиджак, 26 дона ёстиқ жилди, 3 дона калта пўстин, 4 дона пўстин, 2 дона шлем (темир қалпоқ, дубулға); 2-сон нон заводи ишчилари 4 дона калта пальто, 5 дона

¹ “Ленинский путь”. 5 июня 1943 г.

калта барра пўстин, 1 дона шим, 1 дона телогрейка (кишлик, иссиқ нимча), 21 жуфт кигиз шим, 2 дона мовут шим; Сиёб тумани шаҳар савдо бўлими ишчилари 43 дона свитер, 3 дона жемпер, 10 дона қишки шапка, 4 дона кўйлак, 2 дона иссиқ пайпок, 4 дона телогрейка; механизация техникумининг ишчи-ходимлари 72 дона матрас, 75 дона пахтали адёл, 83 дона пахмок адёл, 124 дона чойшаб, 81 дона ёстиқча, 29 дона ёстиқ жилди; 2-сон вино заводи ишчилари 58 та иссиқ адёл, 12 та иссиқ нимча, 11 та калта пўстин, 4 та пахталик шим; 1-сон нон заводи ишчилари 8 та пахталик фуфайка, 15 жуфт кигиз шим, 4 та шуба, 4 та пахталик шим;

66-сон пахта заводи ишчилари 90 та пахталик шим, 236 та пахталик куртка (калта камзул), 1 дона бушлат (матрослар курткаси), 4 та мовут шинел, 2 та пахтали костюм, 2 та калта пўстин, 6 та пўстин, 5 та мўйнали калта пўстин, 77 та калта пахтали пальто, 11 та пахталик халат, 11 та шим, 66 та брезент этик, 23 та ботинка, 40 та чарм ботинка, 13 та кирза этик каби буюмларни тўплашиб фронтдаги жангчиларга жўнатишди.¹

Вилоят меҳнаткашлари 1941-1942 йилнинг қишида фронтдаги жангчиларга 11000 жуфт пийма, 13000 калта пўстин, 15000 кулоқчин, 18000 кўлқоп ва 58000 та бошқа иссиқ кийимлар юбордилар. Шунингдек, 6 вагон гўшт, 12 вагон вино, 2 вагон гуруч, 30 вагон мева ва бошқа озиқ-овқатларни совға қилиб юбордилар.²

Янги - 1942 йилга атаб вилоят меҳнаткашлари фронтдагилар учун 6,75 тонна майиз, 22,3 тонна қурук мева, 5,9 тонна сабзавот, 5077 литр вино, 38 центнер кондитер маҳсулотлари, 1034 килограмм гуруч, 13 центнер мой ва 24 минг сўм нақд пул юбордилар.³

¹ Самарканд вилояти давлат архиви (Самарканд ВДА), 26-фонд, 1-рўйхат, 952-иш, 2-24-парақлар.

² Кахрамон жангчиларга кўплаб совғалар юборайлик! "Ленин йўли"// 1942 йил 22 сентябрь. № 23 (3247).

³ Самарканд тарихи. Икки томлик. 2-том. Масъул муҳаррир И.Мўминов. Т.: "Фан", 1970. - б. 239.

Қишлоқ хўжалигида Самарқанд туманидаги 28 та колхоз меҳнаткашлари жангчиларга иссиқ кийимлар олиш учун 169000 сўм тўпладилар. Бундан ташқари, мудофаа фонди учун 1,5 тонна шоли, 3 тонна майиз, 6,5 тонна пиёз, 14 тонна картошка, 8 тонна буғдой ва арпа, 5 тонна беда, 100 килограмм жун топширдилар.¹

Бу йилларда Самарқанд МТСнинг тракторчилар тайёрлаш курсини 50 нафар ўзбек хотин-қизлари битиради. Улардан Джураева, Қосимова, Камолова, Қодирова каби 9 нафар хотин-қиз курсни аъло баҳоларга тамомлайди.²

Паст Дарғом туманининг ишчи-хизматчилари ва колхозчилари ҳам жангчиларга кўплаб иссиқ кийимлар тўплашади. Марказий омборхонага 1500 дан ортиқ иссиқ буюмлар олиб келинган бўлиб, улардан 250 таси пахталик нимча ва 380 таси қўй териси ва чарм эди.

Туман соғлиқни сақлаш бўлими ходимаси Нигматуллина жангчилар учун энг яхши совға тайёрлади. У комиссияга яхши жун пайпоқ, битта сочиқ, бир комплект ички иссиқ кийим, пахмоқ аёл, кулоқчин, жунли қўлқоп, пахталик шим каби иссиқ буюмларни топширди.

“Қизил қўшин” артелининг раиси Абдиев жангчиларга янги калта пўстин совға қилади. Бу даврда фронтдаги жангчиларга иссиқ кийим-кечак тўплашда қариялар ҳам қараб турмади. Масалан, 80 ёшли колхозчи Ҳайдар бобо магазиндан иссиқ кийим сотиб олади ва фронтчиларга иссиқ буюм тўпловчи комиссияга олиб келиб топширади.

Ҳайдар бобо комиссияга костюмни топширар экан, шундай дейди: “Мен бу костюмни колхозда ишлаган меҳнат кунларим ҳақиға сотиб олдим. Буни тезда менинг номимдан фронтдаги жангчига жўнатинглар. Гарчанд шавкатли ўғилларимиз, озодлигимиз ва муқаддас заминимиз ҳимоячилари, уруш

¹ Инициатива, достойная подражания// “Ленинский путь”. 4 октябрь 1941 г. № 235 (887).

² Выпуск женщин трактористов// “Ленинский путь”. 5 октябрь 1941 г. № 236 (888).

қахрамонларининг оталари улар учун ташвиш қилаётганини билишсин”.¹

Ургут тумани молия бўлимининг ходимлари жангчиларга 7 дона иссиқ нимча, 9 та иссиқ телпак, 3 пахталик шим, 3 та қўлқоп совға қилдилар. Шу билан бирга 160 сўм нақд пул ҳам тўплади.²

Самарқанд тумани колхозчилари катта куч билан фронтчиларга иссиқ кийим тўплашга киришдилар. Колхозчилар томонидан 1363 дона эчки ва қўй териси, 126 та калта пўстин, 936 килограмм жун, 630 метр ип газлама, 277 та пахталик ва 127 пахмоқ адел, 216 та иссиқ қўйлак, 1669 та шапка-қулоқчин ва бошқа иссиқ буюмлар ҳамда 185 минг сўм тўпладилар.

Кўплаб колхозлар иссиқ буюмлар олиш учун пул тўплаб бердилар. Янгиработ қишлоқ советидаги Каганович колхози меҳнаткашлари 20 минг сўм тўплади:

Туман бўйича мудофаа фондига 5 тонна майиз, 15 тонна картошка, 1,5 тонна шоли, 6,5 тонна пиёз, 4 тонна арпа, бир неча тонна карам, сабзи, беда тўплашди.³

Самарқанд военторги коллективи озод қилинган Харьков шаҳри ва унинг меҳнаткашларига ёрдам тўплашни қизитиб юбориб, харьковликлар учун 100 та фуфайка, 100 жуфт пойабзал, 100 жуфт болалар пойабзали, 200 та жунли қўлқоп ва жун пайпоқ, 50 дона матрас, 150 та узун пайпоқ, 100 жуфт пайпоқ тўпладилар.

Военторг коллективи Харьков шаҳридаги ошхоналардан бирини асбоб-ускуналар билан тўла таъминлаш мажбуриятини олди. Бундан ташқари, ҳар ойда харьковликлар учун бир кунлик нин ҳақларини бериб туришга қарор қилишди. Шаҳардаги 6-ошхона коллективи 1500 сўм пул топширди.⁴

Андижон вилояти Жалолқудук тумани меҳнаткашларининг фронтдаги қахрамон жангчиларга кўплаб совға юбориш

¹ Подарок Хайдар-ата// “Ленинский путь”. 10 октябрь 1941 г. № 240 (892).

² Молия бўлими ходимларининг совғаси// “Ургут ҳақиқати”. 1941 йил октябрь ойи.

³ В колхозах Самаркандского района// “Ленинский путь”. 4 декабря 1941 г. № 287 (939).

⁴ Харьковликларга совға// “Ленинский путь”. 27 август 1943 г. № 177 (3505).

тўғрисидаги мурожаатига кўшилган Самарқанд тумани Даштакиболо қишлоқ советидаги собиқ “Большевик” колхози аъзолари жангчиларга 50 та жун қўлқоп, 2 та калта пўстин, 5 кулоқчин тайёрлаган бўлса, Каттақўғонариқ қишлоқ совети фуқаролари бир тонна турли курук мева, 15 килограмм жун, 6 та ёстиқ, 5 та фуфайка, қорақўл теридан қилинган 15 та телпак, 10 та пўстин ва бошқа кўплаб нарсалар жўнатдилар.

Митан тумани Барлос қишлоқ советидаги собиқ Калинин номли колхоз аъзолари 15 этик, 150 килограмм курук мева, кўп рўмолча, иссиқ пайпок ва қўлқопларни жангчиларга янги йил совғаси қилиб юбордилар Жомбой тумани, Жомбой қишлоқ советига қарашли “Дехқонобод” колхози аъзолари жангчиларни янги ғалабалар билан табриклар, 2500 сўмлик янги йил совғаларини юбордилар. Самарқанд тумани Хишрав қишлоқ советидаги “12 декабрь” колхози аъзолари жангчиларга 50 килограмм сариёғ, 300 литр вино ва бошқа курук мевалардан иборат бир қанча янги йил совғаларини жўнатдилар.¹

Республикамиз меҳнаткашлари жангчиларга чинакам ғамхўрлик қилдилар, Ўзбекистон халқи 1942 йилнинг 1 январига қадар армияга 9000 калта пўстин, 6400 мўйнали калта пўстин, 20 минг жуфтдан ортиқ пийма, 120 мингга яқин қўй териси, 155 минг килограмм жунни совға қилди. Мудофаа фондига 40 миллион нақд пул, 50 миллион сўмлик заём облигациялари, 22 килограмм олтин ва кумуш, 2700 центнер дон, 2400 центнер гўшт, 18 минг дона тери, 12 минг килограмм жун, 52 минг килограмм сабзавот маҳсулотлари топширди.¹

Қорадарё туманидаги Ёрбоши қишлоқ советидаги “Мусобақа” колхози аъзолари фронтдаги жангчилар учун уч бош қўй, 250 литр вино, Кичик Мўндиён қишлоқ советидаги Карл Маркс номли колхоз аъзолари 500 литр вино ва бошқа нарсалар тўпладилар. Толлизифир қишлоқ советидаги Каганович колхози

¹ Қизил армия жангчиларига янги йил совғалари// “Ленин йўли”. 1942 йил 1 январь. № 1 (3025).

аъзолари 100 килограмм ғалла, бир бош қўй, 15 килограмм майиз, 10 та тери топширдилар.

Туман бўйича 572,5 килограмм қуруқ мева, 791,5 килограмм узум, 20 килограмм қанд, 1,180 килограмм гўшт, 1365,5 килограмм ғалла ва бошқа кўп нарсалар тўпладилар. Бундан ташқари туман меҳнаткашлари 9875 сўм нақд пул топширдилар.

Собиқ Пахтакор туманидаги Султонобод қишлоқ советидаги Карл Маркс номли колхоз аъзолари мудофаа фондига 6000 сўм пул, 100 килограмм жун, 190 килограмм ғалла ва 4 қўй топширдилар. Шу қишлоқ советидаги Ворошилов номли колхоз аъзолари мудофаа фондига 4000 сўм пул, 800 килограмм жун ва 100 килограмм ғалла берадилар.²

Ўзбекистон халқи фронтдаги жангчиларга ғамхўрлик қилар экан, урушнинг бир йили ичида фронтга 1218978 дона турли хил несик кийим юборди. Ўзбекистон меҳнаткашлари мудофаа фондига 86 миллион сўм нақд пул, 50 миллион сўмлик олтинкумуш, платина ва бошқа қимматбаҳо буюмлар ҳамда 70,5 миллион сўмлик давлат заёми облигациялари топширдилар. Ҳаммаси бўлиб, мудофаа фондига аҳолининг меҳнат даромадларидан 200 миллион сўмга яқин пул топширилди. Бундан ташқари, республикамизнинг колхозлари мудофаа фондига 340 тонна ғалла, 2,184 центнер гўшт, кўп сабзавот ва мевалар, бир тонна мол ёғи, 119 центнер жун ва кўп миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топширдилар. Пахтакорлар мудофаа фондига 3286 тонна пахта, ипакчилар 19 тонна пилла ва 22 тонна жун ҳамда канопа толаси топширдилар.³ Самарқанд вилоят меҳнаткашлари жангчилар учун ҳар доим ғамхўрлик қилиб келди. Москва остонасидаги ғалабалардан руҳланиб, фронтдаги жангчилар учун маблағ ва сабзавот тўплашни яна ҳам

¹ Ўзбекистон фашизмни тор-мор келтиришга қандай ёрдам бераёттир// “Ленин йўли”. 1942 йил 3 январь. № 2 (3026).

² Жангчиларга совғалар// “Ленин йўли”. 1942 йил 25 октябрь. № 252 (3276).

³ Оқунбобоев Йўлдош. Улуғ Октябр ғалабаларини химоя қиламиз// “Ленин йўли”. 1942 йил 7 ноябр. № 263 (3287).

авж олдириб юборди. Самарқанд 2-спирт-ароқ заводи ишчи ва хизматчилари фронтга 3600 сўмлик посылка жўнатишди.

Шаҳар меҳнаткашлари Ғарбий фронтда жанг қилаётган ўзлари оталиққа олган генерал Сиязев дивизиясига “Ватаннинг қаҳрамон химоячилари учун” деб 25 вагон совгани фронтга жўнатдилар. Шу таркибда 10 вагон вино, 3 вагон гўшт, 5 вагон қуруқ мева, бир вагон гуруч ва 6 вагон бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари бор эди. Эшелонни “Колхозчи” заводининг новатори Завозин, шоир Воҳид Абдуллаев, Самарқанд туман комсомол (ёшлар ташкилоти-А.Б) кўмитаси котиби Бўронов, 6-мактаб ўқитувчиси Муҳаммедова, Самарқанд депосининг таниқли машинисти Негматов ва бошқалар олиб борди. Бу делегацияга Самарқанд шаҳар Темир йўл тумани ижроия кўмитасининг раиси Баҳриддинов бошчилик қилди.¹

Самарқанд тумани меҳнаткашлари Сталинград (ҳозирги Волгоград) шаҳрининг химоячиларига кўплаб совғалар тайёрладилар.

Хаймар қишлоқ советидаги собиқ “Коммунизм” колхози аъзолари 200 килограмм ёнғоқ, 100 килограмм картошка, 1000 та тухум, 25 килограмм гўшт ва 2 килограмм ёғ тўпладилар. Колхозчилар 1600 сўм нақд пул бердилар. Бригада бошлиғи Зайни Мансуров совға учун 200 сўм, бригада аъзолари 400 сўм ва 17 тери, 8 килограмм жун топширдилар. Каттакўрғонарик қишлоқ советидаги Пушкин номли колхоз аъзолари 200 килограмм бугдой, 150 килограмм олмақоқи, 1000 килограмм лавлағи, 200 килограмм картошка, 200 литр вино ва 100 килограмм пиёз бердилар. Шу қишлоқ советидаги собиқ Сталин номли колхоз аъзолари 500 килограмм лавлағи, 300 килограмм картошка, 500 килограмм пиёз, 500 килограмм қуруқ мева, 500 килограмм майиз топширдилар.²

¹ Самарқанд тарихи. Икки томлик. 2-том. Масъул муҳаррир И.Мўминов Т.: “Фан”, 1970.-Б. 240.

² Сталинград химоячиларига совғалар// “Ленин йўли”. 1942 йил 6 октябрь. № 235 (3259).

Булунғур тумани меҳнаткашлари жангчилар учун 70 бош қўй, 250 центнер гуруч бердилар. Каттакўрғон тумани меҳнаткашлари 1942 йилнинг октябрь ойининг биринчи ўн кунлигида жангчилар учун 8 та қўй, 4 бош эчки, 1 та хўкиз, 2100 килограмм буғдой, кўп майиз ва бошқа озиқ-овқатлар тўплади.

Самарқанд тумани Хишрав қишлоқ советидаги “Большевик” колхози аъзолари жалолкудукликларнинг мурожаати асосида жангчилар учун 100 килограмм буғдой, 200 литр вино, 500 килограмм пиёз ва шу каби мева-сабзавотлар тўпладилар.

“12 декабрь” колхози аъзолари оз вақт ичида 300 килограмм майиз, 200 килограмм гўшт, 200 килограмм буғдой, 10 килограмм ёғ тўплади.

“Хужум” фабрикаси коллективи Сталинград химоячиларига ёрдам ва мададни кучайтириш мақсадида ўзларининг бир кунлик иш ҳақларини ажратдилар. Фабрика маҳаллий кўмитаси ўз ихтиёридаги 4000 сўм пулга Сталинград химоячилари учун совғалар сотиб олдилар.¹

Бу даврда Сталинград (Волгоград) химоячиларига ёрдамни кучайтириш авж олди. Паст Дарғом тумани меҳнаткашлари Сталинград химоячиларига дастлабки совғаларини юбордилар. Булар орасида 7309 килограмм ғалла, 162 килограмм шоли, 2127 килограмм курук мева, 342 килограмм сабзавот ва бошқа нарсалар бор эди. Бундан ташқари сталинградликларга байрам олди ҳадяси сифатида юбориш учун 20800 сўм пул топширдилар.

Жиззах тумани меҳнаткашлари 1942 йилнинг 5 октябригача 43 центнер (1-центнер – 100 килограмм) ғалла, 16 центнер гўшт, 1560 дона тухум ва 27000 сўм нақд пул тўплади. Колхозчилар жангчилар учун 26 та қўй, 8 бош эчки ва 31 та товук тўплайдилар.

Хайробод қишлоқ советидаги собиқ Каганович номли колхоз аъзоси Турдиалиев жангчиларга атаб бир бош хўкиз, Қосимов

¹ Жангчиларга иссиқ кийимлар ва кўплаб совғалар юборайлик // “Ленин йўли”. 1942 йил 11 октябрь. № 240 (3264).

бир кўй, Худоёров бир ярим центнер буғдой беради. Сойхон қишлоқ совети бўйича 10 та кўй, 29 бош эчки, 47 ярим килограмм ёғ, 4 центнер ғалла тўпланиб, 7630 сўм нақд пул йиғилади.

Хатирчи тумани 1-МТС колхоз аъзолари совға учун 35 бош кўй, 2400 килограмм майиз тўплادилар. Ворошилов номили колхоз аъзолари 200 килограмм майиз ва 4 бош кўй топширадилар.

Наманганликлар мурожаатидан кейин туманда фронтдаги жангчилар учун иссиқ кийим тўплаш янада қизиб кетади. Янгиравот қишлоқ советидаги “Правда” колхозининг аъзолари, қўшимча равишда 8 фуфайка, 17 кўйлак, 30 кўлқоп, 4 этик, 8 телпак ва 300 килограмм ғалла топширадилар. МТС ходимлари эса 15 фуфайка, 2 та пийма ва 1765 сўм нақд пул бердилар. Шундай қилиб МТСга қарашли колхозлар бўйича 1942 йилнинг октябрь ойининг бошида 41 та фуфайка, 206 шим, 59 кўйлак, 40 телпак, 28 метр шойи ва 18000 сўм нақд пул тўпланади.¹

Фронтдаги жангчилар учун иссиқ кийим йиғиш вилоят колхозларида муваффақиятли ўтди. Самарқандликлар 1942 йилнинг иккинчи ярмида ҳаракатдаги армияга 3 минг дона калта пўстин, 8 мингта пийма, 7 минг телпак, 9 минг жуфт кўлқоп, 5 мингта пахтали шим, 17 минг жуфт пайпоқ ва бошқа шунга ўхшаш зарур нарсаларни жўнатишди.¹

1943 йилда шаҳар меҳнаткашлари фронтдаги жангчиларга ва ленинградликларга 16 вагон озиқ-овқат, 6 вагон дон, 180 тонна гўшт, 26 тонна сабзовот, 20 тонна қуруқ мева, 28 тонна мой, 1,5 тонна тамаки, 100 минг пачка папирос, 13 тонна кондитёр маҳсулотлари, 20 минг банка гўшт консерваси, 15 тонна чой, соқол-мўйлов олиш учун керакли бир неча юз асбоб, бир неча ўн баян, 1500 дона ҳар хил иссиқ кийим, 100 минг пийма юборишди. Пийма тайёрлаб бериш учун давлатга 2 тоннага яқин жун, калта пўстин тикиш учун 2 мингта кўй териси топширишди. Бундан

¹ Жангчиларга кўплаб совға ва иссиқ кийимлар юборамиз!!! “Ленин йўли”. 1942 йил 15 октябрь. № 243 (3267).

ташқари, майиз, конфет, махорка, консерва, дастрўмол, тамаки халта, пайпоқ ва шу кабилардан иборат 15 мингта якка посилка тўплаб фронтга жўнатилди.²

Уруш йиллари вилоят меҳнаткашлари жангчиларнинг оилаларига доимий ғамхўрлик қилиб турдилар. Маҳаллий давлат органлари уларни ҳисобга олиш ва ёрдам кўрсатиш ишларини назорат остига олдилар. Корхона, муассаса ҳамда саноат артелларида фронтчиларнинг оилаларига кўмаклашиш юзасидан кундалик иш олиб борилди. Жангчиларнинг ота-оналари, хотинлари ва болалари кўп миқдорда кийим-кечак, пойабзал ва рўзгор анжомлари ва бошқа моддий ёрдамларни олди.

Қорадарё тумани меҳнаткашлари ҳам жангчиларнинг оилаларига ғамхўрлик ва меҳрибонликни кучайтирдилар. Каттаминг қишлоқ советидаги собиқ Молотов номли колхоз аъзолари армия сафига кетган колхозчиларнинг оилаларига ёрдам учун, колхознинг умуммажлисида 1000 сўм пул, 15 қўй, 20 центнер ғалла ажратди ва октябрь ойигача уларнинг уйларини таъмирдан чиқаришни ва 60 сажень³ ўтин тайёрлаб беришни ўз олдларига вазифа қилиб қўйди. Собиқ Ворошилов номли колхоз аъзолари ҳам бу иш учун 2000 сўм пул, 2 қўй, 5000 килограмм ғалла ажратдилар. Кичик Мундиён қишлоқ советидаги “Октябрь” колхози аъзолари жангчиларнинг оилалари учун 10000 сўм пул, 10 бош қўй, 10 центнер ғалла, 2 центнер сабзавот ва 15 сажень ўтин тайёрлаб бердилар. Жангчиларнинг болалари учун 5000 сўмга яқин нақд пул бердилар.⁴

Самарқанд шаҳрида яшовчи армиядаги аскарларнинг оилаларига 45100 сўм миқдорда пуллик ёрдам берилди. Боғишамол туманида эса 52 та жангчиларнинг уйи ремонт қилиб берилди. Аскар ва уруш ногиронларининг болалари ясли ва

¹ “Ленинский путь”. Июль-декабрь. 1942 г.

² Самарқанд тарихи. Икки томлик. 2-том. Масъул муҳаррир. И.М. Муминов. Т.: «Фан». 1970. – б. 242.

³ 1 сажень – (саржин) – 2, 134 метрга тенг узунлик ўлчови.

⁴ Жангчиларимизнинг оилаларига ғамхўрлик// “Ленин йўли”. 1942 йил 8 сентябрь. № 271 (3235).

боғчаларга жойлаштирилди. Шу йил мобайнида 208 оила ўтин-кўмир билан таъминланди, 94 киши ишга жойлаштирилди.¹

Темирйўл туманида ҳам жангчиларнинг оилалари кўп микдорда кийим-кечак, трикотаж, рўзгор анжомлари билан таъминланди. 1942 йилнинг 10 майига 2325 ҳарбий хизматчи оиласининг аҳволи кўздан кечирилди. Уларга керакли ёрдам кўрсатилди. Пахта тозалаш заводи ходимлари 118 оилага ёрдам кўрсатди. Жумладан, 17 оила уйи ремонт қилинди, 52 оила озиқ-овқат билан, 133 оила кийим-кечак билан, 15 оилага эса пул маблағи билан ёрдам кўрсатилди.²

Вилоятда фронтдагиларнинг оилаларига 1942 йилда 31 миллион сўм пул берилди, 5 мингдан ортиқ оила уй-жой билан таъминланди, 760 оиланинг уйи ремонт қилиб берилди. Фронтдагиларнинг 8338 боласи болалар уйи ва боғчаларда тарбияланди.³

Паст Дарғом тумани Арабхона қишлоқ советидаги колхозчилар 1943 йилда ҳам жангчиларнинг оилаларига ғамхўрликни кучайтирадilar. Қишлоқ совети бўйича 410 оилага томорқасига экин экишда ёрдам берилди. 150 оиланинг томорқалари жўхори экишга тайёрланди. 299 та оиланинг уйлари ремонт қилиниб, 5 хўжаликка уй солишда ёрдам берилди.

Фронтчиларнинг оилаларига озиқ-овқат билан ҳам ёрдам берилди. Шу қишлоқ советидаги “Қизил кўшин” колхози (раиси Абдиев) жангчи оилаларига бир пуддан 4 пудгача (1 пуд - 16,38 кг) ғалла билан ёрдам берди. Фронтчи Жонузоқ Қобилов оиласига 4 пуд ғалла, Мурод Бобоқулов оиласига бир қўй, жангчининг онаси Муродовага 48 килограмм ғалла берилди. Тельман номли колхоз бошқаруви (раиси Умаров) эри армияга

¹ Ғамхўрлик ва меҳрибонлигимизни яна ҳам оширайлик// “Ленин йўли”. 1942 йил 10 сентябрь. № 273 (3237).

² Аминов Х., Иброҳимов Н. Самарканд-фронтга. Самарканд “Сўғдиёна”, 1994. –Б.39.

³ Самарканд тарихи. Икки томлик. 2-том. Масъул муҳаррир. И.М. Муминов. Т.: «Фан». 1970. – Б.243.

кетган Каттаой Жўраевага 3 пуд буғдой, Анбар Ҳайитовага 3 пуд жўхори билан ёрдам қилади.¹

Жиззах туманида ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига ғамхўрлик ҳар томонлама кучайтирилади. Туманда 1665 оила давлат томонидан нафақа олади, 2263 оиланинг аризаси кўрилиб нафақа белгиланади. Туман ижроия кўмитаси қошида тузилган комиссия ҳарбий хизматчилар оилаларининг турмушини текшириб чиқди. Текширишдан кейин 2725 оила турли солиқ, 1000 оила турли давлат мажбуриятларини тўлашдан озод қилинади. 2706 оиланинг боласи боғча ва ясиларга жойлаштирилади. 2185 оилага тиббий ёрдам кўрсатилади.

Ҳарбий хизматчиларнинг кўчирилган оилаларига ҳам яхши ғамхўрлик қилинади. Булар учун 54538 сўм пул ва 71809 сўмлик саноат моллари берилади. Тумандаги колхозлар 1752 оиланинг томорқасини экиб, 331 оиланинг уйини ремонт қилиб бердилар.

Туман меҳнаткашлари ҳарбий хизматчиларнинг оилалари учун 170 гектар ерга ғалла, 20 гектар ерга сабзавот экинлари экади. 692 оила колхозлар ҳисобидан 156 центнер² дон, 190 оила 25890 сўм пул билан ёрдам олди. Колхоз правлениялари 199 оилани сигир билан, 141 оилани қўй-эчки билан, кўп миқдорда газлама ва пойабзал билан таъминладилар, 1989 оилага ўтин, 312 оилага пичан берилади.³

Каттақўрғон шаҳар совети ижроия кўмитаси ҳузурида ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига давлат ёрдам бериш ва уларнинг маиший аҳволини янада яхшилаш бўлими тузилгандан кейин 4602 оиланинг аҳволи ўрганилиб чиқилди ва уларга 1 миллион 184551 сўм нафақа, 127519 сўм ёрдам пули тўланди.

Шаҳар ижроия кўмитаси депутатларининг ташаббуси билан 3472 оиланинг турар жойлари кўриб чиқилди ва улардан 504

¹ Фронтчилар оилаларига ғамхўрлик кучайтирилсин// “Ленин йўли”. 1943 йил 17 апрель. № 81 (3409)

² 1 центнер – оғирлик ўлчови (1 центнер – 100 кг).

³ Ҳарбий хизматчиларнинг оилалари кўплаб ёрдам олмақдалар// “Ленин йўли”. 1943 йил 1 сентябрь. № 181 (3510).

тасига моддий ёрдам берилди, 27 оилага янгидан нафақа тайинланди. 847 оилага 2384 хил кийим бош, 937 оилага 1303 жуфт оёқ кийими берилди, жангчилар оилаларига 2448 килограмм ғалла, 219 килограмм ёғ, 936 килограмм совун 2438 метр газлама олди.

Шаҳар ижроия кўмитаси бу даврда кўчириб келтирилган кишиларни, армия сафидан бўшатирилганларни, ҳарбий хизматчиларнинг хотинларини ва уларнинг қарамоғидаги кишиларни ишга жойлаштириш билан ҳам шуғулланди. 1941 йилнинг 22 июнидан 1942 йилнинг 14 январигача турли хил ташкилот ва корхоналарга кўчириб келтирилганлардан 295 нафари ишга жойлаштирилди.

Армияга сафарбар қилинганларнинг қарамоғидаги кишилар ва хотинларини, ҳарбий хизматдан бўшатирилганлардан 193 киши ишга жойлаштирилди. Кўрсатилган муддат ичида шаҳар ижроия кўмитаси 488 кишини ишга жойлаштирди.¹ Улардан 15 нафари бухгалтер, 5 ҳисобчи, 3 электрик, 3 иқтисодчи, 6 хўжалик ишчиси, 11 сотувчи, 1 инженер, 20 тиқувчи, 1 телефонист, 1 ўқитувчи, 13 дурадгор, чилангар, 20 нафари бошқа соҳа ходимлари эди.

Боғишамол туманида 37 нафар эвакуация қилинганлар “Ишчи кучи” артелига, шойи тўқиш фабрикаси ва тўқувчилик фабрикасига жойлаштирилди.

Сиёб туманига кўчириб келтирилганлардан 150 киши, ҳарбий хизматчиларнинг қарамоғидаги кишилар ва уларнинг хотинларидан 322 киши “Бофанда”, “Сорач” артели, “Хужум” фабрикаси, кўн заводи ва вино заводларига ишга жойлаштирилди.²

Вилоят колхозчилари шаҳар ишчилари ва фронтчиларнинг оилаларига янги йил совғаси сифатида кўплаб нарсалар юборишади. 1943 йилнинг 29 декабрь куни Паст Даргом,

¹ Самарқанд ВДА, 26-фонд, 1-рўйхат, 954-иш, 14-варак.

² Самарқанд ВДА, 26-фонд, 1-рўйхат, 952-иш, 14-варак.

Жомбой, Пайарик, Ургут ва бошқа туман меҳнаткашлари юзлаб арвадарда сабзавот маҳсулотлари, куруқ мева ва ўтинлар юборади.

Ургут тумани меҳнаткашлари 31 арава сабзавот ва куруқ мева, 59 аравада ўтин, Паст Дарғом тумани меҳнаткашлари 75 аравада озиқ-овқат маҳсулотлари ва ўтин, Жомбой тумани меҳнаткашлари 150 аравада маҳсулот юборишади. Самарқанд ва Комсомол (ҳозирги Тайлоқ) тумани меҳнаткашлари эса 450 тонна сабзавот маҳсулотларини фронтчиларнинг оилалари ва ишчиларга юборишади.¹

Ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига ҳар тарафлама ёрдам бериш соҳасида шаҳар меҳнаткашлари, корхона ва ташкилотлар ҳам катта ёрдам кўрсатди. Каттакўрғон ёғ заводининг ишчилари 14700 сўм, таъминот бўлимининг ходимлари 13000 сўм ёрдам бердилар. Тўпланган пулларнинг 32300 сўми ёрдамга муҳтож оилаларга тўланди.

Махсус комиссия орқали фронтчиларнинг оила аъзолари турадиган жойлар текширилиб, 223 оила яхши уйларга кўчирилди, 100 дан ортиқ оиланинг турар жойлари ремонт қилиб берилди.²

1943 йилда Самарқанд вилоятида 35512 ҳарбий хизматчининг оиласи нафақа, 2042 хизматчининг оиласи пенсия билан таъминланди, шулардан 10511 кишини кексайиб қолган ота-оналар, 15227 кўп болали оилалар ташкил қиларди. Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларидан 3117 киши ишга жойлаштирилиб қўйилди, 984 киши ўқишга юборилди, 763 бола болалар муассасаларига, 7650 киши болалар майдончаларига жойлаштирилди. 1943 йилнинг ўзидагина фронтдагиларнинг оилаларига ёрдам тариқасида 1,8 миллион сўм пул, 2445 центнер дон, 1,4 центнер сабзавот, 1578 килограмм куруқ мева, 7834 бош чорва мол, 7654 комплект кийим, 2366 жуфт пойабзал, 1933 та

¹ Подарок рабочим и семьям фронтовиков// "Ленинский путь". 1 января 1944 г. № 1 (1528).

² Ҳарбий хизматчилар оилаларига ҳамғўрликни яна ҳам яхшилаёмиз// "Ленин йўли". 1943 йил

кўрпа-ёстик, 19392 куб метр ўтин, 10 центнер мой ажратилди, бундан ташқари, 2933 квартира ремонт қилиб берилди.¹

1944 йилда Самарқанд шаҳридаги Бағишамол туманида ҳаммаси бўлиб 7814 ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ҳисобга олинган эди. Фақат “8 Март” фабрикаси ҳисобида 1087 оила бўлиб, уларга 125 жуфт оёқ кийими, 35 жуфт пайпок, 172 костюм ва бошқа керакли уй-жой нарсалари ва пул билан ёрдам кўрсатилди.

Темир йўл туманида 1944 йилда 3000 ҳарбий хизматчилар оиласи ҳисобга олинди. Жангчиларнинг оилалари, хотинлари, болалари кўп миқдорда кийим-кечак, пойабзал, трикотаж ва рўзгор анжомлари билан таъминланди. Пахта тозалаш заводида фронтчиларнинг оилаларига кўмаклашиш иши айниқса яхши йўлга қўйилди. 115 оилага эса пул ёрдами кўрсатилди.²

Бу даврда бир неча ташкилотлар ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ва кўчириб келтирилганлар яшайдиган бутун маҳалла ва кўчаларни оталиққа олишди. Биргина 1944 йилнинг 8 ойи мобайнида мухтож оилаларга 100 тонна буғдой, 170 тонна сабзавот маҳсулотлари, 60 тоннага яқин қуруқ мева, 4 минг жуфтдан кўп пойабзал ва 9 минг турли хил кийим-кечак тарқатилди.³

Уруш йиллари давомида самарқандликлар фронтдагиларнинг оилаларига тинимсиз ғамхўрлик қилиб турди. Фронтдаги жангчилар бундай ғамхўрлик учун чуқур миннатдорчилик ҳисларини изҳор қилиб, немис-фашист босқинчиларига қарши курашда мардлик ва қаҳрамонликлар кўрсатишни давом эттирдилар.

2 октябрь. № 203 (3531).

¹ Самарқанд тарихи. Икки томлик. 2-том. Масъул муҳаррир. И.Мунинов. Т.: «Фан». 1970. – Б.243-244.


² Аминов. Х., Иброҳимов. Н. Самарқанд-фронтга. Самарқанд “Зарафшон”, 1994. – Б.39-40.

³ Алескерев Ю.Н. Годы равные веком. Страницы истории Самарканда. Отв.ред.академик АН УзССР проф. К.Е.Житов. Т.: “Узбекистан” 1973. –С.244.



1. "Колхозчи" заводининг новатори, техника цехи стахановчи-токари, Иккинчи жаҳон уруши бошидан буён кунлик нормани 500-600 фоизга бажариб келган, самарқандликларнинг ғарбий фронтдаги жангчиларга юборган 25 вагонлик совғасини олиб борган делегация асоси Н.К.Завозин.

2. Самарқанд шаҳар Богзишамол районидаги иссиқ кийимлар омборида.
Суратда: 1-сон вино заводи ишчилари иссиқ кийим тотиширмоқдалар.



Самарқанд области колхозчилари армияга иссиқ кийимларни қўтаринки руҳда тотиширмоқдалар. Самарқанд райони Сталин номли колхозда иссиқ кийимларни қабул қилиш пайти.



Самарқанд райони колхозчилари 10 мингга яқин иссиқ кийим ва фронт учун иссиқ кийим олишга 189 минг сўм пул маблағи йиғдилар. Суратда: иссиқ кийим йиғувчи фаоллар (чапдан ўнга) А.Ҳасанов, Ш. Нуриддинов, К.Турсунзода, М.А.Гладков.



“Аёллар меҳнати” артелида фронт учун кўплаб иссиқ кийимлар ва 10 минг сўм пул маблағи йиғилди. Суратда: иссиқ кийим йиғувчи комсомол фаоллар Ш.Жинамова, С.Алимов, Л.Ичкиева.

1.3. Фашистлар босқинидан озод қилинган ҳудудларга самарқандликларнинг байналмилаллик ёрдами

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқининг инсонийлиги, меҳрлилиги ва ватанпарварлиги фронтда кўрсатилаётган қаҳрамонликда ва мамлакат ичкарисида жонбозлик билан қилинаётган меҳнатида ифодаланиб қолмасдан, озод қилинган ҳудудлардаги аҳолига немис-фашист босқинчилари вайрон қилган хўжаликларини қайта тиклашда Ўзбекистон халқи томонидан берилиб турган умумхалқ ёрдамида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Фашистлар босқинидан озод қилинган туманлар хўжалигини қайта тиклашда самарқандликлар ҳам ўз ёрдамини дариг тутмади. Кўрсатилган ёрдам турли хил шаклларда амалга оширилди. Озод қилинган ҳудудларга кўрсатилган ёрдам: озиқ-овқат молларидан иборат посилкалар юбориш, қишлоқ хўжалик ва бошқа машиналар билан таъминлаш, уларнинг кутубхоналарини турли хил китоблар билан қайта тиклаш учун пул тўплаш, мутахассис кадрлар юборишдан иборат бўлди.

Республика меҳнаткашларининг ташаббуси билан озод этилган туманларга қардошлик ёрдами фонди тузилди. Бу фондга юз минг сўмлаб маблағ ва озиқ-овқат тушди. 1943 йилнинг бошларида Самарқанд вилоятида ҳам немис-фашистларидан зарар кўрган аҳолига ёрдам бериш фонди ташкил этилди.

Комсомол тумани Сочакиболо қишлоқ советидаги Киров номли колхоз аъзоси эри душманга қарши курашаётган Хосият Ашурова, Нозик Юсуповалар 350 килограмм озиқ-овқат нахсулотлари бердилар ва жамғарган шахсий пулларида танк колоннаси куриш фондига 4000 сўмдан топширдилар.

Колхоз ва колхоз аъзолари жангчиларга ёрдамни аямади. Мудофаа фонди учун 55000 сўм, танк колоннаси куриш учун 300000 сўм топширди ва фронт учун 2 та машина ҳам бердилар. Жангчилар учун 38 центнер сабзавот, 62 центнер картошка, 14

центнер сабзавот, 34 центнер мева ва 4000 литрдан ортик вино совга қилиб юбордилар.

Ленинград шахри химоячилари учун 1000 килограмм курук мева, 3 тонна сабзавот, 25 та калта пахталик пўстин ва бошка нарсалар тайёрлаб жўнатдилар.

Қорадарё тумани меҳнаткашларидан уч ўғлини армия сафиға юборган 72 ёшли Сағдулла бобо Азимов 1400 сўм пулини жангчилар учун совға олишга давлатга топширди: “Пахтакор” колхози меҳнаткашлари эса жангчилар учун 300 килограмм ғалла, 100 килограмм курук мева, 300 килограмм сабзавот, 6 та қўй, 30 та товук, 15 килограмм жун, 40 тери ва бошка нарсалар тўпладилар.¹

Каттақўрғон туман меҳнаткашлари қамал ҳолатидан қутулган ленинградликларга совға тўплашни бошлаб юборар экан, Машработ қишлоқ советидаги “Оқ олтин” колхози меҳнаткашлари 60 килограмм ғалла, 60 килограмм гўшт, ёғ, сабзавот ва ҳар хил совғалар топширдилар. Туман меҳнаткашлари ленинградликларга совға қилиб, 99 центнер ғалла, 28 бош қорамол, 78 бош қўй, 74 килограмм ёғ, 105 килограмм курук мева, 118 пайпоқ, 119 та қўл рўмолча, бир тонна сабзавот топширадилар.¹

Самарқанд шаҳридаги саноат корхоналарининг, вилоятдаги машина-трактор станциялари ва жамоа хўжаликлари бошқаруви озод қилинган туманларга станциялар, асбоблар, ҳар хил ускуналар, шунингдек, автомашина, трактор, комбайн, плуг, сеялка ва улар учун захира қисмлар юборишини ташкил этадилар. “Красный двигатель” заводининг, моторремонт заводининг, авторемонт устахоналарининг жамоалари озод қилинган туманларга юборилаётган машиналарни ремонт қилиб, захира қисмлар билан таъминлаб турдилар. Самарқанд пахта заводи жамоаси қайта тикланаётган туманларга дераза ойналари,

¹ Ленин шахрининг қаҳрамон химоячиларига қўлаб совға юборамиз// “Ленин йули”. 1943 йил 28 январь. № 22 (3350).

ички кийимлар ва болалар боғчалари учун кўрпа-ёстиклар жўнатди. Заводнинг ёрдамчи хўжалиги ёрдам фонди учун 20 бош кўй, 4 бош сигир ажратди ва 50 гектар ерга буғдой экиб берди.²

Сиёб туманидаги “Париж коммунаси” номли колхоз раиси Қиём Ашуров жангчиларга совға сифатида бир кўй, бир соат, 20 та пластинка ва патефон топширди. “Труд женщины” артелининг 200 процентчиси Умарова Ленинград ҳимоячиларига атаб 10 шохи рўмолча ва шоҳидан қилинган бир калтача берди. 6-сон мактаб ўқувчи ва ўқитувчилари жангчиларга қуруқ мева юбориш учун 2250 сўм, 4-сон мактаб жамоаси 2129 сўм тўпладилар. Облмногпромсоюз раиси Бойбеков жангчиларга совға қилиб, бир пийма, бир телогрейка, бир пахталик шим ва бир қулоқчин берди. Туман бўйича бир кун ичида жангчиларга атаб 20 та соат, 15 та кўй, 40 пийма, 200 қулоқчин, 400 та жун пайпоқ, 300 та қўлқоп, 100000 сўм нақд пул тўланди.³

1943 йилнинг бошида вилоят меҳнаткашлари қамалдан озод қилинган Ленинградга (ҳозирги Санкт-Петербург) уч вагон крупа ва гуруч, бир вагон қуруқ мева ва консерва, бир вагон гўшт ва бир неча вагон озиқ-овқатдан иборат биринчи эшелонни жўнатадилар.⁴

Даштакиболо қишлоқ советидаги Ленин номли колхоз меҳнаткашлари Харьков аҳолисига юбориш учун 2000 килограмм қуруқ мева тўпладилар. Колхозчи Шариф Ражабов 50 килограмм ва шу колхознинг иккинчи бригадаси бошлиғи Жамилов 100 килограмм қуруқ мева беради.

Харьковликлар учун, шунингдек, “Большевик” колхозининг меҳнаткашлари 1000 килограмм, “Париж коммунаси” колхозининг меҳнаткашлари 500 килограмм ва Ворошилов

Ленинградликларга совға// “Ленин йўли”. 1943 йил 2 февраль. № 26 (3355).
Сазарқанд тарихи. Икки томлик. 2-том. Масъул муҳаррир. И.М.Муминов. Т.: «Фан». 1970. – 8333
Ленинградликларга совға// “Ленин йўли”. 1943 йил 2 февраль. № 26 (3355).
Сазарқанд тарихи. Икки томлик. 2-том. Масъул муҳаррир. И.М.Муминов. Т.: «Фан». 1970. – 8333

кишлоқ советидаги “23 февраль” колхозининг меҳнаткашлари 1000 килограмм куруқ мева топширадилар.

Самарқанд тумани аҳолиси 1943 йилнинг сентябрь ойига қадар 19 тонна куруқ мева, 940 килограмм ғалла, 5 та кўй, 2 та қорамол, 40 килограмм жун, 25 та тери, 17 та шим, 17 та кўйлак ва бошқа кўп нарса тўплайдилар.¹

Ургут туманидаги “Ҳаракат” артели аъзолари немис фашист босқинчиларидан озод бўлган ҳудуд аҳолиси учун 55 минг сўм пул, 10 жуфт оёқ кийим ва 50 та фуфайка бердилар. Туман бўйича қисқа вақт ичида 2950 килограмм куруқ мева, 12142 килограмм ғалла, 18 килограмм ёғ, 20 та адеъл, 62420 сўм нақд пул ва турли хил уй-рўзгор асбоблари тўпланди.²

Самарқанд вилояти меҳнаткашлари озод қилинган ҳудудларнинг кишлоқ хўжалигини қайта тиклаш ишига ҳам яқиндан ёрдам берди. 1943 йил февраль ойининг ўрталарида Самарқанд темир йўл станциясидан Ставрополь ўлкасига трактор ва кишлоқ хўжалик машиналари ортилган 2 эшелон жўнаб кетди. Вилоятнинг машина трактор станциялари 180 та гилдиракли трактор ва 40 та ўрмаловчи трактор, 165 та сеялка, 66 та трактор плуги берган ва яна Украинага 95 та трактор ва 95 та плуг, Краснодар ўлкасининг туманларига 60 та автомашина жўнатади.³

Самарқанд шаҳридаги шойи матоси тўқиш фабрикасининг жамоаси Одесса шаҳрини тиклаш учун 17000 сўм пул ва болалар уйлари ҳамда мактаб ўқувчилари учун 3100 метр шойи матоси юборди. Туман ҳудудида жойлашган офицерлар (ҳозирги Зобитлар уйи – А.Б) уйи фондидан 5 та бадийий полотно (картина) ажратилиб, Сталинград, Ростов–Дон, Ворошиловграддаги (Луганск) маданий муассасаларига совға қилиб юборилди.

¹ Харьковликларга ёрдам бериш – биродарлик бурчимиз// “Ленин йўли”. 1943 йил 31 август. № 180 (3509).

² Қардошларга ёрдам// “Ленин йўли”. 1943 йил 9 октябрь. № 208 (3536).

³ Самарқанд тарихи. Икки томлик. 2-том. Масъул муҳаррир. И.Муминов. Т.: «Фан». 1970. Б.247.

Самарқанд меҳнаткашлари озод этилган туманлар ёрдам фондига ҳаммаси бўлиб, 170 миллион сўм пул тўплаб беришди.¹

1943 йилнинг охирида Самарқанд вилояти озод қилинган туманларга 13500 бош қоракўл қўй, 11600 бош думбали ва бошқа хотдаги қўй, 2 минг бошдан ортиқ эчки ва қўзи, 1200 бош йилки, 800 бош хўкиз, кўпгина сигир ва бошқа чорва моллари юборди.²

Фашистлар босқинидан озод қилинган ҳудудлар аҳолисига Ўзбекистон халқи билан бир қаторда, Самарқанд вилояти меҳнаткашларининг ҳам кўрсатган инсонпарварлик ёрдами, меҳрибонлиги, дўстлиги ҳеч қачон унутилмайди.

1.4. Самарқандлик жангчиларнинг фашизмни тор-мор этишидаги иштироки

Ўзбекистоннинг бошқа вилоятлари аҳолиси каби Самарқанд вилояти вакиллари ҳам Иккинчи жаҳон уруши фронтларида она юртлари учун олиб борилган аёвсиз жангларда, кучли ва маккор душманга қарши қонли урушда ўзбек халқига хос бўлган қаҳрамонлик ва мардлик, қўлида қурол билан муқаддас эминимизни ҳимоя қилди.

Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1433230 киши қатнашган бўлса,³ Самарқанд вилояти бўйича 152 мингдан зиёдроқ киши душманга қарши кураш олиб борди.⁴

Қўлига қурол олиб босқинчиларга қарши курашганлар сафида юз минглаб самарқандликлар ҳам бор эди. Самарқанднинг жасур ва мард ўғлонлари Москва остоналаридаги ҳаёт-мамонт жангларда, Сталинград (ҳозирги Волгаград) учун бўлган даҳшатли тўқнашувларда, Нева бўйлари ва Киев яқинида, Харьков учун бўлган жангларда, Брест қалъаси ва Одесса

Аминов Х., Иброҳимов Н. Самарқанд-фронтга. Самарқанд "Сўғдиёна", 1994. –Б.24-25.

Самарқанд тарихи. Икки томлик. 2-том. Масъул муҳаррир. И. М. Муминов. Т.: «Фан». 1970. –

Б.149

Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида//

Қўғиллар: М. Жураев, Р.Нуриллин, С. Камолов ва бошқалар. - Т.: «Шарқ», 2000.-Б.463.

Аминов Х., Иброҳимов Н. Самарқанд – фронтга. Самарқанд "Сўғдиёна", 1994.-Б.12.

портларида, Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) жангларида, Европа халқларини озод этишда фаол қатнашдилар.

Фашист босқинчиларига қарши курашда Ватан ҳимоячиларининг фидокорона ва қаҳрамонона жасорати рамзи бўлиб қолган Брестъ қалъасини мудофаа қилишда Ўзбекистонлик жангчилар ҳам фаол иштирок этдилар. Гарнизонда ўзбекистонлик жангчилар Аҳмад Алиев, Дониёр Абдуллаев, Бобокомил Кашанов, Узок Ўтаев, Нурум Сиддиқов, Мадамин Ҳожиев, Раҳимбой Арслонбоев, Саидахмад Бойтемиров, Ф.И.Лоенковлар¹ қаторида самарқандлик Ефим Лисс, М.Игнатюк, Б.П.Круглов, Иван Гриценко, Леонид Михайлов, Николай Свечников, Михаил Пелхер, Маркорян Савонеслар ҳам бор эди.²

Даҳшатли 1942 йилнинг кузида душман Волга томон ёпирилиб, Кавказ учун жанглар авж олган бир пайтда ўзбек халқи ўзбек жангчиларига 2412000 киши кўл қўйган мактубини юборади.

Ўзбек халқининг ўзбек жангчиларига юборган мактуби 1942 йил 31 октябрда “Правда” газетасида ўзбек ва рус тилларда босилиб чикди. Марказий ва маҳаллий фронт газеталарида чоп этилган бу мактуб ўзбек жангчиларининг жангговор руҳини кўтарди, улар бу мактубни ўз халқининг муқаддас амри деб билдилар.

1942 йилнинг 4 ноябрида “Қизил Ўзбекистон” газетасида ўзбек халқининг ўзбек жангчиларига мактубига бағишланган “Ўзбек халқининг фармони ва қасами” номли мақола чоп этилган бўлиб, унда шундай сўзлар битилган эди: “... Ўзбек халқининг мактуби - манфур душманни тор-мор келтириш учун фронтга ҳар соат кўпроқ ўқ-дори, яроғ-аслаҳа ва озиқ-овқат етказиб бериш

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида Б.466.

² Алескеров Ю.Н. Годы, равные векам. Страницы истории Самарканда. Т.: «Ўзбекистон» .1971 С.246.

учун барча кучларни сафарбар қилиш тўғрисида халқимизнинг берган қасамидир:

Бу муқаддас қасамга шараф билан амал қилайлик. Бу қасам гуллаб турган Ўзбекистоннинг маҳсулдор водийларида, Волга адирларида ва Кавказ тоғларида, Карелия ўрмонларида ва Каспий денгизининг тўлқинли сувларида – бутун мамлакатда акс-садо бўлиб эшитилсин. Бу қасам жанг майдонларида ва меҳнат фронтида қаҳрамонлик ва фидокорликни янада авж олдирсин, душманни узил кесил тор-мор келтириш пайтини янада яқинлаштирсин”.¹

1942 йил сентябрь кунларининг бирида Паст Дарғом туманининг Қўқоний қишлоғилик катта лейтенант Жонқувват Тўрақулов Карелия фронтида жанг қилаётган пайтида 7 жангчи билан разведкага боради. Унинг жангчилари сонидан 8 марта зиёд бўлган немисларининг икки взводи рўпарадан келиб қолади. Улар душманни тор-мор келтириб тепаликни қўлга оладилар.²

Немис босқинчиларига қарши олиб борилган жангларда ва алоҳида ўртак кўрсатган ўзбек жангчилари ва командирлари ўзларининг қаҳрамонона ишлари тўғрисида рапорт бериш учун жонажон Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент шаҳрига келадилар. Делегатлар орасида Оқдарё туманининг фарзанди моҳир мерган ва 107 немисни ер тишлатган, ҳамда 22 кишини мерган қилиб тийёрлаган орденли старшина Муҳаммад Элмуродов, яқка ўзи бир рота немисларнинг атакасини қайтарган Янгийўл туманилик автоматчи Сайфиддин Сатторов, ефрейтор Рўзиев, аскар Дўстназаров, гвардиячи сержант Аҳмадалиев ва бошқалар бор эди. Делегацияга майор Малла-Абдуллаев раҳбарлик қилади.

Делегация ғарбий фронтдаги ўзбек жангчиларининг ўзбек халқига жавоб хатини олиб келади.³

¹ Ўзбек халқининг фармони ва қасами// “Ленин йўли”. 1942 йил 5 ноябрь. №261(3785).

² Ҳокид Абдулла. Жонқувват// “Ленин йўли”. 1942 йил 7 ноябрь. №263(3287).

³ Фронтчилар делегацияси Тошкентга жўнаб кетди// “Ленин йўли”. 1943 йил 31 январь. №25(3354).

1943 йил февраль ойининг бошларида Ўзбекистонга ғарбий фронтдаги ўзбек жангчиларининг делегацияси келади. Бу делегация ўзбек жангчиларининг ўзбек халқига жавоб хатини олиб келади.

Хатда: “Қимматли оталаримиз, оналаримиз, хотинларимиз, ака-укаларимиз, опа-сингилларимиз - жонажон ўзбек халқига!

Биз сизларнинг хатларингизни зўр завқ ва зўр қувонч билан ўқиб чиқдик. Сизнинг муқаддас насиҳат билан айтган ҳар бир сўзингиз, қалбимизнинг энг чуқур жойларида ғоят катта таъсир қолдирди. Жонажон халқимизнинг хати, гуллаб яшнаган Ватанимизга бўлган меҳр-муҳаббатимизни янада оширди.

..... Улуғбек ва Навоийдек буюк кишиларимиз яшаган ва ижод билан шуғулланган тарихий ва яшнаган Самарқандимизни, немис-фашист газандалари томонидан вайронага айлантирилишига мутлақо йўл бермаймиз. Фашист ҳаромзодаларининг Тошкент, Фарғона, Андижон ва Наманганнинг гуллаб турган ажойиб боғларини булғашга асло йўл қўймаймиз. Фашист одамхўрларининг қирқ кокил ўзбек қизини масхара ва ҳақорат қилишига ҳеч қачон йўл бермаймиз!” деган сўзлар битилган эди.¹

Бу хат ғарбий фронт қисмларида ўзбек жангчилари ва командирларининг митингларида муҳокама қилиниб, қабул қилинади. Жангчилар ва командирларнинг топшириғига мувофиқ хатга 94 нафар жангчи имзо қўяди. Улар орасида орденли лейтенант Зиёвутдинов, орденли майор Малла Абдуллаев, капитан Иброҳим Раҳим, капитан Ҳамид Файз, катта сержант Адҳам Раҳмат, учинчи ранг ғарбий врач Зайнаб Исомиддинова, оқдарёлик старшина, мерган Муҳаммад Элмуродовлар бор эди.

Ғарбий фронт делегациясининг аъзоси Муҳаммад Элмуродов Самарқандга келади ва 13 февраль куни ҳамқишлоқлари билан учрашиш учун Оқдарёга боради.²

¹ Ғарбий фронтдаги ўзбек жангчиларининг ўзбек халқига жавоб хати// “Ленин йўли”. 1943 йил 9 февраль. №32(3360).

² Жангчи билан учрашув// “Ленин йўли”. 1943 йил 14 февраль. №37(3366).

Ўзбек шоираси Раъно Узоқова мерган жангчини кутлаб “Хуш келдинг” шеърида шундай дейди:

Ҳазаб отин Ғарбга сурган Муҳаммад,
Ҳиммат билан жангга кирган Муҳаммад,
Бир юз етти ёвни қирган Муҳаммад,
Рустам сифат қаҳрамоним, хуш келдинг!
Қўкрагингга боққан кўзлар камашар,
Погонларинг ғоз қаддингга ярашар,
Дўст қувониб, душманларинг йиғлашар,
Қўш орденли паҳлавоним, хуш келдинг!
Оқдарёдан чиққан азиз паҳлавон,
Халқим сенга офарин дер, эй шоввоз,
Шеърим бўлсин йўлларингга поёндоз,
Марди майдон навқироним, хуш келдинг!
Жангчиларга саломимиз айтгайсан,
Мардлик билан бизларни шод этгайсан,
Ўзбекларнинг дилу жони, хуш келдинг!¹

Вартан Александрович Таньян Самарқанд шаҳрида туғилиб, у ердаги 37-сон ўрта мактабда таълим олди. Уруш бошланган кунларда Вартан Александрович Харьков танк билим юртига киришга кирди. 1944 йилдан жанг майдонларида кураш олиб бори. Таньяннинг номи Бобруйск ва Витебск остоналаридаги жанглардаёқ ҳаммага маълум бўлди. Замбров остоналаридаги жангларда Вартан душманга қарши курашда маҳорат кўрсатди. У артиллерия отишмаларидан сўнг биринчи бўлиб шаҳарга эстириб кирди. Унинг бир ўзи душманнинг 7 танк ва 2 рота пехота аскарига қарши турди. Ўзиюрар замбаракдан ўт очиб, душманнинг иккита транспортёри ва битта офицерлар тушган машинасини мажақлаб ташлади.

¹ Узоқова Раъно. Хуш келдинг// “Ленин йўли”. 1943 йил 16 февраль. №38(3367).

Фраймак пунктида бўлган жангларда унинг машинаси душман снарядидан ёниб кетди. Бу шу кундаги жангда учинчи марта ўзиюлар тўпининг ёниши эди. У чаққонлик билан машинадан сакраб туриб, ярадор бўлган дўстларини бирин-кетин хавфсиз ерга чиқариб қўяди. Вартан охири ярадор дўстини олиб чиқаётганида душманнинг бир дайди ўқи келиб унга тегади. У икки марта Ватан уруши ордени, Қизил Байроқ, Қизил Юлдуз орденлари ва 5 та жангавор медаль билан мукофотланди. Кёнигсберг жанглирида кўрсатган баҳодирлиги учун Қахрамон унвонига сазовор бўлди.¹

Уруш йилларида Самарқандда ўнлаб жангавор қисмлар тузилди. 100-ўзбек отлик дивизияси, 90-алоҳида ўзбек ўқчи бригадаси, 213-ўқчи полк, 83-кавалерия, 78-ўқчи дивизиялари ва бошқа қисмлар шулар жумласидандир.² Бу жангавор қисмларда хизмат қилган жасур ва мард самарқандлик жангчиларнинг кадам излари Польша, Югославия, Италия, Норвегия ва бошқа кўплаб Европа мамлакатларида қолди.

Самарқандликлар хизмат қилаётган ҳарбий қисм 1941-1942 йил қиши давомида душманнинг мотомеханизациялашган ва танк қисмлари билан 21 марта оғир мудофаа жанги қилиб, фашист жангчилари ва ҳарбий техникасига жуда катта талафот етказдилар. Чунончи, Орёл вилоятининг Чухлово шаҳри учун 3 кун давом этган жангда улар душманнинг 18 марта қилган қарши хужумини қайтардилар. Бу жангда душманнинг кучи уларнинг кучидан тўрт барабар кўп бўлса ҳам, фашистларнинг 3 танкини, 1500 га яқин аскар ва зобитини ер тишлатди.³ Жангчиларнинг қаттиқ туриб мардонавор жанг қилиши фашист босқинчиларини мудофаага ўтишга мажбур этди.

¹ Холмуродов Иброҳим. Афсонавий қахрамон // “Ленин йўли”. 1946 йил 13 февраль. № 31 (4355).

² Аминов. Х., Иброҳимов Н. Самарқанд – фронтга. Самарқанд “Сўғдиёна”, 1994.-Б.51.

³ Самарқанд тарихи. Икки томлик. 2-том. Масъул муҳаррир. И.М.Муминов. Т.: «Фан». 1970.-Б.196.

Жануби-ғарбий фронтда ҳаракат қилаётган жангчилар сафида мингларча ўзбек жангчилари ва командирлари жанг қиладилар. Ўзбек жангчиларининг кўпи урушнинг қаҳрамонларига хос сўнмас шуҳратга эришди. Жануби-ғарбий фронтдаги ўзбек жангчилари ўзбек халқига ёзган мактубида шу тўғрисида гапирадилар.

Мактубда шундай сўзлар битилганди: “Севиқли халқимиз шонли фарзандларининг фашист эслимларига қарши қаҳрамонларча жанг қиладиганлиги тўғрисидаги сўзларни эшит. Сен азамат йигитларининг номлари лейтенант Муқом Аҳмедов душманга қарши олиб борилган қаттиқ жангда немис полковнигини ва уч офицерини отиб ўлдирди. Аҳмедов командирлик қиладиган взвод 38 немис аскарларини асир олди..... Самарқандлик аскар Жалилов оғир ярадор бўлган командирини жанг майдонидан олиб чиқди. Ўзи кўлидан ярадор бўлса ҳам қаттиқ оғриққа чидаб, командирини ўлимдан сақлади ва уни хавф-хатарсиз жойга етказиб қўйди. У ўзини фашистлардан қимоя қилиб, душманни 7 аскарини ер тишлагди.

.....Азиз ватандошлар! Ўзбекистоннинг илиқ шамоли бизларга хузур бераётганидек, саноат, кишлок хўжалиги ва маданият соҳасида эришган муваффақиятларингиз тўғрисидаги хабарлар ҳам, бизларни чексиз қувонтирмақда. Мамалакатнинг ичкарасида ўртоқларимиз танк ва самолётлар қуриш учун 300 миллион сўмдан ортиқ пул тўплаганликлари, армия учун режадан ташқари 5 миллион пуд ғалла топширганликлари билан фахрланамиз. Жуда кўп совғалар юборганликларингиз, oilаларимизга ёрдам бериб, улар тўғрисида ғамхўрлик қилганлигингиз учун сизлардан миннатдормиз. Ота-оналаримиз! Оға-ини ва опа-сингилларимиз! Фронтдаги ўғилларингиз ва ака-укаларингизнинг қаҳрамонлик нафарлари меҳнат соҳасида қаттиқ туриб, зўр ғайрат билан ишлашингиз учун намуна бўлсин. Юртимизда ёввойи

немисларнинг биттасини ҳам қолдирмагунча, бир қатра қонимиз қолгунча курашамиз”.¹

Уруш йилларида ўзбек халқининг ёрдами Европадаги қаршилик кўрсатиш ҳаракатини авж олдиришда ҳам яққол кўзга ташланади. Мутахассисларнинг ҳисобларига қараганда, партизанлар тузилмаларида, Европа давлатларидаги яширин кўпоровчилик гуруҳларида 40 мингдан ортиқ совет фуқаролари иштирок этган. Улардаги салмоқли ўринни ҳам юртдошларимиз эгаллашган.² Масалан, Словения, Босния-Герцоговина, Сербия, Македония худудларида фашистларнинг сараланган дивизияларига қарши аёвсиз жангларда самарқандлик Лев Калонтаров, Галина Гриценко, фарғоналик Ўсканбой Холматов, қаттақўрғонлик Қулмамадалиев, тошкентлик Ю.Ф.Рижок, андижонлик Маматхон Жалилов ва бошқа кўпгина ўзбекистонлик ўғлонлар ва қизлар ўз номларини абадий шарафга буркадилар.³

Будапешт учун олиб борилган жанглардан бирида душман кўшинлари қарши ҳужумга ўтишади. Жангчилар бу ҳужумни қайтаришади. Фашистлар ҳужумини қайтаришда жиззахлик Мирзақобил Беков ўз тўпи билан душманнинг икки танкени ер билан яқсон қилади. Паст Дарғомлик тўпчи Тешабой Бегимқулов бир транспортёрни мажаклаб ташлайди. Қаттақўрғонлик Ҳалим Аҳмедов ўз милтиғида ўқ узиб, немисларнинг уч бронемашинасини ишдан чиқарди.⁴

Иккинчи жаҳон уруши йилларида самарқандликлар фашизмга қарши олиб борилган жангларда мардлик ва шижоат намуналарини кўрсатдилар. Самарқандда ҳам миллий кўшин бирлашмалари ташкил қилиниб, фронтга жўнатилди. 1941 йилнинг ноябрида алоҳида миллий ўқчи бригада ва 1943 йил,

¹ Ўзбек халқининг шонли фарзандлари. // “Ленин йўли”. 1943 йил 10 апрель. №78(3406).

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида Б.479.

³ Ўша жойда, В.480.

⁴ Уч баҳодир // “Ленин йўли”. 1945 йил 10 март. №45(3885).

июлда 17 алоҳида Самарқанд батальони тузилди. А.Матросов шижоатини такрорлаб, мардларча ҳалок бўлган пахтачилик Совет Иттифоқи Қаҳрамони Қудрат Суюновнинг, Бресть қалъаси ҳимоячиларидан М.Ҳамроев, К.Михайлов ва бошқаларнинг жасорати тилларда дoston бўлди.¹

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Самарқанд вилоятининг минглаб фарзандлари фашистларга қарши олиб борилган жангларда мардлик ва жасоратлик намуналарини кўрсатди. Вилоятдан 152 мингдан зиёд киши СССР территорияси ва Европанинг кўплаб мамлакатларида кечган жангларда қатнашди. Афсуски, самарқандлик ўғлонлардан 73 минг нафарига она юртига қайтиб келиш насиб этмади. Немис-фашист босқинчилари билан олиб борилган жангларда мардлик ва шижоат кўрсатган самарқандликлардан 49573 киши орден ва медаллар билан мукофатланди, улардан 52 кишига Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвон берилди, 8 киши "Шухрат" орденининг учала даражасига ҳам мушарраф бўлди. Биз бу инсонларни самарқандлик қаҳрамонлар деб атар эканмиз, улар кўрсатган мардлик, жасурлик тўғрисида фарзандларимизга ва келгуси авлодларга ҳикоя қилиб беришимиз керак. Шундай экан, самарқандлик қаҳрамонларнинг номини ушбу ўринда яна бир бор келтириш жоиз деб ўйладик.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони соҳиблари.

1. Абдиршин Рамил Хайруллаевич.
2. Айриев Армен Тевонович.
3. Арутюнов Михаил-Мушег Агатилович.
4. Васильев Дмитрий Павлович.
5. Волков Николай Федорович.
6. Гречихин Никита Артёмович.
7. Губарьков Григорий Максимович.
8. Иванин Егор Иванович.

¹ Қаранг: Голованов А.А., Саидов И.М. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. Часть I-II Самарқанд: Изд. СамГУ., 2006. С. 170.

9. Исмоилов Эшонкул.
10. Йўлдошев Файзулла.
11. Кирпиченко Иван Платонович.
12. Костров Станислав Иванович.
13. Кузьмин Анатолий Наумович.
14. Лагутин Василий Николаевич.
15. Ларионов Семен Архипович.
16. Липчанский Иван Карпович.
17. Машков Игорь Анатольевич.
18. Махмудов Жўра.
19. Махмудов Равшан.
20. Мирзогалимов Газиз Габидулович.
21. Мордвинцев Сергей Анисимович.
22. Муродов Бадир.
23. Мустафоев Бекир Дурсунович.
24. Наврўзбоев Иноят.
25. Нурмонов Пиримкул.
26. Павлушко Аркадий Тимофеевич.
27. Панфилов Михаил Михайлович.
28. Пахомов Петр Михайлович.
29. Позняк Виктор Генрихович.
30. Полежайкин Сергей Иванович.
31. Пригов Владимир Борисович.
32. Попова Надежда Васильевна.
33. Рибалко Василий Иванович.
34. Риндин Павел Антонович.
35. Рутчин Алексей Иванович.
36. Свицерский Александр Григорьевич.
37. Стрельцов Владимир Фёдорович.
38. Суровцев Борис Николаевич.
39. Суюнов Қудрат.
40. Трайнин Петр Афонасьевич.
41. Узоков Облокул.
42. Умеркин Адхам (Абдулхак) Сагитович.

43. Фельзенштейн Миля Лазоревич.
44. Филиппенко Николай Михайлович.
45. Фуковский Александр Васильевич.
46. Хушназаров Сафар.
47. Шарабарин Николай Александрович.
48. Шевелев Сергей Николаевич.
49. Шчербаченко Мария Захаровна.
50. Эргашев Боис Ҳамидович.
51. Якубовский Изроил Семенович.
52. Қаршиев Кўчкор.
53. Қодиров Очил.
54. Қорабоев Элбой.
55. Курбонов Ахмадjon.

“Шухрат” ордени учала даражасининг соҳиблари

1. Голиков Иван Георгиевич
2. Зимин Виктор Васильевич
3. Иванов Мстислов Борисович
4. Маърупов Зубайдулло
5. Мирзаев Исроил
6. Каримов Али Каримович
7. Тагматов Абдухолик
8. Ҳусайнов Ҳурмат Ҳамзаевич¹

Урушнинг ғолибона тамом бўлиши муносабати билан қаракатдаги армия шахсий таркибида бўлган катта ёшдаги кишиларни ҳарбий хизматдан бўшатиш тўғрисидаги ҳукумат қарорининг қабул қилиниши халқимизнинг ғоят катта қувончига асос бўлди.

Халқимиз тўрт йилдан бери соғиниб юрган, буюк ғалабалар билан ўзларининг шонли ватанларига, туғишганлари ёнига қайтаётган ғолибларни зўр иззат ва эҳтиром билан кутиб олди.

¹ Ашинов Ҳ., Вафоев А. Сўнмас юлдузлар. Самарқандлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари. Самарқанд, «Зарафшон», 1994. Б.5-49.

Келаётганларга совға-саломлар топширилди. Улар иш билан таъминланди ва уларнинг оилаларига иқтисодий ёрдам берилди. Паст Дарғом тумани меҳнаткашлари ғолиблар ва уларнинг оилаларини таъминлаш учун 600 минг сўм пул, 49670 килограмм бугдой, 902 килограмм қанд, 710 килограмм ёғ, 519 бош қўй ва эчки, 921 литр вино, 2420 пачка чой, 1160 метр газмол, 341 та кийим-кечак, 288 та уй анжомлари тўплаш билан бирга 114 нафар жангчи оиласининг уйларини капитал ремонтдан чиқардилар.

Шунингдек, Булунғур тумани аҳолиси ғолибларга совға қилиш учун 650 та посилка, 2014 килограмм баҳори ун, 1900 килограмм гўшт, 25000 сўм пул тўплаш билан бирга 555 ҳарбий хизматчи оиласининг уйларини ремонт қилиб берди. Ҳарбий хизматчилар оиласига 300000 сўм пул ва кўп озиқ-овқат маҳсулотлари билан ёрдам қилди.

Туманнинг Бедана қишлоқ советидаги аҳоли ҳарбий хизматдан бўшаб келувчиларни зўр тайёргарлик кўриб, кутиб олишди ва уларга ҳар бири 2500 сўмлик 60 дона посилка, 1928 килограмм ғалла, 22 бош сигир ажратди.

Ўз элларига, туғилиб ўсган жойларига қайтиб келаётган ғолиблар учун халқ ғамхўрлиги оммавий тус олди. Биргина Сиёб тумани меҳнаткашлари ғолиблар учун 280 та посилка, 2240 килограмм ун, 1400 килограмм гуруч, 1400 килограмм гўшт, 280 килограмм ёғ, 420 литр вино тўладилар. “Труд женщин”, “Бофанда” артелининг ишчи-хизматчилари ҳам ғолиблар учун жуда кўп миқдорда совға-саломлар тўладилар.

Уруш даврида Ватан мудофаси учун фидокорона меҳнат қилган ҳамда армияни қурол-яроғ ва озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда жонбозлик кўрсатган Самарқанд меҳнаткашлари ғолибларни кутиб олишга катта тайёргарлик кўрди. Вилоят бўйича ғолиблар шарафига 1 миллион сўмдан кўп пул, 27174 килограмм ун, 67104 килограмм ғалла, 2770 килограмм ёғ, 1245 бош қўй ва эчки, 200 килограмм чой, 4400 метр газмол, 651 та кийим-бош, 499 та ҳар хил уй анжомлари, 3911 литр вино, 11227 килограмм қанд, 4461 килограмм

гуруч, 35788 килограмм курук ва ҳўл мева, 1100 пачка папирос, 1000 пачка гугурт ва 410 кубометр ўтин тўпланиб, 297 ҳарбий хизматчи оиласининг уйлари ремонт қилинди.¹

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон халқи, самарқандликлар урушнинг жанговар солномасига заррин саҳифалар битишди. Улар душман билан мардона курашдилар, фронт орқасида астойдил меҳнат қилдилар. Самарқандда уруш йилларида 12 та ҳарбий госпиталь жойлаштирилди. Мазкур госпиталларда 50 мингдан ортик жангчи ва офицер (зобит) лар соғликларини қайта тикладилар.

¹ Ғолибларнинг умумхалқ эътибори ва ғамхўрлиги // Ленин йўли. 8 август 1945 й. № 146 (1987).

II БОБ

Уруш йилларида Самарқанд вилояти саноати ва қишлоқ хўжалиги

2.1. Самарқанд саноатининг ривожланиши ва ўзгаришлар

Иккинчи жаҳон уруши бошланмасдан олдин Самарқанд вилоятида 195 саноат корхонаси ва уч мингдан ортиқ майда корхона бўлиб, уларда жами 17,3 минг ишчи ишлар эди. Барча корхоналар 1941 йилги нарх билан ҳисоблаганда йилига 926,5 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарар эди. Вилоятда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотининг 53 фоизини озиқ-овқат саноати корхоналари, 31 фоизини тўқимачилик корхоналари (шу жумладан, пахта тозалаш заводи) берар эди. Йирик металл ишлаш саноатининг тармоғи унчалик катта эмас эди: биринчисиники 11 фоиз, иккинчисиники 5 фоиз эди.¹

Вилоят ҳудудидаги саноат корхоналарининг барчаси ўз ишларини уруш даври талабига мувофиқ қайта режалаштириб олди ва фронтга кетаётган малакали мутахассислар ўрнида ишлаш учун ёшлар ва хотин-қизлардан янги ишчи-мутахассислар тайёрладилар.

Саноат корхоналарини ҳарбий асосда қайта қуриш ишлари мураккаб шароитда олиб борилди ва катта қийинчиликларга дуч келинди. Корхоналарнинг янги ишлаб чиқаришига мувофиқ келадиган янги ускуналар топиш ёки яшаш, завод ва фабрикаларни малакали мутахассислар билан таъминлаб туриш зарурияти пайдо бўлган эди. Корхоналарни мутахассислар билан таъминлаш кун тартибидаги жиддий масала бўлиб қолди, чунки урушнинг биринчи ойларидаёқ малакали ишчилар ҳаракатдаги армияга жалб этилган эди.

Урушга кетган ишчиларнинг ўрнини эгаллаш учун саноат корхоналарида ишлаш учун уй-рўзгор ишидаги хотин-қизлардан

¹ Самарқанд тарихи. Икки томлик. Т-2. Масъул муҳаррир И.М.Мўминов Т: Фан, 1970, Б.206.

154 киши келди, улардан 16 киши токар ва селесарлик касбини ўрганиб олиб, “Колхозчи” заводи цехларида меҳнат қила бошлади. Самарқанддаги фабрика, завод қурилишларида 1941 йилнинг охирига келганда икки ярим мингдан зиёд аёллар-жангчиларнинг хотинлари ишладилар.¹

1941 йилнинг ноябрь ойида Самарқандга Новосибирскдан “Красный двигатель”, Ленинград ва Одессадан кинокапаратура заводлари, Полтавадан трикотаж фабрикаси - жами 12 та корхона кўчириб келтирилди.² Самарқандликлар бу корхоналарни янги жойга тиклаб ишга туширишга зўр ғайрат ва матонат билан киришдилар. Корхоналар тегишли мутахассислар билан таъминланди. Бу завод ва фабрикалар тез вақтда мудофаа учун зарур маҳсулотлар етказиб бера бошлади. Уларнинг орасида “Красный двигатель” каби йирик завод мудофаа саноатида ўзига хос ўрин тутди.

1942 йилнинг январь ойига келиб Самарқанд корхоналари ишлаб чиқарган дастлабки маҳсулотлар – кучли прожекторлар, стволлар, гранаталар, снарядлар, ўқ-дорилар ва бошқа ҳарбий аслаҳалар фронтга жўнатилди. Ўша йили саноат корхоналарида кам ишчи кучи билан кўп маҳсулот ишлаб чиқариш, топшириқни ортиғи билан бажариш ҳаракати бошланди. 1944 йилга келиб, шаҳар корхоналарида 4.889 ишчи стахановчасига ишлади, 1885 киши зарбдор, 112 киши кўпстанокчи ишчи номини олди ва 68 та фронтча бригадалар фаолият кўрсатди. 296 нафар илғор ишчи республика ҳукуматининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.¹

Уруш йилларида саноат корхоналари ишлаб чиқариши фронтни ҳамма нарса билан таъминлашга қаратилган экан, “Колхозчи” заводининг жамоаси ҳарбий техникани ремонт қилиб бериб турди, Шойи тўқиш фабрикаси мудофаа саноати учун махсус ипак ишлаб чиқаришга киришган бўлса, “8 Март” фабрикаси эса жангчилар учун кийим-кечак тика бошлади.

¹ Самарқанд тарихи. Икки томлик. Т.2. Масъул муҳаррир И.М.Мўминов Т: Фан, 1970. Б. 207.

² Аминов Х., Иброҳимов Н. Самарқанд – фронтга. Самарқанд. “Сўғдиёна”, 1994. – Б. 5.

1941 йилнинг ноябрь ойида Новороссийскдан Самарқанд шаҳрига кўчириб келтирилган “Красный двигатель” заводи “Колхозчи” заводи территориясига жойлаштирилди ва 1942 йилнинг июнидан бошлаб тракторлар учун запас қисмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. “Глававтотродетал” бўйича берилган буйруқда “Красный двигатель” заводига қуйидаги вазифалар топширилган эди:

1. Новороссийскдан келтирилган ускуналарнинг ҳаммасидан ҳам қишлоқ хўжалик техникаси учун керакли запас қисмларни ишлаб чиқариш учун тўла фойдаланиш.

2. Саҳни 23000 м² ли янги қуюв цехини 1942 йилнинг 20 ноябригача ишга тушириш ва 1943 йилнинг 1 январидан бошлаб ҳар ойда тракторлар учун 1 миллион сўмлик запас қисмлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш.

3. Гильзаларни механик усулда ишлаб берадиган линия ускуналарини 15 ноябрга қадар тахт қилиб қўйиш ва кунига камида 500 дона, 1 январдан бошлаб эса кунига 1000 дона гильза ишлаб чиқариши билан таъминлаш.

4. Поршенларни механик усулда ишлаб берадиган линия ускуналарини белгиланган режанинг бажарилишини таъминлайдиган қилиб қўйиш.

5. Қуюв ва механика цехларидаги ускуналарнинг ҳаммасини “Универсал” трактори учун керакли бўлган гильзани ишлаб чиқариш учун 1942 йилнинг 5 декабрига қадар тайёрлаб қўйиш ва 1 январдан бошлаб кунига 800 дона шундай гильза ишлаб чиқарилиши билан таъминлаш.

6. 1942 йилнинг 15 декабригача термик цехининг биринчи навбатини ишга туширишни таъминлаш.

7. 170,01-02 деталларини ясаш учун керакли мосламаларни тайёрлаб қўйиш.

Завод жамоаси бу топшириқларни муваффақиятли бажарди.

¹ Ўша жойда.

1942 йили завод 20 минг дона поршень ишлаб чиқарди, ўн минглаб эски поршенларни реставрация қилди, 308 та бункер қурди ва завод ишчилари фронт учун зарур бўлган янги махсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштира бошладилар.¹

Каттақўрғондаги ёғ заводининг совун пишириш цехи 1942 йилнинг декабрида совун ишлаб чиқариш режасини 40 тоннага ошириб бажарди. Цех ишчилари совуннинг янги хилларини ишлаб чиқаришга киришдилар. Улар цехда гильдан совун пиширишни тажриба қилиб кўрдилар. 1943 йилнинг январь ойида гильдан 75 тонна совун ишлаб чиқаришни режага киритди. Гильдан совун ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда Орлова, Прохорова, Черниковалар ташаббус кўрсатдилар.²

1942 йилда озиқ-овқат учун истеъмол қилинадиган ёғни кўп миқдорда ишлаб чиқиш ва унинг кунжара билан кетишини камайтириш мақсадида форпресс цехи ишга туширилди. Натижада чигит мағзидан ёғни кўп олиш орқали экстракция аппаратларининг иши анча енгиллаштирилди. Кунжарада ёғнинг ўтиши 2,49 фоизга камайди, меҳнат унумдорлиги 112 фоизга кўтарилди. Шу йили зиғирдан ёғ ишлаб чиқариш ўзлаштирилиб, 3284 тонна ёғ ишлаб чиқарилади. Завод 1943 йилда ўтган йилга қараганда, 1500 тонна кўп ёғ ишлаб чиқаришга муваффақ бўлади. Умуман, уруш йилларида завод 57 минг тонна ёғ, 7800 тонна совун ишлаб чиқаради.

Ишчи-хизматчиларни озиқ-овқат билан таъминлаш учун Каттақўрғон шаҳридаги корxonалар, ташкилотлар ёрдамчи хўжаликларини ташкил этдилар. 1942 йилда пахта тозалаш заводи 97 гектар майдонда, “Рекорд” артели 20 гектар, шаҳар савдо идораси 18 гектар, ёғ-экстракт заводи 97 гектар, туман матлубот жамияти 39 гектар майдонда ёрдамчи хўжаликларини ташкил этади.

¹ Самарканд тарихи. Икки томлик. Т.2. Масъул муҳаррир И.М.Мўминов Т: Фан, 1970, Б.212-213.

² Совун ишлаб чиқариш кучаймоқда.// “Ленин йўли”. 1942 йил 29 июль. № 22 (3350).

Самарқанд шаҳрининг Сиёб туманида 1941 йилгача 12 та завод, 14 артель ва 2 та комбинат фаолият кўрсатган бўлса, 4 йил давом этган уруш даврида Куйбишев номли завод, “Кинап”, мотор-ремонт заводи, сок ишлаб чиқариш заводи, қилчўтка фабрикаси ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш заводлари қурилиб ишга туширилди.

Бундан ташқари артелларнинг сони анча ортди: “Ватан”, “Большевик”, “Ўзбекистоннинг 24 йиллиги”, “Инвалид труда”, “Красный кожевник”, “Прогресс” ва камиш материаллари ишловчи янги артеллар вужудга келди.

Уруш йилларида Сиёб районидаги саноат ишчилари ва хунармандлар жангчилар учун 615 сўмлик иссиқ кийимлар, 1200 дона посылкалар юборди. Уруш майдонларида қахрамонларча жанг қилганларга 444 минг сўм пул тўплаб берди. Уруш ногиронларига 67 минг сўм ёрдам қилинди. Озод қилинган туманларга 3861 дона кийим бош, 5000 дона ҳар хил китоблар жўнатилди.

Уруш даврида Сиёб туманидан 21 киши ҳукуматнинг олий мукофоти - орден ва медаллар билан, 200 киши Ўзбекистон ҳукуматининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.¹

Уруш йилларида Самарқанд вилоятига ғарбий туманлардан кўчириб келтирилган “Серп и молот” мева консерва заводи, Москва чой қадоклаш фабрикаси, яна иккита қанд ишлаб чиқарувчи завод (Зирабулоқ ва Красногвордейск – ҳозирги Булунғур) жойлаштирилди. Бу корхоналарнинг тўла ишлаши учун ҳамма шароит яртиб берилди ва бу корхоналар тезда маҳсулот ишлаб чиқаришга киришди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида шаҳардаги саноат корхоналари учун ёшлардан 3 мингга яқин ёш мутахассис тайёрланди, вилоятда ҳаммаси бўлиб 14,5 минг ёшлар турли ишлаб чиқариш касбини ўрганиб олдилар. Бу даврда Самарқанд корхоналарида 150 дан ортиқ янги цех

¹ Сиёб райони меҳнаткашларининг ватанпарварлиги// “Ленин йўли”. 1945 йил 22 июнь. № 115 (3956).

бунёд этилди, 200 хилдан зиёд янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, ишлаб чиқаришнинг умумий даражаси икки баравар оширилди. Йирик саноат асосий фондларининг киммати урушдан олдинги нархлар билан ҳисоблаганда 1940 йилдаги 123,4 миллион сўмдан 1945 йилда 228,3 миллион сўмга етди.¹

Каттақўрғон шаҳри меҳнаткашлари ҳам уруш йилларида ўз фидокорликлари билан жонажон шаҳри тарихига шонли саҳифалар битдилар. Шаҳар саноатчилари шу тўрт йилда 39,4 минг тонна пахта толаси, 57 минг тонна ўсимлик мойи, 7,8 минг тонна совун, 7,7 миллион сўмлик (1940 йилги нархларда) кийим-кечак ва бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришди.²

Самарқанд меҳнаткашлари бу даврда ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан фронт учун озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари кўп миқдорда ҳарбий қурол-яроғ ва ўқ-дори етказиб берди.

2.2. Вилоят қишлоқ хўжалиги

Уруш Самарқанд вилоят қишлоқ хўжалик ходимларини ҳам каттиқ синовдан ўтказди. Қишлоқ аҳли олдида саноатни хомашё билан, аҳолини озиқ-овқат, кийим-кечак билан узлуксиз таъминлашдек улкан, мураккаб вазифа турар эди. Бу даврда вазиятнинг мураккаблиги шунда эдики, биринчидан, республика қишлоқ хўжалиги, асосан, пахта етиштиришга мўлжалланган бўлса, иккинчидан, бу вақтда эвакуация (кўчириб келтирилганлар) қилинган аҳоли ҳисобига шаҳарлар аҳолисининг кўпайиши озиқ-овқатга бўлган талабни янада оширди. Учинчидан, куч-қувватга тўлган деҳқонлар фронтга ва ҳарбий саноатда ишлашга сафарбар этилган, деҳқончиликнинг машаққатли ишлари кексалар, аёллар, ўсмирлар зиммасига

¹ Самарқанд тарихи. Икки томлик. Т.2. Масъул муҳаррир И.М.Мўминов Т: Фан, 1970, Б.220.

² Хотира. Самарқанд вилояти. Биринчи китоб.-Т.: "Ибн Сино" 1994, Б. 6.

тушган эди. Тўртинчидан, МТС ва совхозларга Ғарбдан янги тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва уларга эҳтиёт қисмлар келтириш тўхтаб қолди. Бундан ташқари, хўжаликдаги тракторлар, автомобиллар, отларнинг бир қисми армия эҳтиёжлари учун олиб кетилган эди.

Қишлоқ хўжалигининг барча бўғинларида катъий иш тартиби белгиланди. Энг кам миқдордаги мажбурий меҳнат кунлари 1,5 бараварга оширилди, ўсмирлар учун ҳам 12 ёшдан бошлаб меҳнат кунлари белгиланди. Белгиланган миқдордаги меҳнат кунлари мажбурий қилиб қўйилди.¹

Уруш йилларида қишлоқ хўжалик ходимлари ҳам юксак ватанпарварлик кўтаринкилиги шароитида душман устидан ғалаба қозониш йўлида фидокорона меҳнат қилдилар. Уларнинг фикри-зикри Ватан олдидаги муқаддас бурчини кўнгилдагидек бажаришда эди. Тонг саҳардаёқ далаларда иш қизирди. Ёш болалардан тортиб, то қарияларгача, хуллас, фашист босқинчиларига қарши умумий курашга заррача бўлса-да, ўз улушини қўша оладиган ҳамма-ҳамма далага чикди.

Саноатда бўлганидек, қишлоқ хўжалигида ҳам фронтга кетган эркаклар ўрнини хотин-қизлар ва ўсмирлар эгаллашди.

Колхозчилар пахтадан мўл ҳосил олиш учун кўтаринки руҳда меҳнат қилишди. Йил бўйи қилинган меҳнат эвазига кўпчилик хўжаликлар юқори ҳосил йиғиб олиб, гектаридан 30-35 центнердан пахта олишга эришдилар. Айрим звенолар эса мисли кўрилмаган ҳосил кўтаришди. Бунда вилоятнинг Ургут туманидаги “Ўзбекистон беш йиллиги” колхозида гектаридан 100 центнердан пахта йиғиштириб олган пахтакор Руқия Қурбонова бошлиқ звенони мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Паст Дарғом туманидаги “Оқ олтин” колхозининг Мамадали Бобоқораев

¹ Usmonov Q., Sodiqov M.O'zbekiston tarixi (1917-1991-yillar): Akademik litsey va kasb-hunar kollejlari 1-bosqich o'quvchilari uchun darslik. Mas'ul muharrir: Q.Rajabov. – T.: “Sharq”, 2011. – B.133.

бошлиқ звеноси 70 центнердан, “Авангард” колхозидан 72 яшар Нишон Раҳматов звеноси 38,5 центнердан ҳосил олишди.¹

1942 йилининг февраль ойида “Ўзинг учунгина эмас, армиядаги ўглинг, ака-укаларинг ва эринг учун ҳам ишла” деган шиор кенг ёйилди. Бунга биринчилардан бўлиб Самарқанд вилояти меҳнаткашлари ҳам қўшилди.

Урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб колхоз ва совхозларда сабзавотчилик, боғдорчилик ишларига ҳам алоҳида эътибор берилди. 1941 йил якуни ёмон бўлмади. Биргина Самарқанд вилоятида давлатга пландан ташқари 1659 тонна карам, 2199 тонна помидор, 292 тонна бодринг, 3060 тонна сабзавот ва 270 тонна узум топширилди.²

Урушнинг биринчи йилида малакали мутахассислар, меҳнатга лаёқатли эркакларнинг фронтга, мудофаа саноатига кенг жалб қилиниши натижасида республика колхозларида меҳнатга ярокли бўлган эркакларнинг сони 28 фоизга камайиб кетди. Шундай бир шароитда республика қишлоқ хўжалиги олдида катта масъулиятли вазифалар турар эди. Республикага фронт ва фронт ортини муттасил равишда озиқ-овқат, саноатни эса хомашё билан таъминлашдек ғоят масъулиятли вазифа юклатилганлигини назарга олиб, қишлоқ хўжалик экинлари, биринчи навбатда, донли экинлар майдонини кенгайтириш бўйича конкрет чоралар белгиланди. Жумладан, республика учун янги экин — қанд лавлаги экиш учун 65 минг гектар ер ажратиш, муҳим мудофаа аҳамиятига эга бўлган пахта ҳосилдорлигини ошириш ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўплаб етиштириш вазифалари қўйилди. Бу улкан вазифаларни бажариш ишлари, асосан қишлоқ хотин-қизлари зиммасига тушди. Ана шундай шароитда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида асосий кучни хотин-қизлар ташкил қилди. 1942 йилда Самарқанд вилоятида колхоз ишлаб

¹ Иноятов Х. Ғалабага қўшилган ҳисса. Т., “Фан”, 1975. — Б.74.

² Пулатов У. Улуғ Ватан уруши ғалабасига Ўзбекистон меҳнаткашларининг қўшган ҳиссалари. Т., “Ўзбекистон”, 1967. — Б.9.

чиқаришида банд бўлган кишиларнинг 60 фоиздан кўпроги хотин-қизлардан иборат эди.¹

1942 йилда пахта майдонларида етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай, ўз вақтида йиғиб-териб давлатга топшириш учун умумхалқ мусобақаси авж олиб кетди. Вилоятнинг Примкент қишлоқ советига қарашли Ленин номи колхоз пахтакор аёллари ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишди. Вилоятда донг таратган Хосият Файзиева бригада хирмонияга 150-160 килограммдан пахта териб топширди. Шу колхознинг илғор теримчиси Саломат Юсупова кунлик нормани 300 фоизга етказиб бажарди. Қоратухум қишлоқ советига қарашли собиқ Калинин номи колхознинг 12 илғор теримчи аёллари эса кундалик нормани 200-300 фоиздан бажаришди.²

1945 йилда Ўзбекистонда 850,4 минг тонна пахта етиштирилди. Кўпчилик хўжаликларда гектаридан 30-35 центнердан пахта ҳосили олишга эришилган бўлса, айрим звено ва бригадалар мисли кўрилмаган муваффақиятларни қўлга киритди. Масалан, Самарқанд вилоятининг Пахтакор туманидаги Ленин номи колхознинг Тожиҳон Хусанова бошлиқ звено аъзолари гектаридан 118 центнердан ҳосил топширди.³

1941 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон КП Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда республикада дон етиштиришни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Кенгашда 1942 йилда дон экин майдонларини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор берилди. Шунга кўра, 1942 йилда Ўзбекистонда дон экинлари майдони 1942 йилга нисбатан 333,2 минг гектарга кенгайтирилди. Бу, албатта, уруш туфайли ишчи кучининг камайиб кетганлиги сабабли кўшимча меҳнат, куч-ғайрат талаб қиларди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви. (ЎЗРМДА), 90-фонд, 3-рўйхат 5574-ши, 27-варак.

² Тошхўжаева Н. Ўзбекистон қишлоқ хотин-қизлари уруш йилларида. Т., Фан, 1985. — Б.9.

³ Ўша жойда. — Б.22.

Бундан ташқари, уруш даврининг қийинчиликлари, шунингдек, Украина ва Шимолий Кавказ каби ғаллакор туманларни фашистлар томонидан вақтинча босиб олиниши Ўрта Ўш ва Қозоғистон республикалари, жумладан, Ўзбекистондаги туман ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни қийинлаштиришни тақоза қилди. Маълумки, уруш бошланишига қадар республикада етиштирилган ғалла тахминан 2-3 ойга етар қисқарди, холос. Қолган ғалла Украина, Шимолий Кавказ ва Волгабўйи туманларидан келтирилар эди. Уруш бошланиши билан аҳвол бутунлай ўзгарди.

Бу даврда етиштирилган ғаллани қисқа вақт ичида йиғиб-териб олишда кўплаб колхозчи хотин-қизлар матонат ва шижоат билан меҳнат қилишди. Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманига қарашли Энгельс номи колхознинг Марям Ортиқова, Шайхузи Тожиева, Хосият Ҳайитова каби меҳнаткаш аёллари ҳар йили нормидаги 0,18 гектар ўрнига 0,35-0,45 гектардан буғдой тайвонидидаги ғаллани ўрдилар. Ургут туманидаги Куйбишев номи қишлоқ хўжалик артели аъзоси К.Камадиева, Жиззах туманига қарашли Карл Маркс номи колхоз аъзоларидан Хосият Абдулаёрова, Ҳидоят Абдуллаева, Усмон Юсупов номи колхоздан Ш.Норматова, Ш.Салимова ва бошқа стахановчилар ғалла ўриш кундалик режасини 300-400 фоизга етказиб бажардилар.¹

Самарқанд туманидаги “Большевик” колхозининг 300 га яқин елкор хотин-қизлари кундалик иш нормасини ортиғи билан бажаришди. Ғалла ўрим-йиғими вақтида қариялар ҳам умумхалқ ишига ўз хиссасини қўшиш истагини билдиришди. Самарқанд туманидаги Ленин номи колхознинг ўзида 103 нафар қария меҳнат фронтига отланди.²

Вилоят ёшларининг ташаббуси билан ғалла ўрими даврида ёш елкорлар бригадаси ташкил қилинди. Бу бригада аъзолари ғалларининг шижоатли меҳнати билан ҳаммага ўрناق бўлишди.

¹ “Ленинский путь”. 27 июля 1941 г.

² Тошқужаева Н. Ўзбекистон қишлоқ хотин-қизлари уруш йилларида. Т., Фан, 1985. – Б.26-27.

Масалан, Хатирчи туманидаги “Оқ олтин” колхозининг ёшлари Исмоилова, Қодирова, Рўзимуродова, Ургут туманидаги Охунбобоев номли колхоз аъзолари Махбуба Тиллаева, Норхол Файзиева ва бошқалар кундалик нормани 2- 2,5 баровар ортиғи билан бажаришди. Қишлоқ хўжалик меҳнатқашларининг ғалла ўрим-йиғими даврида кўрсатган оммавий меҳнат жасоратлари натижасида республикада етиштирилган ялпи дон маҳсулоти 104 миллион пудгаётказилди. Бу 1940 йилга нисбатан қарийб, икки баробар ортиқдир.¹

Ўзбекистон ҳукумати республикага фронт ва фронт ортини озик-овқат, саноатни эса хомашё билан таъминлашдек масъулиятли вазифа юклатилганидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиғи олдиға республика учун янги экин-қанд лавлагини экиш ва ўзлаштиришни вазифа қилиб қўйди. 1942 йилда 61,5 минг гектар ерга қанд лавлағи экилди. Қанд лавлағи, асосан, Самарқанд, Фарғона, Тошкент, кейинчалик, Қашқадарё вилоятларида экилди. Ўзбекистонда етиштирилган қанд лавлагини қайта ишлаш учун 4 та қанд заводи (Самарқанд вилоятида 2 та – Булунғур ва Оқтошда, Тошкент вилоятида – Янгийўл шаҳрида, Қўқон шаҳрида 1 та) ишға туширилди.

Ўзбекистон меҳнатқашларининг қанд лавлағи етиштиришда ҳали тажрибаси кам бўлишиға қарамай, 1942 йилда республика бўйича гектаридан ўрта ҳисобда 123 центнердан ҳосил олишға эришилди. Айрим туман, колхоз ва звенолар эса юқори кўрсаткичларға эришди. Масалан, Булунғур туманидаги “Йўлбошчи” колхози лавлагикорлари гектаридан 500, “Ўзбекистон” ва “Маданият” лавлагикорлари эса 800 центнердан ҳосил олишға муваффақ бўлишди. Паст Дарғом туманидаги Пушкин номли колхоз аъзолари 1006, Жиззах туманиға қарашли “Ленин” номли колхоз аъзоси Фотима Сафарова бошлиқ звеноси 600, шу колхознинг Муаззам Убайжонова бошлиқ бригада

¹ Аминова Р.Х. Колхозное крестьянство Узбекистана в годы Великой Отечественной войны. Тошкент, 1979.-С.105.

аъзолари 1296 центнердан қанд лавлағи олишди. 1943 йилда республика лавлагикорлари давлатға 1 миллион 565 минг центнер лавлағи топширди. Ўзбекистонда қанд лавлағи етиштириш ва унинг ҳосилдорлиғини оширишға ихтисослашган туман ва колхозлар ташкил қилишни талаб қилар эди. Шу мақсадда республиканинг 21 қишлоқ хўжалик туманларида қанд лавлағи етиштириш бўйича ихтисослашган 436 колхоз ташкил қилинди.¹

Вилоятнинг Паст Дарғом туманидаги собиқ “Память Ленина” колхози лавлагикорлари ҳар гектардан 389, “Қизил меҳнат” қишлоқ артели звено бошлиғи Хайринисо Юсупова 510, Булунғур тумани “1 май” колхозининг звено бошлиғи Очилой Тошбекова 502, Жиззах тумани “Комсомол” қишлоқ артелининг Низомов бошлиқ звеноси 440 центнердан лавлағи олишди.

Юқорида келтирилган маълумотлар Самарқанд вилояти деҳқонлари республикамызда қанд лавлағи етиштиришни ривожлантиришға катта ҳисса қўшганлиғини, фронт ва мамлакатни қимматбаҳо озуқа билан таъминлашда жонбозлик кўрсатганлиқларини яққол кўрсатиб турибди.

Уруш йилларида республика қишлоқ хўжалиғида кескин ўзгаришлар юз берди. Пахтачилик асосий тармоқ сифатида сақлаб қолинган ҳолда дон, қанд лавлағи, каноп, пилла, сабзавот, полиз экинлари етиштиришни кўпайтириш чоралари кўрилди. Қишлоқ хўжалиғида янги тармоққанд лавлағи етиштириш йўлга қўйилар экан, Самарқанд, Фарғона, Тошкент, Қашқадарё вилоятлари лавлағи етиштириш учун 65 минг гектар экин майдони ажратилди. Кейинги йилларда 70 минг гектардан ортиқроқ ҳосилдор ерларға қанд лавлағи экилди. Жиззах, Паст Дарғом туманларида ҳар гектаридан 400-800 центнердан лавлағи ҳосили олинди.²

¹ Тошхўжаева Н. Ўзбекистон қишлоқ хотин-қизлари уруш йилларида. Т., Фан, 1985. – Б.30
² Уша жойда. Б.134.

Бу даврда Самарқанд шаҳрига кўчириб келтирилган Тимирязов номли қишлоқ хўжалик академиясининг профессори Селезнев бригадаси оддий асбобларни лавлаги кавлашга мослаштириш юзасидан олиб борган ишларини яқунлади ва бу асбоблар Пастдагом туманидаги Пушкин номли колхозда синаб кўрилди. Синов ишлари яхши натижа берди, профессор Селезнев томонидан мослаштирилган омов, “КС” плуги ва қазил машиналаридан лавлаги қазилда фойдаланиш маъқуланди ҳамда бу асбоблардан фойдаланиш учун уни кўплаб ишлаб чиқариш чоралари кўрилди.¹

Тимирязов номли қишлоқ хўжалик академиясининг бир гуруҳ илмий ходимлари академик Алексеев раҳбарлигида Самарқанд туманидаги Пушкин номли колхозда лавлагини қуриши тажрибасини ўтказдилар. Ўтказилган тажриба муваффақият билан тугалланди.

Ўзбекистондаги лавлаги экувчи колхозлар учун лавлаги қуриши технологияси юзасидан йўл-йўриқ ишлаб чиқилди.

Академия илмий ходимлари қурилган лавлагини ташиб олиши учун исканжа (пресслаш) қилиши усулини ишлаб чиқдилар. Академик Алексеев, профессорлардан Якуб, Мунин ва доцент Ивановлар исканжа қилиши учун гидравлик прессдан, отга қўшадиган пичан пресси, узум ва пахта пресси билан фойдаланиши йўллари аниқладилар.²

Бу даврда Зирабулоқдаги қанд заводи 5 туманга хизмат қилади. Завод қабул пунктлари 1942 йил 1 миллион 328 600 центнер лавлагини қабул қилиб олиши учун 7 жойда ташкил қилинди.³

Уруш йилларида чорва туғини кўпайтиришга ҳам эътибор берилди. Пахтакор туманининг “Қизил чорва” колхозидан 1942 йилнинг июлига келиб қўйларнинг сони 32000 тага етди. Чорва

¹ Лавлаги қазил учун янги асбоблар// “Ленин йўли”. 1942 йил 5 сентябрь. № 209 (3233).

² Лавлаги қуришида янги тажриба// “Ленин йўли”. 1942 йил 6 сентябрь. № 210 (3234).

³ Қанд лавлагини қазил ва тайёрлаш олдидан// “Ленин йўли”. 1942 йил 9 сентябрь. № 212 (3236).

туғини кўпайтиришида чўпонлардан Зокир Раҳматов, Рўзбой Пўлатов, Тўра Жўраевлар намунали ишлаб, ҳар 100 бош қўйдан 130-145 тадан қўзи олишади. Шу йилнинг ўзида давлатга 9300 та ўрнига 10700 та қоракўл тери топшириши ва топширилган териларнинг 65,4 фоизи биринчи сортга қабул қилинди.¹

Ғаллаорол туманида ҳам чорва туғини кўпайтириши учун анча ишлар қилинди. “Сталин” колхозини чўпонлари режада кўрсатилган 1838 ўрнига 1934 бошга қўйларни кўпайтиради. “Социализм” колхозидан 542 бош, “Янги деҳқон” колхозидан 547 бош, Зомин районидаги Оржоникидзе номли колхозда қисқа давр ичида қўйлар сонини 1000 бошга, йилқилар сони 200 га, қора молларни 150 бошга етказди.¹

Уруш йилларида ишчилар билан деҳқонлар ўртасидаги жипслик, ўзаро ёрдам янада кучайди. Саноат корхоналари колхозларни оталиққа олиб, уларга қишлоқ техникалари, эҳтиёт қисмлари билан ёрдамлашдилар. Шаҳарликлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари йиғиб олишда фаол қатнашдилар. Колхозчи деҳқонлар эса саноат соҳасидаги умумхалқ қурилишларига фаол иштирок этдилар. Масалан, Фарҳод ГЭС қурилишининг ўзидагина Самарқанд вилоятидан 12 мингдан зиёд колхозчи қатнашдилар. Яна бу даврда деҳқонлар шаҳар аҳолиси ва саноат корхоналари ишчиларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб турди. Масалан, Пахтакор туманининг меҳнаткашлари Сўх тумани меҳнаткашларининг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, шаҳар меҳнаткашлари учун озиқ-овқат маҳсулотларини юбориши учун ҳаракат қилиб, қисқа вақт ичида 11500 килограмм сабзавот, 300 килограмм қуруқ мева, 200 килограмм гўшт, 70 килограмм ғалла ва бошқа нарсаларни шаҳар меҳнаткашларига жўнатдилар. Бойкут қишлоқ советидаги Карл Маркс номли колхоз аъзолари (раиси Алибоев) шаҳар меҳнаткашлари учун 350 килограмм ғалла, 1600 килограмм сабзавот, “Қизил аскар” колхоз аъзолари

¹ Чорвачилик ривожлансин// “Ленин йўли”. 1942 йил 7 июль. № 157 (3181).

20 килограмм ёғ, 292 килограмм ғалла, Султонобод қишлоқ советидаги Карл Маркс номли колхоз меҳнаткашлари 1119 килограмм сабзавот, 30 килограмм ёғ бердилар.²

Уруш йилларида ишчилар ва деҳқонлар ўртасидаги жипслик, ўзаро ёрдамни кучайиши фашизмни тор-мор қилиниши сонияларни янада яқинлаштирди.

Шу жумладан, қишлоқ хўжалигини кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадида 1943 йил Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг, 13 февралдаги фармонида мувофиқ, вилоятда янги туман Қўшработ тумани тузилди. Бу туман Митан, Нурота ва Хатирчи туманларини майдалаштириш ҳисобига тузилиб, қуйидаги қишлоқ советларидан иборат бўлган:

а) Митан туманидаги Қўшработ, Қоратош, Гойибота, Юқори Сарой, Бозоржой қишлоқ советлари;

б) Нурота туманидаги Устук, Оқчоп, Жўш қишлоқ советлари;

в) Хатирчи туманидаги Кўк, Қўшҳовуз қишлоқ советлари.

Туман маркази – Қўшработ қишлоғи этиб белгиланди.³

Шу йилнинг май ойига келиб, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми вилоят ижроия кўмитасининг айрим туманларни майдалаштириш тўғрисидаги илтимосини қондириб, Самарқанд вилояти таркибида қуйидаги янги туманларни ташкил қилиш тўғрисида фармон чиқарди.

1. Иштихон тумани, маркази - Иштихон қишлоғи. Бу туман Қорадарё ва Оқдарё туманларини майдалаштириш ҳисобига ташкил қилинди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1943 йил, 19 майдаги фармонида кўра Иштихон тумани таркибига қуйидаги ҳудудлар киритилди:

а) Қорадарё туманидаги: Сорибозор, Сўғот, Тарвузтовок, Карта қанглилик, Оқтепа ва Толлизиғир қишлоқ советлари;

¹ Чорвачиликни ривожлантириш бугуннинг муҳим вазифаси// “Ленин йўли”. 1942 йил 12 июль. № 162 (3138).

² Ғамхўрлик тобора кучаймоқда// “Ленин йўли”. 1943 йил 7 февраль. № 30 (3359).

³ Қўшработ райони тузилди// “Ленин йўли”. 17 февраль 1943 й. № 39 (3367).

б) Оқдарё туманидан: Бодай, Қатағон, Шайхлар қишлоқ советлари ҳамда Сўғончи қишлоқ советидаги Охунбобоев номли, Примкент қишлоқ советидаги Ленин ва Ворошилов номли, Қоратухум қишлоқ советидаги Сталин номли колхозлар;

2. Қорақишлоқ тумани, маркази – Қорақишлоқ қишлоғи. Бу туман Ғаллаорол туманини майдалаштириш ҳисобига тузилди.

Қорақишлоқ тумани таркибига тоғлик жойлардаги Бахмал, Ғалдиоровут, Калтой, Қоратош, Ленин, Мўғол ва Қорақишлоқ қишлоқ советлари киритилди.



Каттақўрғон районидаги ордени “Пролетарий” колхозининг “юз центнерчи” звено бошилиги Мурод Ражабов ўз участкасидаги гўзаларни етти марта чопиқ қилди.



Ватанпарварлар. Чандан ўнга: 1. Жиззах районидаги Горький номли колхоз тракторчиси Чинни Отабоева; 2. Самарқанд МТС тракторчилари С.Файзиева Н. Шукуровалар; 3. Пахтакор районидаги Ленин номли колхоз звено бошилиги, Тоғжихон Хусанова.



*Обид Зиёев - Богишамол
районидаги "23 февраль"
номли колхознинг
пиллачилик бригадасининг
бошлиги*



*Пахта йиғим теримида Самарқанд
районидаги 27-тўлиқсиз ўрта мактаб
ўқувчилари катта меҳнат қаҳрамонлиги
кўрсатишди. 7-синф ўқувчиси Зеби Тоҳирова
(ўнгда) кунига 100 кг.дан пахта терди.*



*Тоҳир Раҳмонов – қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг барча турларини
етказиш бўйича давлат режасини муддатидан олдин бажарган
Самарқанд районидаги Хишрав қишлоқ совети раиси.*

2.3. Самарқанд меҳнаткашларининг Фарҳод ГЭСи қурилишида иштироки

Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистонда саноат корхоналари қувватининг кенгайиши, уруш ҳаракатлари бўлаётган ҳудудлардан кўчирилиб келтирилган завод ва корхоналарнинг ишга туширилиши биринчи навбатда электр энергияси ва ёкилғи ишлаб чиқаришни талаб қилди, бироқ мавжуд энергетика қувватлари бундай талабга жавоб бера олмас эди. Бу муаммони ҳал қилишда кўмак сўраб Ўзбекистон Республикаси партия ва ҳукумати Иттифок ҳукуматига хат йўллади. Тез вақт ичида, 1942 йилнинг 18 ноябрида ВКП(б) МҚ ва СССР Халқ Комиссарлар Совети "Ўзбекистон ССРда бешта гидро электрстанция қуриш тўғрисида" қарор қабул қилади.¹ Республикада қуриладиган гидроэлектр станцияларидан энг каттаси Фарҳод ГЭСи эди. 1943 йилнинг 10 февраль куни кундуз соат 13:00 да тўпдан узилган уч ўқ Фарҳод гидро электр станциясининг барча участкаларида оммавий иш бошланганини билдирди ва 40000 га яқин меҳнаткаш катта уюшқоқлик билан ер қазиш ишларига киришди.

Бутун Ўзбекистон халқи қуришга киришган Фарҳод ГЭСи қурилишида Самарқанд вилояти меҳнаткашлари ҳам фаол қатнашди. Қурилишнинг дастлабки оғи бўлган февралда вилоят меҳнаткашлари 3335000 кубометр тупроқ қазиш керак бўлиб, бу ишларда 12000 киши иштирок этди. Самарқанд вилояти қурилишга бу вақтда 22 минг кетмон ва бел (лопатка), 11 мингдан кўпроқ метин ва лом, 5 мингга яқин замбил, арра, болта ва бошқа асбоблар етказиб берди.

Вилоятнинг Самарқанд тумани Фарҳод ГЭСи қурилишида ишловчилар учун турар жой қуришга 75 киши ўрнига 84 киши ва зарур бинокорлик материалларини юборди. Иккинчи навбатда

¹ Usmonov Q. O'zbekiston tarixi (1917-1991-yillar). Akademik litsey va kasb hunar kollejlari 1-bosqich o'quvchilari uchun darslik. To'ldirilgan beshinchi nashri. T.: "Sharq", 2011.-B.128.

480 киши, 3 вагон ўтин, 2 вагон кетмон, замбил, ғалтак, белкурак, болға, метин ва шу каби нарсалар, учинчи навбатда 200 киши, 1 вагон сомон, 1 вагон ёғоч материаллари, 28 дона гилам, 23 дона печка жўнатди.

Фарход ГЭСи қурилиши қатнашчиларини озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш мақсадида 21 тонна озик-овқат маҳсулотлари, 40 та қўй билан 21 кишини жўнатди.

Комсомол тумани (ҳозирги Тайлоқ) Жумабозор кишлоқ совети меҳнаткашлари қурилиш қатнашчиларини озик-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида 2000 килограмм картошка, 1000 килограмм сабзавот, 20 килограмм ёғ, бир бош қорамол юборди. Бундан ташқари қурилишга 30 метин, 5 мисранг (лом), 20 дона бўйра, 40 килограмм арқон, 10 кубометр ёғоч, 10 арава қамиш ва бошқа нарсалар жўнатди.¹

Митан райони меҳнаткашлари эса 2737 килограмм ғалла, 735 килограмм гўшт, 26000 сўм пул тўплаб жўнатдилар. Бундан ташқари, 818 та шахсий совғалар тўпланиб, Фарход ГЭСи қурувчиларига жўнатилди.¹

Республикадаги янги қурилишлар учун керакли материаллар, ёғоч, асбоб-ускуна, хўжалик-маиший эҳтиёжларга ишлатиладиган ускуналар, бинокорлик механизмлари, электр қуввати берадиган асбоблар республика меҳнаткашларининг фаоллиги ва ватанпарварлиги билан тўпланди. Фарход гидро электрстанцияси қурилишига қисқа вақт ичида 20000 дан ортиқ кетмон ва қурак, 5000 кирка ва лом, 40000 қоп ва замбил, 6000 кубометр ёғоч, 25000 дона ҳар хил буюмлар, кўп миқдорда хўжалик ва рўзгор асбоблари – стол, стул, қаравот, шкаф, умивальник, куб, идиш, бак, лампа ва шу сингарилар етказиб берилди.

1943 йилнинг январь ойининг охирида турар-жой қуриш учун Фарход гидро электрстанцияси қурилишига республиканинг вилоятдан 7000 меҳнаткаш келди. Улар колхозлар (жамон

¹ Фарход ГЭСи қурилишида хиссамиздаги вазифаларини шараф билан бажарайлик! // "Ленин йўли" (ҳозирги "Зарафшон") газетаси. 1943 йил 12 февраль. № 36 (3364).

хўжаликлари)дан транспорт воситалари – от қўшилган 400 дан ортиқ арава ва бричка, ем-хашак, асбоблар, ёғоч материаллар, қамиш буюмлар, ёкилги, озик-овқат, хўжалик-маиший эҳтиёжларга ишлатиладиган анжомлар ҳам келтиради. 20 кун ичида 40000 кишилик ертўлалар ҳам тайёрланади.

1943 йилнинг 10 феврилида бошланган қурилишнинг икки ойи ичида 3 миллион кубометрдан ортиқ ер қазилди, 15 километр узунликдаги масофага темир йўл изи қуриш учун жой тайёрланди, 10 километр узунликдаги масофага темир йўл қурилди.² Бутун қурилиш майдонида телефон ва селектор алоқаси барпо этилди, ўн километр узунликда тош йўл тайёрланди, электр қуввати ўтказадиган симлар, қувват станцияси, механика ишхоналари, шағал тайёрлайдиган завод қурилади.

Уруш даврининг энг катта қурилиши бўлган Фарход ГЭСида ишлаётган қурувчилар учун Ургут тумани аҳолиси 400 та посилка, 900 кубометр ёғоч, 80 та мол, 300 қоп, 400 замбил, 3000 сўм пул ва бошқа нарсалар тўплаб юборди.³ Хатирчи туман меҳнаткашлари эса қурувчиларга 560 килограмм буғдой, 180 килограмм гўшт, 8 қўй, 85 килограмм ёғ юборди.

Қурилишдаги ер қазил ишларида Самарқанд вилоятдан 200 дан зиёд хотин-қиз иштирок этади. Паст Дарғом туманидан келган Катя Ковюхова ҳар куни 7-8 норма, Қўшработ туманидан келган Назарова ва Раҳмоновалар кунлик нормаларини 4-5 ҳисса бажарганлар.

Қўшработ тумани меҳнаткашлари 26 метр узунликдаги канал қурилиши ишларини бажарадилар. Қўшработликлар қазиган ерни кўрган ҳар бир киши каналнинг қандай бўлиши ҳақида тушунча ола олади. Каналнинг чуқурлиги 10 метр, кенглиги 94 метр

¹ Фарход ГЭС га ёрдам // "Ленин йўли". 1943 йил 8 декабрь. № 244 (3576).

² Юсупов Усмон. Халқ қурмоқда // "Ленин йўли". 1943 йил 30 апрель.

³ Вўронов И. Қурувчиларга совға // "Ленин йўли". 1943 йил 4 май. № 94 (3422).

бўлиб, муболага қилиб айтганда, бу каналда Ўрта ер денгизи пароходлари ҳам юриши мумкин бўлган.¹

Фарход ГЭСи қурилишида иштирок этиш учун вилоятнинг Пайариқ тумани хотин-қизлари ҳам қараб турмади. Қурилишда иштирок этиш учун 22 нафар хотин-қиз ташаббус билан чиқиб қурилиш майдонига жўнаб кетди. Улар орасида Буркут қишлоқ советидан икки-уч нормачи Х.Маҳмудова, Б.Шокирова, Б.Қурбонова ва Абдурахмоновалар бор эди.²

Самарқанд вилояти меҳнаткашлари Фарход ГЭСи қурилишида берилган йиллик 1.040.000 кубометр ер қозиш ишлари режасини муддатидан 7 ой олдин бажариб бўлади.

Қурилишда ишлаган Самарқанд вилояти меҳнаткашларидан 2500 нафари уч нормадан ва 1000 нафари тўрт нормадан, шунингдек юзлаб азаматлар эса беш, олти, етти нормадан кунлик нормаларини бажардилар.

Ургут туманининг Ғўс қишлоқ советидаги “Беш йиллик” колхозидан келган Жўракул Шодиев, Қўшработ туманидаги “Ишчилар” колхозидан келган Олтибой Ўтаганов, Жиззах туманидан келган Турсунбой Ҳасанов, Жомбой туманидан келган Тилла Бобоқулов, Розик Шариповларнинг ҳар бири кунлик нормаларини 2000-2500 фоизга ошириб бажарганлар.

Самарқанд вилоятининг барча меҳнаткашлари Фарход ГЭСи қурилишида жонбозлик кўрсатдилар. Вилоятнинг юзлаб колхозлари Фарход ГЭСи қурилиши участкаларига турли экинлар экдилар. Вилоятда сабзавот ва дон экинлари экилган бундай участкалар 1000 гектардан ошиб кетди. Ўнларча чорвачилик колхозлари 10-20 бош ёш молларни ажратиб, уларни қурилишдагиларга атаб боқди.

Вилоят меҳнаткашлари, Самарқанд шаҳри аҳолиси ички ресурсларни сафарбар этиб, қурилиш майдонини 100 вагондан кўпроқ ёғоч, бинокорлик асбоблари, замбил, ғалтак, кетмон,

¹ Фарход ГЭСи қурилишида// “Ленин йўли”. 1943 йил 4 июнь. № 116-117 (3445).

² 22 киз-жувон қурилишга жўнаб кетди// “Ленин йўли”. 1943 йил 13 май. № 100 (3428).

курак, қоп ва бошқа маиший-хўжалик ускуналари билан таъминлади.¹

Самарқанд меҳнаткашлари Фарход ГЭСи қурилишида кўрсатган қаҳрамонликлари учун 1943 йилнинг май ойида 12000 дон совун, 1200 килограмм чой, 6000 килограмм шакар, 7 минг метр газлама, 36000 кути гугурт, 1200 жуфт оёқ кийими, 300000 сўмлик тикилган кийим, 350000 сўмлик трикотаждан моллари олдилар.²

“Ленин йўли” (ҳозирги “Зарафшон”) газетасининг 1943 йил, 3 август сонидан Н-қисмдаги самарқандлик ўзбек жангчиларнинг “Самарқанд вилоятининг колхозчи хотин-қизларига ва МТС (машина трактор станцияси) ишчиларига МАКТУБ”и эълон қилинади. Бу мактубда шундай сўзлар битилган эди: “Меҳрибон ота-онларимиз, кадрдон опа-сингилларимиз, севиқли хотин, болачақаларимиз!

Биз Н-қисмдаги самарқандлик ўзбек жангчилари, сизларга ўзимизнинг алангали саломларимизни юборамиз.

Самарқанд вилоятининг қурилишида келган ўзбек жангчилари, Самарқанд вилоят колхозчиларининг Фарход қурилишида фидокорона, фронтчасига ишлаб йиллик режани муддатидан 7 ой илгари тамом қилишларингизни эшитиб жуда хурсанд бўлдик.

Ваган уруши бизлардан ҳам, Сизлардан ҳам кучларимизни сафарбар қилишни талаб қилади. Ҳозир фронтда ва меҳнат фронтида ҳал қилувчи қизгин кураш кунлари бошланди. Армия Гитлер галаларининг шиддатли ҳужумларини қайтармоқда, душманнинг жонли кучини ва техникасини йўқ қилмоқда. Сизлар бўлсангиз жонажон армиямизни барча зарур нарсалар билан таъминлаш учун фидокорона ишламоқдасиз.

Бизларнинг олдимизда душманнинг ҳужумини қайтариш, уни тор-мор қилиш вазифаси турса, Сизларнинг олдингизда ғаллани ўз вақтида ўриб олиш, янчиб ҳукуматга топшириш, ғўза, лавлаги

¹ Фарход ГЭСи қурилишида// “Ленин йўли”. 1943 йил 4 июнь. № 116-117 (3445).

² Ҷша жойда.

ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олиш, фронтни ҳар томонлама таъминлаш вазифаси турибди... Сизнинг меҳнат фронтидаги ҳар бир ғалабангиз бизнинг кучимизга куч қўшади, янги қаҳрамонликларга илҳомлантиради.”¹

Бу мактубга Н.Якубов, М.Сиддиқов, Қ.Маманов, А.Умаров, С.Абдуллаев, Б.Бобоев, Қ.Баёзов, Т.Авазов, Х.Иброҳимов, Б.Алиев, Н.Эрниёзов, С.Мансуров, Қ.Жўраев, Ш.Бобоёров, Р.Қурбонов, М.Мелибоев, С.Содиқов, А.Каримов, Ҳ.Ҳакимов, Е.Холбеков, Т.Раҳимов ва бошқалар имзо чекадилар. Бу хат шимолий-ғарбий фронтда чиқадиган “Ватан учун” газетасида 83 нафар жангчининг имзоси билан эълон қилинади.

Самарқандликларнинг Фарҳод ГЭСи қурилишидаги меҳнат жасоратидан руҳланган шоирлар Саид Назар “Замонамиз Фарҳодларига”, Чустий “Табрик сизга”, Воҳид Абдулла “Пахлавонларга салом”, халқ бахшиси Ислон шоир “Пахлавон” шеърларини ёзади.

¹ Н-қисмдаги самарқандлик ўзбек жангчиларининг “Самарқанд областининг колхозчи хотин-кизларига ва МТС ишчиларига МАКТУБ”и// “Ленин йўли”. 1943 йил 3 август. № 160 (3488).

III БОБ

Уруш йилларида Самарқандда фан, маориф ва маданият

3.1. Илм-фан ривожини ва олий таълим

Иккинчи жаҳон уруш йилларида Самарқанд зиёлилари ҳам фашист босқинчиларига қарши олиб борилган курашда четда турмадилар. Бу даврда кўнгилли профессор-ўқитувчилар, маданият ва маориф ходимлари, талабалар фронтга сафарбар этилди. Мамлакат ичкарисида қолганлари эса ишчи ва колхозчи деҳқонлар билан биргаликда мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш учун фидокорона меҳнат қилдилар.

Уруш даврида Самарқанд кооператив институти (ҳозирги Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти) билан Тошкент молия-иқтисодиёт институти, Тошкент ва Самарқанд тиббиёт институтилари, Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги Самарқанд Давлат университети) ва Ўрта Осиё Давлат университетлари бирлаштирилди. Бу ўқув юртларининг бўшаган биноларига ҳарбий муассасалар ва госпиталлар жойлаштирилди.

Вилоятдаги тиббиёт ходимлари уруш даврининг оғир шароитларига қарамасдан, профилактика ишларини тинмай ўтказиб турдилар. Жанггоҳлардан яраланиб келган жангчи ва офицерларни даволадилар, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилади.

1941 йил, 8 июлда Самарқанд олимлар уйида шаҳар илмий ходимларининг умумий йиғилиши чақирилди. Йиғилиш “Олимларнинг бутун кучи фронт хизматига!” деган шиор остида ўтди. Йиғилишда қабул қилинган резолюцияда бундай дейилган эди: “Биз ўзимизни сафарбар қилинган деб ҳисоблаймиз, ўзимизнинг бутун илмий ишимизни Ватанни мудофаа ва хўжалик қувватини мустаҳкамлашга сарфлаймиз, сиёсий ва оммавий ишларда актив қатнашамиз, колхозларга бориб агрономия, медицина ёрдами ва бошқа хил ёрдамларни бериб тураемиз, ҳарбий ихтисосликларни ўрганиб оламиз. Бутун фикр-

зикримизни инсониятнинг ва маданиятнинг энг ёвуз душмани – фашизмни батамом тор-мор келтиришга қаратамиз.¹

Самарқанддаги етакчи олий ўқув юртларидан бири бўлган Ўзбекистон Давлат университети 1941 йилнинг ноябрида Ўрта Осиё Давлат университети билан вақтинча бирлаштирилди. Университетнинг профессор-ўқитувчиларидан бир қисми ўзининг илмий фаолиятини Тошкент шаҳрида давом эттирди, қолганлари Самарқанд шаҳридаги бошқа олий ўқув юртларида, техникум (ҳозирги касб-хунар коллежи) ва ўрта мактабларда давом эттирди.

Университет Ўрта Осиё Давлат университети билан бирлаштирилган бўлса ҳам, илмий ишлар тўхтаб қолмади. Ўша даврда П.М.Факторович Ўрта Осиёдаги биология ва медицина тарихига доир ўзининг энг муҳим асарларини эълон қилди. Самарқанд ўқитувчилар институтида фаолиятини давом эттирган файласуф олим И.М.Мўминов Мирзо Бедилнинг ҳаёти ва фалсафий қарашлари тўғрисида асар ёзди. Профессор А.Н.Текучаев “Баъзи металллар юзасининг ҳолатига қараб уларнинг нур сингдириш қобилиятларига доир экспериментал тадқиқотлар” деган катта асарини нашр эттирди. Профессорлардан И.И.Умняков, Н.И.Романов, Войчих, доцент В.А.Абдуллаев ва бошқалар самарали иш олиб бордилар.²

Уруш йилларида ғарбий ҳудудлардаги йирик шаҳарлардан кўплаб олий ўқув юртлари ва илмий муассасалар ҳамда маданий ўчоқлар Ўзбекистонга, шу жумладан, Самарқандга ҳам кўчириб келтирилган эди.

1941 йилнинг охири Самарқандга Москва зооветеринария институти, Москва режалаштириш институти, Москва рассомчилик институти, Украина рассомчилик институти, Ленинград кинофотоплёнка институти, Ленинград кино

¹ Самарқанд тарихи. Иккинчи томлик. 2-том. Масъул муҳаррир. И.М.Муминов. Т.: «Фан». 1970. Б.221.

² Ўша жойда. Б.222-223.

муҳандислари институти, Москвадаги ўғитлар институти, СССР Фанлар Академиясининг физиология институти, Ростов кинофикация техникуми, Москва молярия (безгак) ва паразитология институти, К.А.Тимирязов номидаги Қишлоқ хўжалик Академияси, Одесса денгиз транспорти муҳандислари институти, Харьков қишлоқ хўжалик институти, Харьков яҳудий драма театри, Москва кўғирчоқ театри, Полтава трикотаж фабрикаси, Москва рассомчилик саноат институти, Москва хўжаликни режалаштириш муҳандислари институти, Ворошиловград болалар уйи кўчирилди.¹ Булардан ташқари баъзи ҳарбий билим юртлари (ҳарбий учувчилар тайёрлаш мактаби) ҳам Самарқандга жойлаштирилди.

Университет 1944 йилда қайта фаолиятини бошлар экан, I курснинг 4 факультети (филология-тарих, физика-математика, биология, геология)га 250 нафар талаба қабул қилинди. 22 августга қадар 210 ариза тушган бўлиб, улардан 113 нафари маҳаллий миллат вакиллари эди. Юқори курсларга 145 ўринга 143 та ариза тушган бўлса, шундан 55 нафари маҳаллий миллат вакиллари эди.

Шу ўқув йилида университет марксизм-ленинизм (ҳозирги фалсафа – А.Б.) асослари, СССР тарихи, умумий тарих, ўзбек адабиёти, умумий математика, математик таҳлил қилиш, умумий физика, умумий биология (зоология билан), геология, география кафедраларига 15 ўрин аспирантурага ўқишга конкурс эълон қилади.

Университетда ишлаш учун 42 нафар илмий ходимлар таклиф этилиб, улардан 8 нафари профессор эди. Таклиф этилган илмий ходимлар орасида 11 нафари маҳаллий миллат вакиллари бўлиб, улардан 4 нафари кафедра мудирлари бўлган.²

¹ Самарқанд вилоят давлат архиви (Самарқанд ВДА), 26-фонд, 1-руйхат, 951-иш, 2-варак.
² Университет на кануне учебного года// “Ленинский путь”. 2 сентября 1944 г. № 171 (1697).

1944 йилнинг июнь ойида Самарқанд ўқитувчи ва педагоглар тайёрлаш институтида талабаларнинг илмий конференцияси бўлиб ўтди. Конференциянинг филология-тарих шўбасида 5 та маъруза тингланди. Талабалардан Вафаев “1812 йиллардаги урушда Кутузов”, талаба Асадов “Муҳаммад Солиҳ ижодига Навоийнинг таъсири”, талаба Абдужабборов “Ўзбек тилида -лар, -да морфемалари”, талаба Эшонқулов “Муқимий – демократ шоир” мавзуларида, талаба Баракаев “Уруш даврида фронт орқасининг муҳимлиги ҳақида” мавзусида қизиқарли маърузалар билан чиқиш қилишади.

Математика шўбасида талабалардан Кудаямов, Бобоевлар, рус тили ва адабиёти шўбасида талабалардан Померанцевой, Винокурова ва Мининалар ҳам ўзларининг қизиқарли маърузалари билан чиқишлар қилишади.

Бу шундан далолат берадики, Самарқандда фақат олимлар ва илмий ходимлар эмас, балки студентлар ҳам илмий иш билан шуғулланаётган эди.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти коллективи ҳам уруш йиллари пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фаол иштирок этдилар.

Институт профессор-ўқитувчилари колхозчилар ўртасида 30 дан ортиқ маърузалар ўқийди. Пайарик туманидаги Ойтамғали қишлоқ совети, Эшимқоқ қишлоқ советидаги колхоз ва артелларга ишлаб чиқариш ва ишчи режаларини тузишда ёрдам беришди.

Институтнинг юқори босқич талабаларидан 43 нафари туман колхозларида участка аграномлари бўлиб, 16 нафари апробатор (экинларни навини синовдан ўтказувчи – А.Б.) бўлиб ишлайди. 260 дан зиёд институт илмий ходимлари ва талабалари пахтага ишлов беришда Пайарик тумани колхозчиларига ёрдам беришади.

Институтнинг 9 та кафедрасининг илмий ходимлари Қорақишлоқ тумани (ҳозирги Жиззах вилоятининг Бахмал тумани)да чорва молларининг наслини яхшилаш бўйича илмий

ишлар олиб боришди. Олиб борилган тажрибалар натижасида 3 та фермада маҳсулдорлик 20 фоизга ошди. Туманда 3 та зотли моллар ва 3 та бўрдоқичилик фермалари ташкил этилди.

Институтнинг паррандачилик фермаси ва инкубатори колхозларни товукларнинг леггорн (сертухум оқ товук - А.Б.) зоти билан таъминлади. Институт инкубатори колхозларни 1943 йилда 6 минг жўжа билан таъминлаган бўлса, 1944 йилда 10 мингта товук ва ўрдак жўжалари билан таъминлади.¹

Вилоят ва шаҳар ташкилотларининг раҳбарияти илмий ходимларнинг жамоалари олдига вазифалар қўйиш билан бирга, илмий ходимларга ҳар доим ғамхўрлик қилиб, уларга зарурий чоралар билан моддий ёрдам ва мадад бериб турдилар. Илмий ходимларнинг ҳаммаси квартира билан таъминланди, уларга махсус паёк бериб турилди. Олимлар ва уларнинг оилалари махсус магазинларга ва ошхоналарга бириктириб қўйилди.

Самарқандга кўчириб келтирилган К.А.Тимирязов номидаги Қишлоқ хўжалик академияси олимлари пахта, дон, сабзавот экинларидан юқори ҳосил олишда чорвачиликнинг маҳсулдорлигини оширишда, вилоят учун янги экин – қанд лавлагини ўзлаштиришда дехқонларга ёрдам бериб, бу ишларда фаол иштирок этди.

Уруш йилларида К.А.Тимирязов номли қишлоқ хўжалик академияси Самарқандда ўзининг асосий вазифаси бўлган қишлоқ хўжалик кадрларини тайёрлашдан ташқари илмий ишлаб чиқариш ишларини ҳам давом этказди.

Ўзбекистон шароитида қанд лавлаги экишнинг уруш пайтида алоҳида аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб, академия хузурида махсус лавлагичилик тажриба станцияси тузилди. Бу тажриба станцияси ўз олдида қанд лавлаги агротехникасини, кимёлаштириш, механизация масалалари ва қанд лавлаги экинининг зарарли ҳашаротларига қарши кураш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳар томонлама ўрганиш вазифасини қўйди.

¹ Наука союзе с практикой// “Ленинский путь”. 11 июля 1944 г. № 133 (1659).

Академик Д.Н.Прянишников раҳбарлигидаги агрохимия кафедраси ходимлари қанд лавлаги экинини ўзлаштириш юзасидан қишлоқ хўжалигига амалий ёрдам бериш мақсадида Жомбой туманини ўз оталиқларига олдилар.

Баҳорги экинларни экишни ташкил этишда ёрдам бериш учун профессор Чижевский ва Черкасов, доцент Кугучковлар туманларда бўлдилар.

Академиянинг сабзавотчилик кафедраси профессори Эделштейн раҳбарлигида Самарқандда ёрдамчи ползичилик хўжалигини ташкил этиш юзасидан катта ишлар бажарилди. Академиянинг ўрмончилик ва ўрмон агромелиорацияси масалалари юзасидан Самарқанд туманининг “Мусобақа”, Пушкин, Сталин колхозларида амалий ишлар бажарилди.

Ўзбекистон шароитида, қисман Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муаммосини ўрганиш билан боғлиқ масалалар академиянинг Самарқанд МТСи ҳузурида тузилган профессор В.П.Селезнев раҳбарлигидаги қишлоқ хўжалиги машиналарини синаш станцияси томонидан иш олиб борилди.

Самарқанд вилоятида чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш масалалари устида профессорлардан Борисенко, Дмитриев ва доцент Херасковлар иш олиб бордилар.

Профессор С.Е.Азоров қоракўлчилик совхозларида СЖКдан фойдаланиш натижаларини аниқлаш устида ишлади. Йилқичилик масалалари билан профессор В.О.Витт шуғулланди.

Академик В.И.Лубяко раҳбарлигидаги қишлоқ хўжалик корхоналарини ташкил қилиш кафедраси Самарқанд туманидаги Каганович номли колхозда меҳнатни ташкил қилиш юзасидан конкрет ишларни бажарди. Бундан ташқари, туман ходимларининг малакасини ошириш учун МТС ва туман ер бўлимлари бош агрономларидан 40 киши лавлагичилик бўйича 20 кунлик курс ва академия ҳузурида участка агрономларидан 55 киши учун бир ойлик курслар ташкил қилинди.

Кўклам экиш пайтида Самарқанд вилояти туманларига академиянинг биринчи, иккинчи, учунчи курс студентларидан 100 тракторчи, 90 га яқин лавлагикор агрономлар ва пишлок пиширувчи, 40 инспекторлар тайёрлаб, академия илмий ходимлари раҳбарлигида туманларга юборилди.¹

Одессадан кўчириб келтирилган сув транспорти муҳандислари институтининг ходимлари «Хужум» шойи тўқиш фабрикасида, мева консерваси тайёрлаш заводида ва бошқа корхоналарда иссиқлик қурилмаларини ўзгартириш технологиясини ишлаб чиқди. Бу ишлар жуда кўп ёнилғини тежашга имкон берди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Каттақўғонга 2 та институт жойлаштирилди. Краснодар ёғ саноати химия-технология институти ёғ-экстракт заводининг ФЗО (фабрика-завод таълими мактаби) биносига жойлаштирилди. Харьков қишлоқ хўжалик институти эса Каттақўғондаги ҳозирги 6-мактаб биносига жойлаштирилди. Институтларнинг илмий ходимлари Каттақўғон ва унинг атрофидаги Ингичка, Лангар, Зирабулоқдаги саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ишловчи мутахассисларга ўзларининг катта илмий ишлаб чиқариш ёрдамини берди.

Харьков қишлоқ хўжалик институти профессори Ф.Ф.Мацков, доцентлардан А.М.Гриниченко, Д.И.Сирон, А.Д.Алексеевлардан ташкил топган махсус доимий бригада колхозларда бўлиб, қанд лавлаги ва пахтачилик агротехникасини такомиллаштириш масалалари билан шуғулланди.

Шаҳар илмий ходимлари “Красный двигатель” заводида электр пайвандлашнинг технология жараёнини йўлга қўйиб бердилар, чўян ҳалқалар ишлаш технологиясини ишлаб чиқардилар. 1942 йилнинг ўзидагина олимлар катта халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган 15 та йирик илмий-тадқиқот ишини ниҳоясига етказдилар.

¹ Академияни область қишлоқ хўжалигига ёрдами// “Ленин йўли”. 1992 йил 14 апрель. № 88 (112).

1943 йил 4 ноябрда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг очилиши республика илмий ҳаётида муҳим воқеа бўлди, илм-фаннинг янада тараккий этиши учун мустаҳкам пойдевор яратилди. Бу академия таркибига самарқандлик олимлардан Г.Абдуллаев, С.Айний ва И.М.Мўминовлар ҳам сайландилар.¹

1941-1943 йилларда мамлакатнинг марказий шаҳарларидан кўчириб келтирилган 18 та олий ўқув юртлири ва илмий-текшириш муассасалари Самарқандда фаолият кўрсатди.² Бу муассасаларда машҳур олимлардан: академиклар Е.В.Алексеев, П.М.Жуковский, Н.И.Аничков, С.И.Вишелесский, Д.Х.Прянишников, профессорлардан Ш.Д.Мошковский, Б.Х.Медведов, В.В.Селезнев ва бошқалар фаолият кўрсатди. Улар самарқандлик олимлар билан биргаликда Лангар, Ингичка, Қўйтош конларида қидирув ишларини олиб боришди ва қимматбаҳо хом ашёни қазиб олишни кўпайтиришди. Пахтакор районининг Сукайта қишлоғидан узоқ бўлмаган жойдан кўмир конини топишди ва уни қазиб олишга тавсия қилди. Жиззах яқинидаги Тузкон кўли деган жойдан ош тузи қазиб олина бошланди.

Уруш йилларида Самарқандда В.В.Куйбишев номидаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалик институти фаолият олиб борди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик институтининг агрономия ва зоотехника факультетларида ўқиш 3 йил, ветеринария факультетида эса 3 ярим йил бўлган. Медицина институтида ҳам ўқиш 3 ярим йил бўлган.

Ўзбекистон халқ хўжалиги институти 1942-43 ўқув йили учун режалаштириш, халқ хўжалиги ҳисоботи, савдо-иқтисод, молия факультетларига студентлар қабул қилган.³

¹ Самарқанд тарихи. Икки томлик. 2-том. Масъул муҳаррир. И.М.Муминов. Т.: «Фан». 1970. – Б.225.

² Алескеров Ю.Н. Годы, равные векам. Страницы истории Самарканда. Т.: «Ўзбекистан», 1973. – С.241.

³ Ўқишга қабул// “Ленин йўли”. 1943 йил 3 июль. №154(3178).

1942-43 ўқув йилида Самарқандда фаолият олиб борган Москва зоотехника институтига, М.Горький номидаги Самарқанд педагогика институтига, Самарқанд зооветеринария техникумига, фельдшер-акушерлик мактабига, педагогика билим юртига, кооператив техникумига, режа-иқтисод техникумларига ўқишга қабул қилиш эълон қилинди.¹

И.П.Павлов номидаги Самарқанд тиббиёт институти ўзининг бутун фаолиятини фашист босқинчилари устидан ғалаба қозонишни тезлаштириш учун фронтга ёрдам беришга қаратди. Институт уруш даврида 950 дан зиёд врач тайёрлаб берди. Тиббиёт институти битирувчиларининг кўпчилиги ҳаракатдаги армия сафига жўнаб кетди. Институт ходимлари илмий-тадқиқот ишларини давом эттирдилар ва уруш йиллари давомида 189 та катта илмий ишларни тугатдилар.²

Институтнинг профессор-ўқитувчилари жамоаси ўзларининг даволаш соҳасида бутун билим ва хунарларини ярадор бўлиб келган жангчиларга ёрдам беришга қаратди. Профессорлардан Т.Мицаканов, Абдуллаев, Соловьев, доцент Х.Р.Фарҳодий ва бошқалар Самарқандда госпиталлар ташкил қилишда фаол қатнашдилар. Самарқандда 20 га яқин ҳарбий госпиталлар фаолият кўрсатди. Самарқанднинг тажрибали тиббиёт ходимлари яраларни даволашга ва жангчиларни соғайиб сафга қайтишга доир бир қанча муҳим масалаларни ишлаб чиқдилар. Булар орасида ўқ ярасини даволаш, синган сон суяқларини тузатиш, нерв системасининг жароҳатланишини даволаш ва шу каби усуллар катта аҳамиятга эга бўлди.

Самарқандда ўқитувчилар тайёрлаш билан М.Горький номидаги педагогика институти шуғулланди. Институт 1935 йилда ташкил этилганда 150 студент ўқиган, шундан 40 нафари маҳаллий миллат вакиллари бўлган. 1944 йилда ўқиган 311

¹ Ўқишга қабул// “Ленин йўли”. 1943 йил 10 июль. №160(3184).

² Самарқанд тарихи. Икки томлик. 2-том. Масъул муҳаррир. И.М.Мўминов. Т.: «Фан». 1970. – Б.225.

студентнинг 252 нафари маҳаллий миллат вакиллари бўлган бўлса, 1945 йилга келиб институт талабаларининг 75 фоизи маҳаллий миллат вакиллари эди.

1935 йилда институтнинг бюджети 481 минг сўм бўлган бўлса, 1945 йилга келиб эса 2 миллион 538 минг сўмга етади.

1944 йилнинг январь ойининг бошида Мичурин номидаги Самарқанд қишлоқ хўжалик техникумини ташкил этилганлигининг 40 йиллик юбилеи нишонланди. Техникум 40 йил мобайнида қишлоқ хўжалиги учун қарийб 1200 га яқин мутахассис тайёрлаб берди, 1944 йилда техникумда 240 нафар талаба ўқиди. Бу техникумда ўша пайтда СССР Ер ишлари комиссарлигининг муовини бўлиб ишлаётган И.А.Бенидектов (1925-1927 йиллар) ҳам ўқиган. Техникумда 1943 йилда янги лавлагичилик ишлари мутахассиси тайёрловчи бўлим ҳам очилди.¹

1944 йилдан Самарқанд тиббиёт институтида ҳам тиббиёт бўйича номзодлик ишларини ёқлашга рухсат берилди. Медицина институти олимлари томонидан кейинги 7 йил мобайнида 45 та иш ёқланди. Шулардан 33 таси номзодлик, 12 та докторлик ишлари эди. Бу вақтда эса институт олимларидан 15 нафарининг номзодлик ва 4 нафарининг докторлик ишлари тайёр бўлган эди.²

Шу ўқув йилида институт битирувчиларидан 127 нафари диплом олган бўлиб, улардан 8 нафари аъло баҳоларга тамомлади.³

Илмий кадрлар тайёрлашга ҳам катта эътибор берилди. Масалан, Самарқанд олий ўқув юртлари ва илмий текшириш институтларида 1944 йили 7 та докторлик, 10 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди. Шунингдек, 68 та илмий мавзу устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.⁴

¹ Юбилей техникума имени Мичурина// "Ленинский путь". 5 января 1944 г. № 4 (1532).

² Диссертационные работы принимаются на месте// "Ленинский путь". 5 января 1944 г. № 4 (1532).

³ Новый выпуск мединститута// "Ленинский путь". 2 августа 1944 г. № 149 (1675).

⁴ Иноятов Х. Галабага қўшилган ҳисса. Т., "Фан", 1975. – Б.81.

1943 йил охирида Самарқанд олимлари томонидан амалий аҳамиятга эга бўлган 40 дан ортиқ илмий иш ишлаб чиқилди.

Самарқанддаги олий ўқув юртлари ва техникумларига 1944-1945 ўқув йилида 2000 дан зиёд ариза тушди. Асосий ариза берганларнинг кўпчилиги қисми тиббиёт институтида ўқишни хоҳлаганлар. Бу ерда ўқишни хоҳлаганларнинг 100 дан зиёди маҳаллий миллат вакиллари эди.

Ўзбек Давлат университетининг биринчи курслари ва юқори курсларига ҳамда ўқитувчилар ва кечки педагогика институтига ҳам қабул режалари бажарилди. Самарқанддаги 8 та олий ўқув юртига 600 дан ортиқ аълочи ўқувчилар имтиҳонсиз қабул қилинди. Ариза берувчилардан маҳаллий миллат вакиллари кўпчилиги ташкил қилмаган. 2000 та аризадан 500 таси маҳаллий миллат вакилларига тегишли бўлган.

Самарқанд вилоятидаги 15 техникумга ҳам 2000 дан зиёд ариза тушди. Берилган аризадан 50 фоиздан зиёди маҳаллий миллат вакиллари эди. Жиззах шаҳридаги педагогика билим юртига қабул 30 фоизга оширилди. Янги ташкил этилган озиқ-овқат ва кооператив (тижорат) техникумларига қабул яхши ташкил этилган ҳолда, айрим техникумларда маҳаллий миллат вакиллари қабул қилиш қониқарли аҳволда бўлмайди. Масалан, Самарқанд темир йўл техникумига 90 нафар киши қабул қилинган бўлиб, улардан 5 нафаригина маҳаллий миллат вакиллари эди.

Айрим корхона ва колхозларнинг раҳбарлари ёшларни олий ўқув юртларига ва техникумларга ўқишга юборишга яхши эътибор беришмаган. Масалан, "Красный двигатель" заводи, "Хужум" фабрикаси ва айрим корхона ҳамда ташкилот раҳбарлари олий ўқув юртлари ва техникумларга ёшларни ўқишга юбориш тўғрисидаги сўровномага яхши эътибор беришмайди. Масалан, Самарқанд туманидан олий ўқув юртига 75 киши, Паст Дарғом туманидан 44 киши, Комсомол (ҳозирги

Тайлоқ) туманидан 29 киши, Пайариқ туманидан 44 киши юборилади.¹

1945 йилгача 113 нафар ўқитувчи сиртдан ўқиб, олий маълумот олди. Шу давр мобайнида 680 киши ўқув юртини битирган бўлиб, уларнинг 570 нафари маҳаллий миллат вакиллари эди.

1945 йилда институтни 157 киши битириб, улардан 129 нафари маҳаллий миллат вакиллари бўлган.²

1945 йилда педагогика институтининг кундузги, кечки ва сиртқи бўлими ва тайёрлов курсида 815 студент ўқиди. Улардан 328 нафари кундузги, 148 киши кечкида ва 136 киши тайёрлов бўлимида ўқиган. Уларга бир профессор, 16 доцент ва фан номзодлари таълим-тарбия беришган. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси Иброҳим Мўминов кафедра мудири сифатида фаолият кўрсатган.³

1945 йилга келиб, республикамизда 36 та олий ўқув юрти, 59 та техникум малакали мутахассислар тайёрлаган⁴ бўлса, Самарқандда саккизта олий ўқув юрти, иккита илмий-тадқиқот институти ва 15 та техникум фаолият кўрсатди. Ўша йили Самарқанд олий ўқув юртлари 415, техникумлар эса ўрта малакали 257 нафар мутахассис тайёрлаб берди. Олий ўқув юртларида мингга яқин илмий ходим, жумладан, 42 профессор ва 118 доцент ишлади.⁵

Бу олий ўқув юртларида маданият, адабиёт ва фаннинг етук намояндаларидан С. Айний, Д.Н.Прянишников, И.М.Мўминов, Л.М.Исаев, А.С.Вишневский, А.В.Поляков, Х.З.Зоҳидов, М.М.Мўминов, В.А.Абдуллаев, В.Ф.Медведко, А.Т.Тўлаганов,

¹ Учебный год в вузах и техникумах// "Ленинский путь". 11 октября 1944 г. № 138 (1724).

² Максим Горький номди институтнинг ўн йиллиги// "Ленин йўли". 1945 йил 28 июль. №139(3980).

³ Педагогика институти ўн йил давомида// "Ленин йўли". 1945 йил 6 июнь. №104(3945).

⁴ Ўзбекистонда халқ маорифининг кенгириб бўлмайдиган баъзи масалалари тўғрисида// "Ленин йўли". 1945 йил 28 март. №57(3898).

⁵ Самарқанд тарихи. Икки томлик. 2-том. Масъул муҳаррир. И.М.Мўминов. Т.: «Фан». 1970. – Б.227-228.

И.И.Умняков, У.Т.Турсунов, Д.А. Жаринов, Е.И.Пряскоряков, Х.Р.Фарходий, В.Т.Туркеевич, В.А.Коробков, К.А.Дякьов, Т.С.Миацаканов, А.В.Сушевский, М.У.Аминов, Р.И.Искандаров, М.С.Собировлар фаолият кўрсатди.

Юқоридаги маълумотлар кўрсатиб турибдики, Иккинчи жаҳон уруши даврида Самарқандда илм-фан ривожланишда бўлган, маҳаллий олимлар кўчириб келтирилган илм-фан намояндалари билан бир сафда туриб фаолият кўрсатган, ўз меҳнатлари билан халқимизни фашистлар устидан ғалабага эришишига муносиб ҳиссаларини қўшишган.

3.2. Халқ маорифи

Уруш йиллари мамлакатда бўлганидек, Самарқанд халқ маорифи муассасалари ҳам юз берган вазиятни ҳисобга олиб, ўз ишларини тезлик билан қайта кўриб чиқди. Уруш даври мактаблар олдига янги мураккаб вазибаларни қўяр экан, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш билан бир қаторда фронтга имкон бориша кўпроқ ёрдам бериш билан қўшиб олиб бориш зарурлигини тақозо қилиб қўйди.

Урушнинг дастлабки кунлариданоқ Самарқанд шаҳри мактаблари ва барча таълим муассасалари оғир шароитда ишлашга мажбур бўлдилар. Бу даврга келиб бинолар етишмас эди. Чунки мактаб биноларининг кўпчилиги кўчириб келтирилган госпиталларга ва бошқа муассасаларга берилган эди.

Самарқанд шаҳридаги 5-, 7-, 8-, 10-, 27-, 34-, 35-, 37-, 43-, 46-мактабларнинг бинолари,¹ шунингдек, педагогика ва муаллимлар институтининг бинолари госпиталларга олиб берилди. Бу бинолар кўчириб келтирилган корхоналарнинг ишчилари учун ётоқхоналарга айлантирилди. Мактаблардан олинган биноларнинг бир қисмида кўчириб келтирилган олий ва ҳарбий ўқув юртлари жойлаштирилди. Ҳатто, Самарқанд ва Каттақўрғон

¹ Самарқанд ВДА. 74-фонд, 1-руйхат, 4415-иш, 25-варак.

шаҳарларидаги мактабларнинг кўпчилигида ўқув машғулотларини уч сменада ўтказишга тўғри келди, шаҳарнинг тўртта мактабида дарслар тўрт сменада олиб борилди.¹

Уруш бошланиб кетганини эшитган вилоят ўқитувчилари ўз иш жойларига қайтишди. Вилоятнинг Каттақўрғон, Паст Дарғом, Жиззах, Пахтакор, Митан туманларидаги ўқитувчилар колхозчилар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бордилар ва суҳбатлар уюштирдилар. Улар мактабларда ПВХО ва ГСО тўғаракларига раҳбарлик қилишади. Бу тўғаракларга фақат ўқувчилар эмас, уюлмаган аҳолини ҳам жалб қилади.

Ўн минглаб болалар далаларда ишлашади. Самарқанд туманидаги катта ёшдаги 4134 нафар боладан 3000 нафардан зиёди пахтага ишлов беришда ва ғаллани йиғиштириб олишда иштирок этишади. Паст Дарғом тумани далаларида 6354 нафар катта ёшдаги барча ўқувчилар далаларда ишлашади. Митан туманидаги 6000 ўқувчи қишлоқ хўжалиги ишларида ишлайди. Каттақўрғон тумани далаларида ҳам 3000 дан кўп ўқувчилар далаларда ишлашади. Бу даврда ўқувчилар ота-оналарига ҳосилни нест нобуд бўлишдан сақлашда ва йиғиштириб олишда катта ёрдам беришади.

Снаряд, тўп, замбарак ва танклар яшаш учун темир кераклигини ҳис қилган вилоят ўқувчилари металлом йиғиш ишларида ҳам фаол қатнашди. Паст Дарғом тумани ўқувчилари бу вақтда 37 тонна темир-терсак тўплашди. Бу ишларда Каттақўрғон тумани ўқувчилари ҳам фаол иштирок этишди.¹

Пахтакор туманидаги мактабларнинг катта ёшдаги ўқувчилари темир йўлчиларга ёрдам бериш учун темир йўл станциясига келишади. Улар темир йўл ишчилари билан келишган ҳолда темир йўл изларини кўриклаш ишларида фаол қатнашди.

Бу даврда кўчириб келтирилган муассасаларга биноларнинг етишмай қолганлигидан Самарқанд педагогика институти ва

¹ Самарқанд тарихи. Икки томлик. 2-том. Масъул муҳаррир И.М.Мўминов. Т.: "Фан", 1970. – Б.229.

Ўзбекистон Давлат университети ёпиб қўйилди. Кўплаб мактаб ўқитувчиларининг фронтга кетиши, ўқув дарсликлари ва дафтар ҳамда ўқув жиҳозларининг етишмай қолганлиги сабабли мактабларнинг иши анча қийинлашди. Халқ маорифи ташкилотлари уруш даврининг қийинчиликларини енгиб, мактабларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш, мактаб шохобчаларини сақлаб қолиш, мактаб ёшидаги болаларни ўқишга жалб этиш учун сабот-матонат билан меҳнат қилдилар. Масалан, 1943-1944 ўқув йилида вилоятдаги бошланғич, тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактабларга 181000 бола қамаб олинди. 11 жойда янгидан ўрта мактаб, 30 жойда тўлиқсиз ўрта мактаб, 71 колхозда янги синфлар очилди. Шу йили мактаб ёшига тўлган 27000 бола ўқишга тортилди.²

Уруш йилларида кўчириб келтирилган болаларга ғамхўрлик қилиш, уларни кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминлаш Самарқанд вилоят раҳбарияти, муассасалар ва жамоат ташкилотларининг диққат марказида турган асосий вазифалардан бири бўлди.

Кўчириб келтирилган болаларни жойлаштиришга вилоят, шаҳар ва туман комиссиялари раҳбарлик қилди. Шаҳар темир йўл вокзалида эвакуопункт ташкил қилинди ва унинг ҳузурида балоғатга етмаган болаларни қабул қилиб олиш пункти ташкил қилинди.

Уруш туфайли ота-онасидан ажралган, бошпанасиз қолган 20 минг бола Самарқандда қабул қилиб олинди.³ Улар болалар уйларига, боғчаларга ва ўқув юртларига жойлаштирилди. Улар учун махсус ошхоналар очилди. Кўчириб келтирилган кишиларнинг ва фронтдагиларнинг 1500 боласи ҳар куни иссик овқат олиб турди, уларнинг кўплари текин овқатлантирилди.

¹ Школьники работают на полях // "Ленинский путь". 25 июля 1941 г. № 174 (826).

² Ватан уруши шаронтининг учинчи ўқиш йили // "Ленин йўли". 1943 йил 3 сентябрь № 182 (3510).

³ Аминов Х., Иброҳимов Н. // Самарқанд - фронтга. Самарқанд. Сўғдиёна, 1994. – Б-18.

Бемор ва кучсиз болаларга тиббий ёрдам кўрсатилиб, санаторияларга жойлаштирилди.

Вилоятда соғломлаштиришга муҳтож бўлган болалар учун “Охалик” санаторияси ташкил этилди. Болаларни соғломлаштириш компанияси даврида бир неча минг ўғил-киз ўз соғлиғини мустақкамлаб олди. 1943 йилда вилоятда 10570 бола, 1944 йилда 15 минг ва 1945 йилда эса 16345 бола соғломлаштириш кампаниясига тортилди ва улар соғлиғи яхшиланди.¹

Самарқандга кўчириб келтирилган ва ота-оналари фронтда жанг қилаётган болаларга мактаблар катта ёрдам кўрсатдилар. Масалан, Сиёб туманидаги 15-сон ўрта мактабнинг ўқувчи ва ўқитувчилари жамоаси фронт яқинидан кўчириб келтирилган болаларга чинакам ғамхўрлик кўрсатдилар. Мактабда кўчириб келтирилган болалар учун иссиқ кийимлар тўплаш авж олади. Қисқа вақт ичида ўқувчилар 18 дона иссиқ кўйлак ва бошқа нарсаларни келтирдилар. Ўқувчилардан Мансуров, Салимзода, Ёқубов, Иброҳимовлар кўчириб келтирилган болаларга иссиқ кийим сотиб олиш учун бир кунлик иш ҳақларини бердилар (Уруш йиллари ўсмирлар учун ҳам 12 ёшдан бошлаб меҳнат кунлари белгиланди – А.Б.).²

Боғишамол туманидаги 45-сон ўрта мактабнинг ўқувчилари ва ўқитувчилари кўчириб келтирилган ўсмирлар учун 420 та ҳар хил иссиқ кийим тўплаб бердилар. Бу ишда Туфарина раҳбарлик қилаётган 8-синф ўқувчилари 65 та иссиқ кийим, 6-синф ўқувчилари 15 та иссиқ кийим топширишди.³

1942-43-ўқув йилида мактаблар кўчириб келтирилган болалар ёрдам фондига 101349 сўм, кийим ва пойабзал олиш учун 1044 талон, кўпгина иссиқ кийим ва шу қабиларни тўплаб берди. 30-, 37-мактаблар бир неча пуллик кечалар ўтказиб, тўпланган 16600

¹Ефимов В.И. Патриотические подвиги трудящихся Самаркандской области в годы Великой Отечественной войны. Самарканд, 1962. – С.152.

²Кўчириб келтирилган болаларга ғамхўрлик// “Ленин йўли”. 1942 йил 22 январь № 18 (3042).

³Кўчириб келтирилган болаларга ғамхўрлик// “Ленин йўли”. 1943 йил 31 январь № 26 (3050).

сўмга шу мактабда ўқиб турган 20 бола учун кийим сотиб олдилар, 35-мактаб эса ўзи тўплаган пулга болалар санаториясининг 12 та йўлланмасини сотиб олиб, кўчириб келтирилган фронтдаги кишиларнинг даволанишга муҳтож болаларини шу йўлланма билан таъминлади.¹

1942-43-ўқув йили бошланганида Самарқандда 36 та мактаб бўлиб, 15 таси ўрта, 11 таси етти йиллик ва 10 таси бошланғич мактаб эди. Болаларнинг 86,5 фоизи 1-4-синфларда, 65,4 фоизи 7-синфга қадар, 64 фоизи 10-синфга қадар ўқишга тортилган эди. Мактабларнинг юқори синфларида ўқувчилар бунчалик камайиб кетганлигининг сабаби шуки, ўсмирларнинг кўплари ишга кириб кетдилар ёки хунар билим юртларига ва фабрика- завод таълими мактабларига кириб ўқишни давом эттирдилар.²

Уруш йилларида Самарқанд вилоятида яшаган поляк фуқароларини рўйхатга олиш натижасида вилоятдаги 13 минг поляк фуқароларидан 1817 нафари 16 ёшгача бўлган болалар эканлиги аниқланди. Комполдет ва Поляк ватанпарварлари уюшмаси ташаббуси билан, вилоят ва туман маориф бўлимларининг бевосита ёрдами туфайли 1943 йилда Самарқанд вилояти худудида қатор поляк мактаблари ташкил топди. Бу мактаблар Самарқанд, Каттақўрғон, Жиззах шаҳарларида, Пахтакор, Мирбозор, Булунгур ва Паст Даргом тумани худудида ташкил этилади. Поляк болалари мактабларидан бири 1943 йил 1 октябрда Самарқанд шаҳрида ташкил этилди. Ташкил этилган 2 поляк ўрта мактаби кейинчалик ташкил этилган барча мактабларга таянч марказ бўлиб қолади. Ўқувчилар таркиби жиҳатидан собиқ Иттифокдаги энг катта мактаблардан бири бўлган, бу масканда 1943 йилнинг декабрь ойининг бошида 220

¹ Самарқанд тарихи. Икки томлик. 2-том. Масъул муҳаррир И.М.Мўминов. Т.: “Фан”, 1970. – Б.229.

² Самарқанд тарихи. Икки томлик. 2-том. Масъул муҳаррир И.М.Мўминов. Т.: “Фан”, 1970. – Б. 231.

ўқувчи ўқиган бўлса, 1945 йилга келганда 339 нафар ўқувчи ўқиган.¹

1945 йилги маълумотларга қараганда Самарқанд вилоятидаги поляк мактаблари қуйидагича бўлган:

№	Мактаблар номи	Ташкил этилган санаси	Ўқувчилар сони	Синфлар сони	Мактаб раҳбари	Манзили
1.	Ўрта мактаб	1943 йил октябрь	339	11	Мария Фольковская Файнгольд	Самарқанд шаҳар Мехнат кўчаси 24
2.	Тўлиқсиз ўрта мактаб	1943 йил ноябрь	75	6		Боғибаланд
3.	Бошланғич мактаб	1943 йил сентябрь	35	3	Мария Фольковская – Файнгольд	Самарқанд шаҳар Термиз кўчаси 32
4.	Тўлиқсиз ўрта мактаб	1943 йил ноябрь	108	7	Рейтенберг	Жиззах шаҳри Сталин номли кўча
5.	Тўлиқсиз ўрта мактаб	1943 йил ноябрь	100	5	Карлович	Жума Паст Даргом тумани
6.	Параллел синфлар	1943 йил ноябрь	120	5	Курсзман	Каттакўрғон
7.	Ўрта мактаб	1943 йил сентябрь	78	6	Гуртенштейн	Зиёдин Пахтакор тумани
8.	Бошланғич мактаб	1943 йил сентябрь	55	4	Вешнер	Мирбозор Нарпай тумани
9.	Параллел синфлар	1943 йил сентябрь	75	3	Москоленко	Челак, Пайарик тумани
10	Параллел синфлар	1943 йил январь	35	2		Милотин станцияси Ғаллаорол тумани

¹ Пиримкулов Ш. Поляк фуқаролари Самарқандда (1941-1946 й.). Самарқанд “Зарафшон”, 1999 – Б. 107.

11	Бошланғич мактаб	1943 йил сентябрь	44	4	Монета	Ст. Зирабулок Пахтакор тумани
12	Бошланғич мактаб	1943 йил сентябрь	65	4	Хорович	Ст. Красноар-мейск. Булунгур тумани
13	Бошланғич мактаб	1943 йил сентябрь	35	4	Закшевская	Хатирчи
14	Параллел синфлар	1943 йил сентябрь	20	2	Костман	Корадарё
Жами:			1184	66		

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ўз ватанларида тенгдошлари фашизм босқинчилари зулмидан азоб чекаётган, мактабга боришни хаёлига ҳам келтиролмай турган вақтда Самарқандга кўчириб келтирилган поляк болалари ўз она тилида таълим олиш имкониятига эга бўлдилар, улар поляк фуқароларига хизмат қилиш учун ташкил этилган турли ташкилот ва муассасалардан ташқари маҳаллий ҳокимиятнинг барча тизимларининг, энг муҳими, ўзбек халқининг гамхўрлигидан баҳраманд бўлишди.

1943 сентябрида Самарқанд шаҳрида поляк болалари мактаби очилган бўлиб, 1944 ўқув йилининг охирига келиб, унда 260 нафар ўқувчи ўқиди. Шу ўқув йилида биринчи битирувчилари тугатди.¹

1944 йилда Зомин тумани колхозларида 4 та янги мактаб қурилиб ишга туширилди. Тумандаги барча мактаблар таъмирланди.

Бу даврга келиб, Самарқанд вилоятидаги 138 та мактаб таъмирдан чиқарилди. Вилоятдаги Окдарё, Булунгур, Жиззах туманларида таъмирлаш ишлари қониқарсиз аҳволда бўлган.²

Умумий мажбурий таълим юзасидан берилган давлат режалари сўнгги уруш йиллари Ўзбекистонда бажарилмади. 1943

¹ Первый выпуск польской школы// “Ленинский путь”. 13 июля 1944 г. № 134 (1660).

² Колхозы ремонтируют школы// “Ленинский путь”. 13 июля 1944 г. № 134 (1660).

йилда 200 мингга яқин бола ўқимади. 1944 йилда ҳам аҳвол яхшиланмади. 1-4 синфларнинг ўзига 135 минг ўқувчи катнашмади. 1944-1945 ўқув йили бошидан 1-4 синфларга 75 минг бола келмади. Лекин бу даврда республикада мактаблар тармоғи тамомила етарли эди. 1-4 синфлардаги болаларнинг барчаси беистисно ўқий олиши мумкин эди, аммо уларни кўпинча ўқиш вақтида турли колхоз ва уй-рўзғор ишларига тортилиши сабаби ўқий олмадилар. 1945 йилга келиб республикада 4475 та мактабда бир миллионга яқин бола ўз она тилларида ўқир, 36 та олий ўқув юрти, 59 та техникум малакали мутахассислар тайёрлар эди. Бу пайтда республикада 3000 га яқин ўқитувчи етишмасди, айти пайтда 1000 дан ортиқ тажрибали ўқитувчилар ўз касбида ишламасди.¹

Вилоят советининг V сессияси муҳокамасига тақдим этилган 1945 йил Давлат бюджетига ижтимоий тадбирлар учун 156690 сўм миқдорига маблағ белгиланган. Бу 1944 йилга нисбатан 18,8 фоиз ортиқ, яъни вилоят бюджетининг 81 % ини ташкил этган. 1945 йил маориф ва маданият соҳасига 1944 йилга нисбатан 23,7 фоиздан ортиқ маблағ сарфланди.

Самарқанд вилоятида 1944-45 ўқув йили кўп жиҳатдан қоникарсиз тугалланди. Вилоятда умумий мажбурий таълим топшириқлари бажарилмади, ўқув йили давомида 56 минг бола мактабга тортилмай қолди. Бу эса мактаб ёшидаги болаларнинг 30 фоизини ташкил этди. Вилоятнинг Ғаллаорол туманида юз берган аҳвол янада ачинарли бўлган. Туманда 1944-45 ўқув йилида умумий мажбурий таълим мутлақо қоникарсиз бажарилди. Мактаб ёшидаги 6710 боладан атиги 2500 нафари мактабга тортилди. Тумандаги мактабларга 84 нафар ўқитувчи етишмайди, ишлаётган 252 ўқитувчидан 160 нафари бошланғич маълумотга эга бўлган.

¹ Ўзбекистон халқ маорифининг кечиктириб бўлмайдиган баъзи масалалари тўғрисида// "Ленин йўли". 1945 йил 28 март № 57 (3818).

Вилоятдаги 5782 нафар ўқитувчидан 3910 нафари тегишли малакага эга бўлмаган ва вилоят мактабларига 1031 нафар ўқитувчи етишмаган.¹

1944-1945 ўқув йилида вилоятда 754 та мактаб фаолият кўрсатди. Бу ўқув йилида мактаб ёшидаги 30 фоиз болалар ўқишга тортилмай қолган, айрим мактабларда ўқишлар март ва апрель ойларида тўхтаб қолди. Иштихон туманидаги V ва VI синфларда ўқиш муддатидан 4-5 ой олдин тамомланди. Окдарё, Ургут, Паст Дарғом каби туманларда ҳам бундай аҳвол рўй берди. Ғаллаорол туманида мактаб ёшидаги 6710 боладан 2500 нафари ўқишга тортилган ҳолда, Каттакўрғон туманидаги 4 та ўрта мактабда, Қорақишлоқ туманидаги 2 мактабни, Пайарик туманидаги 5 та ва Ургут туманидаги 6 та мактабни 1944/45 ўқув йилида битта ҳам ўқувчи битирмади.

Уруш йилларида болалар уйларининг сони бирмунча ошди. Илгари мавжуд бўлган 16 та болалар уйлари ўрнига 1945 йилга келиб 44 тага етди ва уларда 4630 нафар бола тарбияланди.²

1941 йилда вилоятда 107 та ясли бўлиб 3751 бола яслиларга топширилган бўлса, 1945 йил июлига келиб 158 ясида 5587 нафар бола тарбияланди. Эмизикли ёш болалар уйи 1941 йилда 75 ўринли бўлган бўлса, 1945 йилга келиб 150 ўринга эга бўлди.

Вилоят маҳаллий бюджетидан маблағ бериладиган болалар боғчаларида тарбияланувчи болаларнинг сони 3326 нафардан 4530 га ва болалар яслиларида 2450 дан 3498 нафарга ўсди.

Тўрт йил давом этган уруш даврида Самарқанд вилоятида халқ соғлиғи учун 154 миллион сўм маблағ сарфланади. 1942 йилда халқ соғлиғига 5 миллион сўм сарф қилинган бўлса, 1944 йилда 44 миллион сўм сарф қилинди. 1945 йилда эса соғлиқни сақлаш ишларига 48229000 сўм режалаштирилди. Шифохоналардаги жой-қойкалар сони 1944 йилдаги 1452

¹ Халқ маорифини ривожлантириш советларнинг диққат марказида// "Ленин йўли". 1945 йил 8 июль. № 132 (3974).

² Меҳнаткашлар депутатлари Самарқанд область Советининг V сессияси материаллари// "Ленин йўли". 1945 йил 25 июль. № 137 (3978).

ўриндан 1600 ўринга кўпайтириш режалаштирилди. Вилоятда аҳоли соғлиги учун кўп янги медицина тармоқлари ва шифохоналар очилди. Масалан, 2057 койка (ўрин)ли 16 касалхона, 12 та поликлиника, 2 та хотин-қизлар консултацияси, 16 та эпидемияга қарши станциялар, безгак касалига қарши 31 та пункт ташкил этилди.¹

Тиббиёт ходимларининг маҳорат билан ишлаши натижасида уруш йилларида ичтерламаси, юрак касали, бўғма, скарлатина (қизилча касаллиги – А.Б) каби юқумли касалликлар камайди.

Уруш йилларида вилоятда юқори малакали тиббиёт ходимлари тайёрлаш анча кучайди. Самарқанд Давлат медицина институти 1000 га яқин врачлар, медицина мактаблари 2000 дан ортик, акушер, фельдшер, ҳамширалар тайёрлади.

Вилоятнинг 1945 йилги маҳаллий бюджетининг ҳажми вилоят ижроия кўмитаси томонидан 19026000 сўм миқдоридан белгиланар экан, бу маблағларнинг катта қисми ёшлар ўртасида таълим ва тарбия учун сарфланиши белгиланди. Умумтаълим мактабларига 67369000 сўм, техникум, педагогика билим юртлири ва курслар учун 7183000 сўм миқдоридан белгиланди. 1945 йилда вилоятда бошланғич ва ўрта мактабларда 177200 бола ёки шу йилнинг бошига нисбатан 21200 боладан кўпрогини ўқитиш кўзда тутилди. Саноат ва қишлоқ хўжалигида банд бўлган ёшлар учун янги мактаблар очилди. Бу мактабларда ўқувчиларнинг сони 2 баравар ошди. Техникум ва билим юртлирида ўқувчиларни сони 1400 нафарга ошди.²

Хулоса қилиб айтганда, самарқандлик педагог ва ўқитувчилар уруш даврининг қийинчиликларига қарамасдан болаларни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида фидокорона маҳнат қилишди, шу билан бир қаторда аҳоли ўртасида ғоявий-тарбиявий ишларни олиб борди, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида фаол

¹ Мехнатқашлар депутатлари Самарқанд область Советининг V сессияси материаллари// “Ленин йўли”. 1945 йил 25 июль. № 137 (3978).

² Мехнатқашлар депутатлари Самарқанд область Советининг V сессияси материаллари// “Ленин йўли”. 1945 йил 20 июль. № 133 (3975).

иштирок этиб, фашизм устидан ғалабага эришишда ўз ҳиссаларини қўшдилар.



Самарқанд шаҳридаги 8-мактабнинг биринчи синф ўқувчилари ўз ўқитувчиси Убаро Тўраева билан танишмоқдалар.



Самарқанд шаҳридаги 22-мактабда сиёсий ахборот мунтазам ўтказилади. Гитлерчи босқинчиларнинг Москва остонасидаги мағлубияти ҳақидаги хабар қувонч билан кутиб олинди. Сурагда: Мактаб директори Ғиёсов педагогларни Иттифоқ информбюроси хабари билан таништирмоқда.

3.3. Адабиёт ва санъат ғалаба учун хизматда

Уруш йилларида самарқандлик ижодкор зиёлиларнинг асарлари, санъат усталарининг чиқишлари халқни маънавий жиҳатдан кўтарди, оммани ғалаба учун курашга сафарбар этишда муҳим омил бўлди.

Уруш йилларида шоира Раъно Узоқованинг “Мардона юринг” (1943) шеърлар тўплами шоира Ойдин муҳаррирлигида Ўзбекистон Давлат нашриётида чоп этилди.

Шоира ўзининг “Мардона юринг” шеърида меҳнаткаш аёлларнинг юксак ватанпарварлик интилишларини зўр самимият билан ифодалайди.

Жангчиларга бўлайлик ҳамдам,
Ярасига кўйайлик малҳам,
Оналардек меҳрибон маҳрам,
Ҳамширалар, тез сафга киригинг,
Кўкрак кериб мардона юринг!

Тўпламдаги “Фарзанд” шеърида уруш шароитида ота-онасидан ажралган болаларга нисбатан ўзбек хотин-қизларининг ғамхўрлиги ва меҳрибонлигини гўзал тасвирлайди.

Сен ўксинма, кўзимнинг нури,
Бағримда сен етим эмассан,
Маънос бўлиб ҳар ён термулиб,
- Қани менинг онам? – демассан.

Бу тўпламда шоиранинг яна “Севаман жондан”, “Танкист”, “Анорхон”, “Капитан” шеърлари жой олган.¹

Шоир Саид Назар уруш йилларида “Мардлар кўшиғи”, “Унутмайман”, “Тоза бир фасл” шеърлари ҳамда “Ғолиб” ҳикоясини ёзди. 1943 йилда шоирнинг “Лавҳалар” номли шеър ва ҳикоялар тўплами нашр қилинди. Уруш йилларида ўзининг бутун

ижодий фаолиятини фронт томонга буриб, қаламини душманга қарши найза қилиб, ғазаб билан майдонга чиқди. Ўзининг шеърларидан бирида шундай дейди:

Касбим менинг элга нур сочишдир,
Душманга қаламдан ўт очишдир.¹

Шоир Шароф Рашидовнинг Ўзбекистон Давлат нашриёти томонидан “Қаҳрим” шеърлар тўплами нашр қилинди.

Бу тўпламга шоирнинг сиёсий ва интим лирика йўналишларидаги шеърлари киритилган. Жангчиларнинг уруш фронтларида кўрсатган мардлик ва маҳоратини тасвир қилишга бағишланган парчалар ва шахсан муаллифнинг ўзи шоҳид бўлган жанг ҳодисалари ҳақидаги шеърлари ҳам асарда муҳим ўрин тутади.

Ш. Рашидовнинг “Қаҳрим” шеърлар тўпламига кирган шеърлари ичида “Офарин”, “Жанг қил”, “Ширин келармиш”, “Ёр келур”, “Ишк кўйдим”, “Меҳнатим” каби шеърлари борки, уларда чуқур кўтаринкилик руҳи балқиб туради.

Шоир ўзининг равон ва мазмундор шеърларида Ватанни, унинг мудофаасини қуйлаб, шундай дейди.

“Оламга эрк маёғи,

Қалбда севинч булоғи,

Иқболимининг чироғи -

Ўлкам, омон бўл!” (“Ўлкам, омон бўл!” шеъридан)²

Бу даврда Ўзбекистон Давлат нашриёти жангчилар учун “Бахт келди” номли ҳикоялар тўпламини нашр қилди. Бу тўпламда Самарқанд ёзувчиларининг асарлари асосий ўринни эгаллади. Китоб армияга танк колонналари ва авиаэскадрильялар куриш учун маблағ тўплашда илғор ўринни эгаллаган Самарқанд вилоят меҳнаткашларининг баланд ҳимматини тасвир этган шоир Саид Назирнинг “Бахт келди” ҳикояси билан бошланади. Китобда

¹ “Ленин йўли”. 1943 йил 5 сентябрь. №184(3512).

² Самарқанд ёзувчиларининг янги асарлари// “Ленин йўли”. 1945 йил 27 май. №97(3938).

¹ “Мардона юринг”// “Ленин йўли”. 1945 йил 6 июнь. №104(3945).

шоира Раъно Узоқованинг кўчириб келтирилган болаларни тарбиялашда ажойиб ватанпарварлик ва оналик меҳр-муҳаббатини кўрсатган ўз образини гавдалантирган “Учрашув” ҳикояси, шоир Ҳаким Зоҳирийнинг фаол жамоатчи ва халқпарвар врач тасвир этилган “Ёрдам”, ёзувчи Абдулла Қаҳҳор, Ойдин ва бошқаларнинг ҳикоялари жамланган эди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида самарқандлик шоирлардан Ҳаким Зоҳирийнинг “Тириксан, ўлмагансан”, “Кумуш”, “Насихат”, “Ғалаба тўйинг муборак”, “Хайрлашув”, “Ёринг келур”, “Севинч ёшлари”, Карим Каримийнинг “Келди хушхабар” шеърлари яратилди.

Уруш даврининг катта қурилишларидан бири бўлган Фарход ГЭСи қурилишидаги самарқандликларнинг меҳнат жасоратидан руҳланган шоир Саид Назар “Қурилиш” достонини ёзади. Шоир Чустий уруш даврининг оғир шароитида қурилишларда ишлаётган ўзбек қизларини ўз шеърларида тараннум этди. Ҳамид Фулом эса ўзининг “Самарқанд шахрининг аскарларига шон-шарафлар” шеърида уруш фронтларида жанг қилаётган самарқандликларнинг шижоат ва қаҳрамонликларини ҳикоя қилиб берди.¹

1944 йилнинг июль ойининг ўрталарида улуғ рус ёзувчиси А.П.Чехов вафотининг 40 йиллиги муносабати билан Самарқандда “Чехов кунлари” тадбири ўтказилди. Самарқанд Давлат ўзбек мусикали драма театрида “Медведь” (“Айик”) асари ўзбек тилида сахналаштирилди. Таржимони драматург Ҳаким Зоҳидов, сахналаштириш ишларини режиссёр С.Воҳидов, бадиий безаш ишларини М.Есипов амалга оширди.

Ўзбек давлат филармониясининг Самарқанд бўлими ёзувчи хотирасига бағишлаб катта концерт уюштирди.

Шаҳардаги М.Горький номли педагогика институтида ёзувчи ҳаёти ва ижодига бағишлаб илмий анжуман ўтказилади.

Анжуманда доцент М.И.Сойфер “Ватан ва Чехов”, доцент А.Н.Чернец “Чехов ижоди”, ўқитувчи С.А.Малахов “Чехов ижоди” мавзуларида чиқиш қилишди ва 50 га яқин бошқа мавзуларда маърузалар тингланди. А.С.Пушкин номидаги вилоят кутубхонасида қизиқарли ва бой кўргазма ташкил қилинди.¹

Рус драма театри эса самарқандликларга “Ваня тоға” пьесасини намойиш этди. Пьесани сахналаштирувчи режиссёр А.Ф.Киктоева, рассоми Зотов эди. Асосий ролларни Алябов, Шквалов, Воршовский, Мартинова, Ламочкина, Каралеская, Кроев, Васин, Григорьева каби санъаткорлар ижро этишди.

1945 йилнинг экинлар экиш даврида Самарқанд халқ шоирлари (бахшилар) Фозил Йўлдош, Ислон шоир ҳамда Саид Назар, Ҳаким Зоҳирий, Раъно Узоқова, Воҳид Абдулло, Малахов, Карим Каримий ва бошқа шоирлардан иборат тўрт ижодий гуруҳ тузилиб, меҳнаткашлар ўртасида адабий кечалар уюштирилди. Шунингдек, ёзувчи Садриддин Айний ҳам меҳнаткашлар ўртасида чиқишлар қилди.

Февраль, март, апрель ойларида ёзувчи ва шоирлар 6 марта радио орқали ўз асарларини ўқиб бердилар.

Драматург Исмоил Акромов Иккинчи жаҳон уруши мавзусида “Искандар” номли драмасини ёзди. Унинг “Тақдир” пьесаси вилоят мусикали драмкомедия театри томонидан сахнага қўйилди.

Самарқанд вилоят мусикали драма театрида С.Исмоилзоданинг “Фарзанд” пьесаси сахнага қўйилди.

Муаллиф бу асарида ўзбек халқининг уруш даврида онасиз қолган ва кўчириб келтирилган болаларга нисбатан қилган ғамхўрликларини ва меҳрибонлигини акс эттиришни вазифа қилиб қўйган. Асарда украин партизани Василий Макаровичнинг ўғли Павликни фарзанд қилиб, ўз оиласига олган ва унга чуқур муҳаббат ҳамда меҳр билан қараган ўзбек колхозчилари: Содик ака ва Анзират опа образлари тасвирланади. Асардаги ролларни

¹ Самарқанд тарихи. Икки томлик. 2-том. Масъул муҳаррир. И.М.Мўминов. Т.: «Фан». 1970. – Б. 228.

¹ Чеховские дни в Самарканде// “Ленинский путь”. 13 июля 1944 г. № 136 (1662).

Ҳошимова, Ҳошим Нарзикулов, республикада хизмат кўрсатган артист Зайнаб Содикова, Рустам Мансуров, Содиков ва Шокировлар ижро этишади.¹

1943 йилнинг август ойида республика ўзбек опера-балет театрининг жамоаси композитор Мухтор Ашрафий бошчилигида Самарқандда гастролда бўлди. Жамоа таркибида СССР Халқ артисти Ҳалима Носирова, Муҳиддин Қори Ёқубов, Карим Зокирий, Мукаррама Турғунбоева, Уста Олим Комилов ва бошқалар бўлган.

Театр 5 кўринишли “Улуғбек операсини ва “Ўзбекистон қиличи” спектакллари саҳнага қўяди.²

Яна театрда Г.Мдиванининг “Фронт бўйлаб буйрук” пьесаси саҳнага қўйилди. Ролларни театр актёрлари Мансуров – Серго ролини, республикада хизмат кўрсатган артист Зайнаб Содикова Зинаида Гавриловна образида, Павлик ролини Икрома Болтаева, актёр ролини Собир Воҳидовлар ижро этишди.³

Самарқандда яшовчи яхудий ёзувчиларидан Берголь ва Хашчевацкийлар “Суд куни” номли янги пьесасини ёзиб тугатишди. Пьеса ўша даврда Самарқандда фаолият кўрсатган Харьков Давлат яхудий театри жамоаси томонидан саҳнага қўйилди.⁴

Уруш йилларида Самарқандда фаолият кўрсатган тожик-яхудий ансамбли Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавриэль Муллақандов раҳбарлигида икки ойдан кўпроқ вақт мобайнида Омск, Свердловск, Челябинск, Магнитогорск каби бир қатор шаҳарларда сафарда бўлади.

Г.Муллақандовнинг “Кўзларинг”, “Биё-биё”, “Кўрдим” ва қозоқча, бошқирча ашулалари, Бобохонов ва Фаарида Муллақандоваларнинг яллалари, Ж.Мушиеваларнинг рақслари томошабинларда чуқур таассурот қолдиради.

¹ Фарзанд// “Ленин йўли”. 1943 йил 28 январь. №22(3350).

² Свердлов театри Самарқандга келди// “Ленин йўли”. 1943 йил 31 июль. №158(3486).

³ Театр// “Ленин йўли”. 1942 йил 3 июнь. №128(3152).

⁴ Янги пьеса// “Ленин йўли”. 1942 йил 23 июль. №171(3195).

Улар фронт учун фидокорона меҳнат қилаётган ишчилар оммасига маданий хизмат кўрсатиш билан бирга жамоа гастрол даврида ўз устиларида ҳам жиддий ишладилар. Рус тилида “Гвардейский”, “Сулико” хорлари машқ қилинди. Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавриэль Муллақандов “Уралочка”, “Онанинг хати”, “Урал” каби ашулаларни тайёрлайди.¹

Уруш йилларида “Хўжа Насриддин афанди” фильми суратга олинди. Бу фильмни суратга олиш ишлари Самарқандда 1942 йилнинг 22 июндан бошланди. Бухоронинг қадимги даврини кўз олдига келтиришда Самарқанддаги тарихий биноларнинг жуда катта имконият бериши назарда тутилиб, ишнинг асосий қисми Самарқандда бажарилди.

Фильмга РСФСРда хизмат кўрсатган артист Я.А.Протазанов ва Наби Ғаниевлар режиссёрлик қилди. Хўжа Насриддин афанди ролини артист Свердлов, кулол Ниёз қизи Гулжаҳон ролини Мирзакаримова, бош кўрикчи ролини хизмат кўрсатган артист Эрмухаммедов, биринчи кўрикчи, фолбин, жосус ролини Ўзбекистон ССР халқ артисти Миршоҳид Мирокиловлар ижро этди. Бош оператор Димуцкий, бош рассом Ереман, композиторликни Богословский ва Арабовлар бажарди.¹

1944 йилнинг август ойида Самарқандга “Тоҳир ва Зухра” бадиий фильмини суратга олиш учун Тошкент бадиий фильмлар киностудияси келди. Бу фильмни сценарийсини ёзувчи Собир Абдулла ва Алексей Спешневлар ёзишган. Фильмга Йўлдош Аъзамов ва Наби Ғаниевлар - режиссёр, В.Варшин-Ереман рассом, Тўхтасин Жалилов - мусиқа композитори, Карим Бўриев овоз оператори бўлишдилар.

Фильмда Юлдуз Ризаева, Фулом Қодир Тожибоев, Республикада хизмат кўрсатган артист Асад Исмагов, Ўзбекистон халқ артисти Обид Жалилов, халқ артисти Шукур Бурхонов, Зебо Ғаниевалар асосий ролларни ижро этишди.

¹ Тожик-яхудий ансамбли гастролдан қайтиб келди// “Ленин йўли”. 1943 йил 12 сентябрь. №189(3517).

Фильмнинг ярми Тошкент ва Хўжандда тасвирга олинди. Фильмнинг қолган қисми Самарқандда сурагга олинди. Шаҳарнинг Шоҳи Зинда ҳудудида фильмнинг сарой кўринишини тасвирга олиш учун сарой павильони ясалди.²

Бу даврда Самарқандда жойлашган Москва марказий бадиий санъат билим юрти қошида халқ наққошлик санъати мутахассислари тайёрлаш курси ташкил қилинди. Бу курсда ўқийдиган ўзбек ёшларига эски халқ санъати усталаридан Муродов, Самадов, Мирбобоев каби хунармандлар ўз тажрибаларини ўргатадилар. Москвадан келган талантили педагоглар курсда маърузалар ўқишди. Курсда девор ва турли идишларга солинадиган гўзал нақшлар ўргатилди.³

1943 йилнинг апрель ойининг ўрталарида Самарқанд шаҳрида Бибихоним мадрасасида вилоят Қариялар кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтади. Бу йиғилишда Самарқанд ва Бухородаги тарихий ёдгорликларни тиклашда қатнашган Бутуниттифок кишлок хўжалик кўргазмасида Ўзбекистон павильонининг нақшларини ўйган Ўзбекистон халқ санъатининг машҳур меъмори 65 яшар уста Ширин Муродов, беш жангчининг отаси 76 яшар Хурсанд ота Самадов, орденли ёзувчи Садриддин Айний, моҳир гилкор Жўра бобо Шамсиев, уч жангчининг отаси 80 яшар Эгам бобо Муродов сингари халқнинг кекса вакиллари бор эди. Улар бу ерда буюк халқ тарихий ёдгорликларини тиклаш ва уни авлод-аждодлар учун сақлаб қолиш, гўзал Самарқандни янада гўзал ва обод қилиш тадбирларини белгилаш учун тўпланадилар.

Бу тадбирда Самарқанд вилоят партия кўмитасининг котиби Маҳмудов ва Алиев, шаҳар партия кўмитасининг котиби Сологуб ва Эшонқулова, шаҳар советининг раиси Ҳақбердиев, Сиёб туман

¹ Хўжа Насриддин афанди Самарқандда// “Ленин йўли”. 1942 йил 26 июль. №174(3198).

² В.Висмат. Съёмки фильма “Тохир и Зухра”.// “Ленинский путь”. 22 октября 1944 г. № 206 (1732)

³ Наққош кадрлар// “Ленин йўли” 1942 йил 6 сентябрь. №210(3234).

партия кўмитаси котиби Бекбоевлар қатнашдилар ва қариялар билан яккама-якка суҳбатлашдилар.

Самарқанд вилоят партия кўмитасининг котиби Маҳмудов Қариялар Кенгашида нутқ сўзлаб шундай дейди: “Самарқанд – тарихий халқ ёдгорликларига бой. Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг биринчи котиби Усмон Юсупов ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Абдували Мўминовлар яқинда Самарқандга келганларида халқ тарихий ёдгорликлари бўлган Регистон, Гўримир, Бибихоним, Шоҳи Зинда ва Расадхонани бориб кўрдилар. Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг раҳбарлари Самарқанддаги халқ ёдгорликларининг бир мунча бузилаётганини кўриб, ачиндилар ва бунга эътиборсизлик билан қараган Самарқанд вилоят ва шаҳар партия, совет ташкилотларининг раҳбарларини танқид қилдилар.

Самарқанд вилоят ва шаҳар партия, совет ва хўжалик ташкилотлари ҳамда бутун вилоят меҳнаткашлари олдида ана шу тарихий халқ ёдгорликларини тиклаш, муҳофаза қилиш, Самарқандимизни гўзал ва обод қилиш, ота-боболаримиз ёдгорликларини оёқости бўлишдан сақлаш каби муҳим ва масъулиятли ишга қатнашиш фақат Самарқанд шаҳар меҳнаткашларининг иши бўлиб қолмай, балки вилоятдаги барча меҳнаткашларнинг ҳам ишидир. Вилоятимизнинг халқ хўжалигидаги барча зарурий моддий ва маънавий ресурсларни жамғариш ва уларни тўла ишга солиш зарур. Шаҳар ва кишлок, маҳалла ва колхозларда халқ оммаси ўртасида кенг тушунтириш ишларини қизитиш асосида бу вазифанинг муваффақиятли равишда бажарилишини таъминлашимиз лозим”.

Йиғилишда Садриддин Айний, Мирзашоҳ, Соли Зокиров, Жўра Шамсиев ва бошқа қариялар сўзга чиқиб, бу борада қимматли маслаҳатлар бердилар ва шаҳар аҳолиси ўз тарихий ёдгорликларини тиклаш, шаҳарни обод қилиш учун ўз кучини аямасликларини айтиб ўтдилар.¹

¹ Кексалар кенгаши// “Ленин йўли”. 1943 йил 17 апрель. №83(3411).

Ўзбекистон Рассомлар ташкилотининг Самарқанд бўлими иккита китобни нашр қилдирди. Бу китобнинг биринчиси “Тасвирий санъат ҳақида суҳбат” деб номланиб, 4 босма табоқ хажмга эга бўлади. Китоб ўзбек тилида чоп этилиб, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган, унинг муаллифи санъатшунослик фанлари номзоди А.Д.Ремпел эди.

Иккинчи китоб санъатшунос А.Д.Чегодаев томонидан яратилган бўлиб, у “Тасвирий санъатда Самарқанд” деб номланган. Бу китобда Самарқандда ишлаган ва Самарқанд ҳақидаги картиналар ишлаётган рассомларнинг ишлари танқидий таҳлил қилинади.

Рассомлар ташкилоти яна Ўзбекистон тарихий ёдгорликларини асраш ташкилоти билан биргаликда “Самарқанднинг тарихий ёдгорликлари” номли бадий альбомни тайёрлайди. Унда шаҳарнинг кискача тарихи, ёғоч ўймакорлигининг нақш суратлари, мамлакат ёдгорликларининг суратлари тасвир этилган. Бу ишларни профессор В.Фаворовский ва М.Пинковлар амалга оширган.¹

1944 йил ноябрь ойининг ўрталарида Самарқанд шаҳрида “Ўзбекистоннинг меъморий ёдгорликлари” номли хужжатли фильмни тасвирга олиш бошланди. Фильмда асосий ўринларда Амир Темур мақбараси, Шоҳи Зинда ансамбли, Регистон, Бибиноним мадрасаси, Ашратхона, Оқ масжид ва Улугбек расадхонаси каби меъморий обидалар тасвирланади.

Фильмни Тошкент ва Ленинград киностудиялари суратга олишди. Фильмга В.Николай – режиссёр, С.Лебедев операторлик қилишди. Фильмга археология фанлари номзоди Г.А.Пугаченкова ва архитектура фанлари номзоди Б.Н.Засинкинлар маслаҳатчилик қилишди. Тарих фанлари

¹ Новые книги по изобразительному искусству// “Ленинский путь”. 13 февраля 1944 г. № 30 (1528)

доктори, профессор Массон ва профессор Якубовскийлар илмий консультантлик қилишади.¹

1945 йилга келиб Самарқанд вилояти архитектура ишлари бўлими уруш арафасида гўё Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигини ўтказишга тайёргарлик юзасидан Гўри Амир мақбарасида олиб борилган археологик ишлар натижасида очиб ташланган бу мақбарани таъмирлаш ишларига аҳамият бериб, бюджетдан 550000 сўм ажратди. Шунингдек, Шоҳи Зинда, Улугбек мадрасаси ва расадхонасини таъмирлаш учун тайёргарлик ишларини кўрди. Бўлим ходимлари қадимий бўёқлар тайёрлаш учун ҳаракат қилишди. Кутин, Соловев ва Турсуновлар кўк, яшил ва оқ рангларнинг яхши намуналарини излаб топдилар.¹

Уруш йилларида самарқандлик ижодкор зиёлиларнинг асарлари, санъат усталарининг чиқишлари халқни маънавий жиҳатдан кўтарди, оммани ғалаба учун курашга сафарбар этишда муҳим омил бўлди.

¹ Съёмки фильма “Памятники архитектуры Узбекистана”// “Ленинский путь”. 21 ноября 1944 г. № 225 (1751).

ХУЛОСА

2015 йилда бутун дунёда, мамлакатимизда буюк бир тарихий сана, яъни Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 70 йиллиги нишонланди.

Шундай экан, тарих бизни уруш йилларидан қанчалик кўп узоқлаштирмасин, барибир, собиқ Иттифоқ халқлари қаторида Ўзбекистон халқининг ҳам Иккинчи жаҳон уруши даврида жанггоҳларда кўрсатган жасоратлари ва турмушнинг барча соҳаларида амалга оширган фидокорона меҳнатларининг аҳамияти кишиларга ҳар доим намоён бўлаверади.

Президентимиз Ислоҳ Каримов ўз нутқларидан бирида уруш ҳақида тўхталиб шундай деган эди: “Иккинчи жаҳон урушига қандай қаралмасин, бу уруш қайси ғоя остида ва кимнинг изми билан олиб борилган бўлмасин, ўз ватани, эл-юртининг келажаги, беғубор осмони учун жанг майдонларида ҳалок бўлганларни, ўз умрларини бевақт хазон қилган инсонларни доимо ёдда сақлаймиз”²

Иккинчи жаҳон уруши даври Ўзбекистон тарихининг ҳам узвий бир қисми ҳисобланади. Шу сабабли биз бу даврни унута олмаймиз. Республикада уруш фахрийларига, уларнинг оилаларига ёрдам берилмоқда, уларга бир қатор имтиёзлар яратилган.

2011 йилнинг 9 май куни пойтахтимиздаги Хотира майдонидаги учрашувда “... Бугунги айёмнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у бир-биримизни, авваламбор, сафимизда тетик бўлиб юрган уруш қатнашчиларини кадрлаб, уларга меҳр-оқибат кўрсатиб яшашга даъват этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 8600 дан ортиқ уруш қатнашчиси ҳаёт кечирмоқда. Муҳтарам фахрийларимизнинг ҳаётини мазмунли қилишга, умрини узайтиришга кўлимиздан келганича ҳисса қўшиш, уларга нафақат мана шундай байрам кунларида, балки ҳар куни, ҳар соатда ғамхўрлик ва меҳрибонлик

кўрсатиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз эканини унутмаслигимиз керак”¹ деган эди Юртдошимиз И. Каримов.

Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар уюшмасининг ташаббуси билан фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан жангларда ҳалок бўлган 400 мингга яқин ватандошларимиз ҳақида архив материаллари тўпланиб, бу маълумотлар асосида “Хотира” туркумида 33 китоб нашр этилди. Унинг бевосита 3 жилди Самарқанд вилоятига бағишланган.

1999 йилдан 9 майни юртимизда “Хотира ва кадрлаш куни” сифатида нишонлаб келмоқдамиз. Бу оловли жангларда қурбон бўлганларни хотирлаш, биз билан бирга ҳозирги кунда яшаётган сафлари жуда сийраклашиб қолган уруш фахрийларини кадрлаш, эъозлаш, ҳурмат-иззатини жойига қўйишдек улуғвор инсоний фазилатлар, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда, мустақил Ўзбекистонимизнинг миллий хавфсизлигини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эгадир.

Президентимиз И. Каримов 2005 йилнинг 9 май куни пойтахтдаги Хотира майдони жамоатчилик вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқида шундай деган эди: “... Бугун бу муқаддас зиёратгоҳга йиғилган фахрийларимиз, илоҳим, ғалабанинг 70 йиллигини ҳам нишонлайлик, ўша кунларга ҳам соғомон етайлик, деб ният қилмоқда. Мен уларнинг бу фикрига қўшимча қилиб, ғалабанинг фақат 70 йиллик санасига эмас, балки 100 йиллик санасига ҳам ҳаммамиз биргаликда етиб борайлик, деб ният қилишни, Яратгандан шуни сўрашни истардим.

Бу - менинг қалб амрим, самимий тилагимдир. Орадан юз йил ўтар, минг йил ўтар, аммо ишончим комилки, Хотира ва кадрлаш куни халқимизнинг энг қутлуғ байрамларидан бири сифатида тарихда қолади”²

2014 йилнинг 13 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “1941-1945 йилларидаги уруш ва меҳнат fronti

¹ Karimov I.A. Demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini shakllantirish – mamlakatimiz taraqqiyotining asosiy mezonidir. -T.: “O‘zbekiston”, 2010. T.19. -B.303

² Karimov I.A. O‘zbek xalqi hech qachon, hech kimga qaram bo‘lmaydi. T.13. -T.: “O‘zbekiston”, 2005. - B.291

¹ Қадимги эсдаликларни реставрация қилиш// “Ленин йўли”. 1945 йил 3 июнь. №102(3943).

² Karimov I.A. Vatan sajdagoh kabi muqaddasdir. T.: “O‘zbekiston”, 1996, -B.81.

фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.¹

Ушбу Фармонда 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, тиббий ҳамда санаторий-соғломлаштириш соҳасида хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш ҳисобига уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилади.

2015 йилдан бошлаб, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийлари йилига бир марта ўзлари учун мақбул муддатларда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ҳамда республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг санаторий-соғломлаштириш курсидан ўтиш ҳуқуқига эга бўдилар.

Хулоса қилиб айтганда, Иккинчи жаҳон урушининг тарихий сабоқлари сўнамасдир. Орадан йиллар ўтади, замонлар ўтади. Биздан кейинги одамлар ва авлодлар ўрнини янгидан-янги авлодлар эгаллайди. Аммо ҳеч қачон бу кун тантана сифатида нишонланмасдан, Ватанни ҳимоя қилишдек муқаддас иш учун ўзининг ёш жонини берган ўн минглаб, юз минглаб марду майдон юртдошларимиз хотираси олдида таъзим қилинмасдан қолинмайди.

Эл-юртимиз мард ва ботир ўғлонларининг хотирасини қалби ва юрагида асраб, миннатдорлик билан ёд этиб, Аллоҳдан уларнинг охирати обод бўлишини сўрайди, уларнинг тарих ва келажак олдидаги хизматлари, бугунги ҳаёт учун сингган меҳнатларини ҳеч қачон унутмайди.

Фойдаланилган манбалар ва адабётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

- I.1. Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. 71 б.
- I.2. Каримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Маърузалар, нутқлар, суҳбатлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. 278 б.
- I.3. Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 364 б.
- I.4. Каримов И. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 380 б.
- I.5. Каримов И. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 384 б.
- I.6. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998. 31 б.
- I.7. Каримов И. Адолатли келажак сари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1998. 160 б.
- I.8. Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 680 б.
- I.9. Каримов И. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир (“Фидокор” газетаси муҳбири саволларига жавоблар). – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 32 б.
- I.10. Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 112 б.
- I.11. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 456 б.
- I.12. Каримов И. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11 – жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. 320 б.
- I.13. Каримов И. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13- жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. 448 б.

¹ “Zarafshon” gazetasi. 2014-yil 14-oktabr, № 123(22.439).

I.14. Каримов И. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий кадрят. 14- жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. 320 б.

I.15. Каримов И. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизни ҳаёт даражасини ошириш-барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15- жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 2006. 280 б.

I.16. Каримов И. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16 - жилд.- Тошкент: Ўзбекистон, 2008. 368 б.

I.17. Каримов И. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиздир. 17 - жилд.- Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 280 б.

I.18. Каримов И. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни мадернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтариш сари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. 280 б.

I.19. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2010. 176 б.

I.20. Каримов И. БМТ Бош Ассамблеясининг минг йиллик ривожланиши мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқи. -Тошкент: Ўзбекистон, 2010. 184 б.

I.21. Каримов И. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011. 360 б.

I.22. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011. 440 б.

II. Архив ҳужжатлари ва материаллари

II.1. Самарқанд вилояти давлат архиви

II.1.1. 7-фонд. –Самарқанд шаҳар халқ маорифи бўлими

II.1.2.26-фонд. –Самарқанд шаҳар халқ депутатлари ижроия кўмитаси.

II.1.3.74-фонд. –Самарқанд вилояти ижроия кўмитаси.

II.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви Самарқанд вилоят бўлими

II.2.1. 30-фонд. –Ўзбекистон Коммунистик партияси Самарқанд вилоят кўмитаси.

II 2.2. 65-фонд. –Ўзбекистон Компартияси Самарқанд шаҳар кўмитаси.

II 2.3. 215-фонд. –Ўзбекистон Компартияси Самарқанд округи кўмитаси

III. Даврий матбуот

III.1. Газеталар

III.1.1. “Қизил Ўзбекистон” (Тошкент), 1941-1945.

III.1.2. “Ленин йўли” (Самарқанд), 1941-1945.

III.1.3. “Ленинский путь” (Самарқанд). 1941-1945.

IV. Илмий адабиётлар

IV.1. Алескеров Ю.Н. Самарқанд: страницы истории. – Ташкент: Узбекистан, 1967.-224 с.

IV.2. Алескеров Ю.Н. Годы, равные векам: Страницы истории Самарканда. – Ташкент: Узбекистан, 1973.-319 с.

IV.3. Алимова Д.А., Голованов А.А. Узбекистан 1917-1990 годы: противоборства идей и идеологи. – Ташкент: Узбекистан, 2002. – 142 с.

IV.4. Алимова Д.А., Буряков.Ю.Ф., Рахматуллаев Ш.М. Самарқанд тарихи. – Тошкент: ART-FLEX, 2009. -146 б.

IV.5. Аминова Р.Х Колхозное крестьянство Узбекистана в годы Великой Отечественной войны (1941-1945 гг.). -Ташкент: Фан, 1979. -392 с.

IV.6. Аминов Х., Иброхимов Н. Самарқанд – фронтга. – Самарқанд. “Сўғдиёна”, 1994. – 60 б.

IV.7. Аминов Х., Вафоев. А. Сўнмас юлдузлар. Самарқандлик Совет Иттифоқи Қахрамонлари ҳақида хужжатли лавҳалар. Самарқанд “Зарафшон”, 1994.-51-бет.

IV.8. Голованов А.А., Саидов И.М. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. Часть I-II: Изд-во. СамГУ, 2006. -392 с.

IV.9. Ефимов В.И. Патриотическое подвиг трудящихся Самаркандской области в годы Великой Отечественной войны. Самарканд, 1962.

IV.10. Иноятов Х. Ғалабага кўшилган ҳисса. Т.: Фан, 1975. – 92 б.

IV.11. Мамадазимов М. Ядро уруши – телбалиқдир. – Шарқ юлдузи, 1987 йил, 7-сон.

IV.12. Пиримкулов Ш. Поляк фуқаролари Самарқандда (1941-1946 й й.). – Самарқанд “Зарафшон” нашриёти, 1999. -156 бет.

IV.13. Пўлатов У. Улуғ Ватан уруши ғалабасига Ўзбекистон меҳнаткашларининг кўшган ҳиссалари. Т.: Ўзбекистон, 1967. – 104 б.

IV.14. Самарқанд тарихи. 2 томлик. II том. Маъсул муҳаррир И.М. Мўминов. Т., “Фан”, 1970. -496 б.

IV.15. Турдиев С. Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон меҳнаткашларининг кўчириб келтирилган болаларга ғамхўрлиги./ Маъсул муҳаррир Х. Зияев. –Т.: Фан, 1987. -72 б.

IV.16. Тошхўжаева Н. Ўзбекистон қишлоқ хотин-қизлари уруш йилларида (Маъсул муҳаррир Р. Х. Аминова), Т.: Фан, 1985, 55 бет.

IV.17. Ғафуров З., Бегимкулов Д. Ватан тақдирини ўйлаб. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1990. -72 б.

IV.18. Usmonov Q., Sodiqov M. O'zbekiston tarixi (1917-1991-yillar); Akademik litsey va kasb-hunar kollejlari 1-bosqich o'quvchilari uchun darslik / Mas'ul muharrir: Q.Rajabov. –Т.: “Sharq”, 2011. -224 б.

IV.19. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида// Тузувчилар: М.Жўраев, Р.Нуриллин, С.Камолов ва б. -Т.:”Шарқ”, 2000. -688 б.

IV.20. O'zbekiston tarixi. (Oliy o'quv yurtlarining nomutaxassislik fakultetlari talabalari uchun darslik). Tarix fanlari doktori, professor R.H. Murtazayevaning umumiy tahriri ostida. –Toshkent, 2005. -534 b.

IV.21. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). 10-синф учун дарслик. Маъсул муҳаррир Д.А.Алимова) – Тошкент: Шарқ, 2006. – 463 б.

Илмий оммабоп нашр

Абдурахмон Бодиров

Самарқанд Иккинчи жаҳон уруши йилларида

Самарқанд, “Zarafshon” нашриёти ДК, 2015. –124 б.

Мухаррир: Ш.Сариев
Мусаххих: Гулнора Холдорова
Саҳифаловчи: Дилбар Саматова

Нашриёт лицензияси АИ №153, 14.08.2013

Теришга берилди: 31.07.2015й.

Босишга рухсат этилди: 07.08.2015й.

Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84 ^{1/16}.

«Таймс» гарнитураси. Офсет босма усули.

Ҳисоб-нашриёт т. 5,5 Шартли б.т. 7.75

Адади: 200 нусха.

Буюртма. 32

Баҳоси келишилган нархда.

“Zarafshon” нашриётида нашрга тайёрланди.
140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 12-уй.

Тел.: (+99866) 235-28-40
e-mail: zar-nashriyot@inbox.uz

“Zarafshon” нашриёти давлат корхонаси
босмаҳонасида чоп этилди. 140100,
Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 12-уй.

ISBN 978-9943-4513-9-1



Абдурахмон Бодиров 1961 йилда Самарқанд вилояти Қўшрабoт туманида туғилган. 1978-1983 йилларда Самарқанд Давлат педагогика институти чет тиллар факультетида ва 1988-1994 йилларда СамДУ нинг тарих факультетида таҳсил олган. “Амир Темур ва теурийлар даври тарихига кириш”, “Самарқанддан таралгай жаҳонга – Шарқ тароналари” китоблари ва 15 дан зиёд услубий тавсия ва кўлланмаларнинг муаллифи. Унинг 40 дан ортиқ илмий ва оммабоп мақолалари нашр қилинган. Ҳозирги кунда СамДУ қошидаги 2-сон академик лицейида ёшларга таълим-тарбия бериб келмоқда. Турон Фанлар Академиясининг фахрий академиги.

ISBN 978-9943-4513-9-1



9 789943 451391